

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАҲКАМОЙ ТУРСУНОВА

# МАДРАСАЛАР ТАЪЛИМИДА АДАБИЁТ САБОҒИ

Самарқанд - 2010

**УДК: 891,709**

**Т – 74**

**М.Турсунова. Мадрасалар таълимида адабиёт сабоғи.**  
Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2010. – 110 бет.

*ББК: 81.3Уз*

*Инсоният маънавий камолоти тарихида ҳар бир миллат ва халқнинг ўз ўрни, дунё тараққиётига қўшган ҳиссаси бўлади. Қадим тарихга эга бўлган юртимиз ўз авлодларининг дину иймонини, маънавий камолини дунёвий илмларга таянган ҳолда бойитиб келган ва юксак даражаларга эришган.*

*Илмга бўлган интилиш халқимизнинг асрий орзуси бўлган. Ана шу интилиш мадрасалар таълимида ўз ифодасини топган ва бой, бетакрор тажрибаларнинг умумлашишига сабаб бўлган.*

*Ушбу монографияда мадрасалар таълими тарихи, унда қўлланилган ўқитиш усуллари тарихи жуда бойлиги, уни ўрганиш ва тушуниш муҳим масалалардан бири эканлигини инобатга олиб қисман бўлса-да ўрганишига ҳаракат қилинди.*

**Масъул муҳаррир      профессор Дилором Салохий**

**Тақризчилар:            ф.ф.д. проф: Усмон Санақулов,**  
**ф.ф.н.доц: Эркин Мусурмонов**

**© Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети, 2010.**

*Илм маърифатни юксак қадрлаган  
онам Сайфиева Саломатнинг  
порлоқ хотирасига бағишлайман.  
Муаллиф*

## **БИРИНЧИ ФАСЛ**

### **КИРИШ**

#### **ХІХ АСР ОХИРИ ХХ АСР БОШЛАРИДА МАДРАСАЛАР ТАРИХИ**

Инсоният маънавий камолоти тарихида ҳар бир миллат ва халқнинг ўз ўрни, дунё тараққиётига қўшган ҳиссаси бўлади. Қадим тарихга эга бўлган юртимиз ўз авлодларининг дину иймонини, маънавий камолини дунёвий илмларга таянган ҳолда бойитиб келган ва юксак даражаларга эришган. Бугунги кун авлодлари ҳам илм-маърифатли аجدодларининг анъаналарига содиқ қолган ҳолда маънавий дунёсини бойитиб келмоқда. Бу ҳолни биз «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ҳам эътиборга олинганлигини яққол кўрамиз. Бу тарихий ҳужжат жаҳон андозаларига мос келишидан ташқари, аجدодларимиз томонидан қўлга киритилган бой тажрибаларни инобатга олганлиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир. Ҳужжатларда мутахассисларнинг маънавий қиёфасини шакллантириш ҳақида сўз боради. Маънавий қиёфа эса миллий кадриятларимиз, анъаналаримиз, авлодларимиз яратиб келган шарқона таълим тизими тарихимизни ўрганиш асосида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов уқтирганларидек, «Ўзлигимизни англаш, бизнинг кимлигимизни, қандай буюк аجدодларнинг меросига, неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва кадриятларга эга эканлигимизни ҳис этиб яшаш»<sup>1</sup> ҳар бир юртдошимизнинг асосий мақсади ва вазифаси бўлиб қолди.

Бундан кўринадики, ўтмиш авлодларимизнинг яратган миллий кадриятларини ўрганиш давлат сиёсати даражасига

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов Сўз боши. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.–Тошкент: «Ўзбекистон»,2000, 7-бет.

кўтарилган. Комил инсон шахсиятини шакллантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар учун аждодларимиз мероси боқий сарчашма вазифасини ўтаганлигини тарихий манбалар ҳам тасдиқлайди.

Бу ўринда буюк алломаларни етиштирган таълим-тарбия ўчоғи, олий таълим муассаси мақомини олган мадрасаларнинг аҳамияти жуда катта бўлган. Мадрасалар ҳақидаги дастлабки маълумот X аср манбаларида учрайди. Шундан буён, бу ўқув даргоҳлари қайси тарзда бўлмасин, XX аср бошларига қадар ўз фаолиятини давом эттириб келган.

Академик В.В. Бартольднинг маълумотига қараганда, Самарқанд атрофида Абгор мавзеидаги Харгун қишлоғида истиқомат қилган бир камбағал деҳқон 848 (233 ҳижрий) йилда икки ўғлини Самарқанд шаҳрига ўқишга юборган.

Ўша вақтда Самарқанд шаҳрининг ўзида 17 та мадраса бўлиб, унда даврнинг машҳур олимлари дарс берганлар. Марв, Нишопур шаҳарларидаги мадрасалар ҳукумат қарамоғида бўлиб, мударрислар маош билан таъмин этилган. XI аср бошларида ҳукумат мадрасалари ташкил қилинади, бу мадрасаларда дин олимларигина эмас, аниқ фанлар олимлари маъруза ўқир эдилар.<sup>1</sup>

Манбаларда эътироф этилишича, теурийларгача ҳам айрим ҳудудларда олим ва уламоларнинг илм ва фанни ривожлантириш учун қилган хизматлари қўламига қараб, таълим тизими фаолияти ҳам ривожланган ва юксак натижаларга эришган. Муҳими ҳар бир мадраса катта кичик бўлишидан қатъий назар, ўз таълим дастури, ўқув қўлланмалари, ўқув жараёни ва тизими, ички тартиб-қоидаларига эга бўлган. Таълим берувчи мударрислардан эса, мустаҳкам билим, амалда ўз ижобий самарасини бера оладиган турли ўқитиш усуллар, мадрасанинг ички ва ташқи тартиб қоидаларига амал қилиш талаб этилган. Табиийки, ҳар бир мадраса жамоаси ўз мавқеини кўтаришга, таълим олишни мақсад қилган талабани ўз даргоҳига жалб қилишга ҳаракат қилган.

Энг муҳими, деярли барча мадрасалар асрлар мобайнида иқтидорли ёш авлодни ўқитиш, тарбиялаш, комил инсон шахси салоҳиятини кўтариш учун хизмат қилган. Бу борада юксак самараларга эришган, илмий қўлами кенг, давлат аҳамиятига эга

---

<sup>1</sup> Арипов М. (Арифий) из истории педагогической мысли таджикского народа. -Душанбе.1962. С. 52-53.

бўлган мадрасалар **олия** мақомига эга бўлган ва улкан илм-маърифат маркази саналган. Ана шундай мадрасалардан бири Мирзо Улуғбек томонидан Самарқандда барпо этилган. Мадрасанинг шон-шухрати турли мамлакатларга тарқала бошлади. Бу мадрасалар ўзининг фаолиятида бой тажрибаларни қўлга киритди ва ўзига хос тарихий йўлни босиб ўтди.

Президент И.Каримов таъбири билан айтганда, «Жаҳоннинг барча ҳудудларидан илм истаб, маърифат тилаб инсонлар Самарқанд сари интилганлар. Чунки дунёнинг энг катта ва бой кутубхоналари, ўша замоннинг энг улуғ дорилфунунлари, мадрасалар энг машҳур алломалар айнан шу ерда, мана шу заминда фаолият кўрсатар эди».

Аммо, кўҳна тарих не-не толо тўплар, жангу-жадаллар, қирғинбарот урушларга шоҳид бўлган. Тарихнинг кечириб бўлмас мазкур хатолари туфайли кўплаб маърифат масканлари, масжиду мадрасалар харобага айлантирилди ва йўқ қилинди.

Инқилобгача Туркистон халқининг бор-йўғи икки фоизигина саводли бўлган деган хулоса чиқарилди. Бу хулосани чиқарувчилар чапдан ўнгга қараб ўқиладиган алифбони билмаганлигини назарда тутган эдилар.

Аслида эса, Ўрта осиеликлар (VIII-IX асрлардан бошлаб) араб имлосида хат-савод чиқарганлар. Ўлкамизда ўз масжиди бўлмаган бирор қишлоқ, мадрасаси йўқ бирор шаҳар бўлмаган.

Афсуски, шўролар даврига келиб, аксарият билим даргоҳлари 1920-1930 йилларда «маданий инқилобчилар» томонидан бузиб ташланди. Омон қолган айрим мактаб ва мадрасалар бирин-кетин ёпила бошлади. Халқ таълими, ўқитиш тизими ва йўл-йўриқларининг мазмун-моҳияти тубдан «янгича» шаклда ўзгарди, руслаштирилган дастурлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратилди.

Шўролар даври «маданий инқилобчилар»нинг асл мақсадларини англаган маърифатпарварлар Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авланий, Мунавварқори ва бошқаларнинг шўро мустамлакачиларига қарши олиб борган гоҳ ошкор, гоҳ пинҳона курашлари уларнинг илмий, сиёсий, адабий асарларида ўз ифодасини топди.

Улар жаҳон илму фанига ўнлаб даҳоларни етказган кўҳна Туркистон ўз замонида ўқув тизимини яратганлигини эътироф

этиш, илм-маърифатга бўлган муҳаббатларини эрк туйғусига ҳамоҳанг тарзда ифодалашга интилдилар.

Тезкор тарзда майдонга кириб келаётган таълимий янгиликнинг моҳиятини англаган Абдулла Авлоний икки ўт орасида қолган ночор муаллимлар тилидан қуйидагича баён этади ва ҳукуматнинг ёшлар тарбиясидаги вазифасини ҳам қайд этишни унутмайди:

«Хайр, Ҳукумат ҳамманинг отасидур. Ўз фуқаросининг болаларини тарбия қилмоқ лозим. Шунинг учун бизнинг Россия ҳукумати ўгай бўлсак ҳам ҳар ерда бизлар учун ҳам мактаблар очиб, болаларимизни текин ўқитур. Лекин ўзимиз... ҳукумат мактабларидан ҳам ўз ҳиссаларимизни ололмаяпмиз дер».

Абдулла Авлоний муаллимларнинг фикрини баён этиш орқали, кўнглида кечаётган армонларининг бош сабаби «...ҳуқуқни на эканини билмаслигимиздандир»<sup>2</sup> деб ҳисоблайди.

Абдулла Авлоний назарда тутган ҳуқуқ эса, шўролар даврида ягона бўлиб, «ўгай» ўзбеклар учун таълим ва тарбиянинг миллийлигини бирмунча чегаралаган эди.

Мадрасалар ва мактаблар ўрнида эса «усули жаид», «рус тузем» мактаблари очилди.

Бу «мактаблар рус маъмурларига маҳаллий халқ орасида русча биладиган ёрдамчи хизматчилар етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди».<sup>1</sup>

1916 йилларда Туркистон Генерал губернатори лавозими вазифасида фаолият олиб борган Н.Р.Куропаткиннинг ўз кундалигида ёзган қуйидаги фикрлари янгича ўзгаришнинг мақсад ва вазифаларини очиб берадиган ҳужжат вазифасини ўтайди.

«Биз, - деб ёзади муаллиф, - туб-жой халқни тараққиётдан мактабдан ... 50 йил четда тутдик»<sup>2</sup>. Муаллиф қайд этган 50 йил бир халқнинг маърифатидан, маънавиятидан, миллий кадр-қимматидан айириш учун етарли муддат эди. Бу ҳаракат ва мақсадларни теран англаган, ўз замонасида барча маърифатпарвар зиёлилар орасида беҳад ҳурматга сазовор

---

<sup>2</sup> Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Тошкент: «Ўқитувчи». 1992, 14-бет.

<sup>1</sup> Б.Қосимов ва бошқалар. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. –Тошкент: «Маънавият». 2004, 19-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Б.Қосимов.Миллий уйғониш (Жасорат, маърифат, фидоийлик). –Тошкент: «Маънавият». 2002, 186-187 бетлар.

Исмоилбек Гаспирали биринчилардан бўлиб қарши чиқади ва матбуот орқали ўз кескин мулоҳазаларини билдиради. У туркий халқларнинг анъанавий мактаб ва мадрасалари асрлар давомида фаолият олиб борганлигини, уларнинг эътибори баланд бўлиб келганлигини, улардан бутунлай воз кечмасдан, балки замонга мос тарзда ислоҳ қилиш лозим, дея ҳисоблайди. И.Гаспиралининг ҳақли талабини давом эттириб миллат фидойиси Маҳмудхўжа Бехбудий ҳам вақтли матбуотда ўз мулоҳазаларини баён этади. Бу ўринда унинг ўзи ташкил этган «Ойна» журналидаги чиқишлари диққатга сазовордир. У журнал саҳифаларида замонасининг долзарб мавзуларига бағишлаб ижтимоий-сиёсий, тарихий – адабий мақолалари билан фаол иштирок этади.

Айниқса, мактаб, маориф, маърифатпарварлик ғояларини мунтазам тарғиб этади. Бу ўринда М.Бехбудийнинг «Ойна» журналининг 1913 йилдаги 1-2 сонларида эълон қилган мақолалари диққатга сазовордир. Муаллиф бу мақолаларида Самарқандда узок йиллар фаолият олиб борган Шердор мадрасаси ҳақида маълумот беради.

Замонасининг энг муҳташам биносини, унинг кўринишини тасвирлайди ва унинг мутахассислар тайёрлашдаги фаолияти сусайганлиги, ўз олдига қўйган вазифасини бажармаётганлигини қаттиқ ачиниш билан таъкидлайди.

У «Бугун ислоҳи мактаб – мадраса яъни ислоҳи миллатга қўшиш қилинмаса, рубъи аср сўнгра диёнат барбод бўлур ва анинг жавоби маъсулияти бугунгиларга қолур»<sup>1</sup>, -дея чақирик билан чиқади. Шунга ўхшаш мулоҳазаларни Самарқанд, Бухоро, Тошкент мадрасаларида таҳсил олган, Шохизинда, Орифжонбой мадрасаларида мударрислик қилган Саидахмад Васлийда ҳам учратамиз. У ўзининг бир шеърида « Миллат кул ўлди ўзгалара, бу нечук жафо?» дея савол қўйса, иккинчи ўринда Россия тимсолида кириб келаётган ғарб ахлоқсизлигини ҳажв остига олади. У ҳам Ажзий сингари «хастау бемор», «сийнаси тўла озор» бўлган миллати учун қайғуради. Шунга ўхшаш мулоҳазалар Саидризо Ализоданинг мақолаларида ҳам учрайди. У «Ойна» журналининг 1913 йил 15 ноябрь сонида «Мактаб ва

---

<sup>1</sup> Ватан ва миллат муқаддасдир. –Тошкент: «Маънавият». 2000, 22-бет.

мадрасалар ислоҳоти бизга зарур» номли мақоласида куйидаги фикрларни баён этади: «Ҳамма бу бадбахтликлару разолат, қашшоқлигу жаҳолат биз туркистонликларни қоплаб олиш сабабли замона мадрасалари удуми ва мактабларнинг ситами фақирлигидадур... Ҳар бир миллат ва ҳар бир тоифанинг равнақи мактаб сиёсатининг равнақи ва ислоҳотига боғлиқдур».

Эълон қилинган мақолалардан кўринадики, журнал давр муаммоларининг ечимини ёлғиз маърифатдан кўрганлигини, диний ва шарқона анъанавий таълим-тарбия билан замонавий илм ва маданиятнинг уйғунлашуви асосида миллий таълим кўринишини тарғиб этганлиги кўзга яққол ташланади.

Дарҳақиқат, юқоридаги фикрлардан кўринадики, Шарқнинг машҳур мадрасалари юқори савиядаги илм соҳибларини етиштириш билан бир қаторда, миллий ўзликни англаш, ўтмиш анъаналарини қадрлаш, юрт қайғуси-ташвишини ҳис қилишни ҳам бера билган. Бу хислатлар қайсидир маънода жасоратлилик, маърифатпарварлик, фидоийлик билан боғлиқдир. Бу тарихнинг инкор этиб бўлмас ҳақиқати эди.

Бу ҳолни теран англаганлар тараққийпарвар ҳаракатчилар-мадраса кўрган жаидчилар эди. Улардаги фикрий уйғониш ва маданий кўтарилиш, йилдан-йил эмас, кундан-кун аждодлар хотирасини, ўзлигини унутиб, тарихдан узилиб бораётган авлод тақдирини ҳар доим ҳис қилиб турдилар. Маърифатпарвар Абдулла Авлоний: «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган айнан ҳаёти тил ва адабиётдур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур... Тилимизнинг ярмига арабий, форсий улангани камлик қилуб, бир четига рус тилини ҳам ёпишдурмакдадурмиз. Европа қалпоғини кийиб кулгу бўлмоқ зўр айб ва уятдур»<sup>1</sup> дея ўша давр сиёсатига ўз муносабатини билдиради.

Туб жой халқимизга хос бу хусусиятлар чоризм карчолонларини ташвишга солиши табиий ҳол эди. Шу боис, халқимизнинг тараққиётида, маънавиятида устувор вазифаларни бажариб келган илм ўчоқларини ғорат қилиш, ўзлигини англаш имкониятларини чеклаш тадбирлари мунтазам тарзда олиб борилган. Аммо ғорат қилинган илм масканларида таҳсил олган

---

<sup>1</sup> Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1992, 32-бет.



Исмоилбек Гаспирский (Боғчасаройдаги Занжирли мадрасасида дарс берган), Махмудхўжа Бехбудий (Самарқанд, Бухоро мадрасаларида таҳсил олган), Абдулла Авлоний (Тошкентдаги Шайхонтовур даҳасидаги Абдумаликбой мадрасасида таҳсил олган), Тавалло (Тошкентдаги «Бегларбеги» мадрасасида таҳсил олган), Абдурауф Фитрат (Бухородаги «Мир араб» мадрасасида таҳсил олган), Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (Қўқон мадрасаларида таҳсил олган), Абдулла Қодирий (Тошкентдаги Абулқосим мадрасасида таҳсил олган), Абдулҳамид Чўлпон (Андижон мадрасаларида таҳсил олган) кабилар бирин-кетин майдонга чиқа бошладилар. Улар ўзларининг яратган асарлари билан илм – маърифатнинг ўтмишда тутган кадр-қимматига баҳо бердилар. Шунинг баробарида «усули жаид», «рус тузем» мактаблари ҳамда ўқитувчилар тайёрлаш учун очилган қисқа курслар учун Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Сидқий Ажизий, Садриддин Айний каби маърифатпарварлар дарсликлар, ўқув қўлланмалар яратганликларини алоҳида эътироф этмоқ лозим. Бундан кўринадики, маорифнинг қандай шаклдаги маскани очилмасин, у ерда хизмат қилиши лозим бўлган ўқитувчи мутахассисларнинг асосини мадраса таълимини олган саводли кишилар ташкил этган эди. Юртимиздаги мадрасалар ёпилгани билан у ерда таълим олган мутахассисларни йўқотиб бўлмаслигини, улардаги фикрий уйғоқлик, шарқона диний ва дунёвий илм қай тарзда бўлмасин ўз таъсирини беришда давом этади. Натижада миллий ва ижтимоий курашлар даври миллий уйғониш даври деб номланди. Бу даврда майдонга чиқиш айни пайтда жасорат ва қаҳрамонлик эди. Улар бу жасорат пайти келиб жуда қимматга тушишини англаган ҳолда майдонга чиққан эдилар. Қатағон йилларига келиб эса деярли барчаси миллий уйғониш даврининг фаол иштирокчилари сифатида турли хил айбномалар билан ҳибсга олинди ва қатл этирилди. Уларга қўйилган айбларнинг тури хилма-хил бўлиб, уларнинг сонини кўпайтириш учун, ҳатто уларнинг мадраса илмини олганлиги, диний илмдан хабардорлиги ҳам айб сифатида ҳужжатларда қайд этилган эди. Жаидларнинг илм-маърифат, маориф билан боғлиқ қарашлари эски таълим тизимини замонавий таълим-тарбия тизими билан ислоҳ қилиш, диннинг ўзини эмас, балки ундаги хурофот ва бидъатни бартараф этиш ва унга қарши курашиши,

тараққиёт учун тўғаноқ бўлган салбий ҳодисаларни элга тушунтиришдан иборат эди. Бу қарашлар ўша давр матбуотларидан «Хуршид» (1906 йил), «Тараққиёт» газеталари, саҳифаларида ёритилди. Айниқса, «Оина» журналида кўтарилган исломий чиқишлар орасида Фитратнинг «Қуръон» мақоласи диққатга сазовордир.

Муаллиф ислом таълимотининг муқаддас ифодаси бўлган «Қуръон»га диққат қилинмас экан, «турли бало ва мусибатларга мубтало бўлур эсак ҳаққимиздур» дейиши билан, «Қуръон»ни бир қонунни эрур»<sup>2</sup> деб атаб, унга амал қилганларнинг саодат, давлат ва қувватга сазовор бўлишини таъкидлайди.

Табиийки, бу қарашлар инобатга олинмади. Инқилобдан сўнг эса, Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфманнинг таъбири билан айтганда, «Элни тиз чўктириш учун унинг маданиятини ғорат қилиш»га ўтилди. Қатор миллий урф-одатлар ва халқ анъаналарига диний тус берилди. Кўплаб масжид ва мадрасалар, омборхоналарга И.Гаспирали таҳсил олган «Занжирли» мадрасаси жиннихонанинг ҳожатхонасига, Имом ҳаким Термизий қабри тепаси чўчқахонага айлантирилди. Бу ҳол, миллатни, маърифатни тақирлашдан, ҳақоратлашдан бошқа нарса эмас эди. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Юртимизнинг уста меъморлари меҳнати эвазига бунёд бўлган бинода нима айб? Мадраса таълими маъқул бўлмаган экан, неча янги очилган мактабларни шу биноларга мослаштирмади. Аслида, биноларда айб йўқлигини таҳқирлаётганлар ҳам яхши билишган. Лекин ҳамма иллат биноларнинг мадраса деб аталишида бўлган.

Кейинчалик миллий маънавиятдан халқимизни узоқлаштиришнинг бошқа кўринишдаги шакллари яратила бошлади. 1920 йилнинг охирларида араб алифбоси асосидаги ўзбек ёзуви лотин алифбоси билан алмаштирилди. Бу ҳаракат кўп ўтмай кирилл алифбосига ўтказиш йўлидаги бир босқич эди. Натижада халқ ўзининг бой маърифидан, илмий-маданий меросидан, тарихидан ўзиб қўйилди.

1937 йилга келиб эса хусусан зиёли халққа қарши қаратилган қирғин-қатағон авж олди ва бу ҳолат 1950 йилнинг ўрталаригача давом этди.

---

<sup>2</sup> Фитрат. «Қуръон». «Оина», 1915, № 16, Б. 444.

Фақат 1980 йилларга келиб аввалги берилган баҳоларни қайта кўриб чиқиш, илгари номини тилга олиш хавфли саналган соҳаларни, ижодкорларни адолатли баҳолаш имкони туғилди. Илгари мадрасаларда ўргатилган шоирларнинг асарлари қайта нашр этилди. Мадрасалар, уларда қўлланилган ўқитиш усуллари тарихига доир танқидий руҳ қобиғида бўлса-да, айрим мулоҳазалар ўртага ташланди. Бу ўринда академик Воҳид Абдуллаевнинг олий ўқув юртлари учун ёзган «Ўзбек адабиёти тарихи» II-китоб дарслигида келтирилган маълумотлар диққатга сазовордир.

Олим дастлаб Ўрта Осиёда фаолият олиб борган деярли барча мадрасалар ҳақида маълумот беради. Мадрасаларда ўқитилган фанлар хусусида бироз танқидий мулоҳаза билдирса-да, айрим фактларни келтириш билан мадраса илмига хайрихоҳлигини ҳам ифодалайди: «Мадрасаларда – дейди олим – ўқиш муддати 15-20 йил бўлиб, 137 дан ортиқ ўқув предмети ёки китоблар ўқитилар эди... деярли илмсиз қолар эдилар»,<sup>1</sup> деган хулосани беради. Аслида, олимнинг ўзи ҳам, мадрасада 137дан ортиқ фанни ва китобларни ўқиган талаба 15-20 йил давомида илмсиз бўлиб қолмаслигини яхши билган. Аслида, мадрасада ҳам жуда кўп илмлар ўрганилганлигини, бунинг натижасида қанчадан-қанча олиму-фузалолар етишиб чиқанлигини айта олмай, фақат муҳим маълумотни бериш билан чегараланганлигини англаб олиш қийин эмас. Лекин бир ўринда, мухтасар бўлса-да умумий хулосани қуйидагича ифодалайди: «Бироқ шунга қарамай, мактаб-мадрасаларда айрим тараққийпарвар, билимдон, донишманд кишилар, мударрислар бор эди»<sup>2</sup>.

Шу тарздаги маълумотлар ўша йилларда яратилган бошқа дарсликларда, тарихий манбаларда, қомусий луғатларда ҳам учрайди. Тарихий ҳужжатлар ва манбаларнинг маълумот беришига кўра, Ўрта Осиёда 1X асрдан XX асрнинг бошларига қадар 386 та катта-кичик мадрасалар фаолият олиб борган экан. Улар орасида қисқа муддат фаолият олиб борган ва кейинчалик ёпилиб кетган кичик мадрасалар ҳам бўлган. Бу рақам турли даврларда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар ва

<sup>1</sup> В.Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. II-китоб. Тошкент: Ўқитувчи, 1980, 14-бет.

<sup>2</sup> В.Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. II- китоб. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980, 15-бет.

шароитларга кўра табиий тарзда ўзгариб турган. Мана шу ўринда агар биз мазкур мадрасалар миқдорини, илмий-маърифий кўламини, мутахассислар тайёрлаш миқдорини XVIII асрда М.В.Ломоносов ташаббуси билан 1755-йилда ташкил этилган Москва давлат университети билан қиёслайдиган бўлсак, улардаги фарқ кишини ҳайратга соладиган рақамлар, илмий далиллар юртимиз бўйи-бастини кўкларга кўтаришга қодирлигини кўрамыз. Москва давлат университети ташкил этилганда учта факультет билан (филология, ҳуқуқшунослик ва медицина) фаолият бошлаган. М.В.Ломоносовнинг ташаббуси, университетни барпо этишдаги хизматлари олий таълим тарихида ҳамон катта ҳурмат билан тилга олинади ва университет шу олим номи билан юритилади. Ёки, Мирзо Улуғбекнинг Самарқандда барпо этган мадрасаи олияси билан Москва давлат университетини қиёслайдиган бўлсак, Шарқ ва Ғарб илмий мактабининг кўлами янада ойдинлашади. Аслида, сиртдан қараганда ҳар иккала олимнинг олий таълим борасидаги хизматлари ва ташаббуслари беқиёс эканлигини инкор этиб бўлмайди. Аслида эса, Мирзо Улуғбек ўз мадрасаи олиясини М.В.Ломоносов туғилишидан 335 йил муқаддам ташкил этган. Шунинг баробарида мадраса қошида расадхона барпо этган. Бу расадхона амалий машғулотлар ўтказиш учун лаборатория вазифасини ўтаган. Мадрасанинг илмий-амалий салоҳиятини, шуҳратини кўтариш мақсадида, Шарққа маълум ва машҳур олимларни Самарқандга чорлаган. Шарқда машҳур Самарқанд астрономия мактабини ташкил этиб ва аниқ фанларни чуқур ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор берган. Мадраса ўқув дастурига фалсафа, мантиқ, ҳандаса (математика), ҳайъат (астрономия) ал-жабр (алгебра) риёзиёт, шеърят назарияси, араб, форс-тожик тилларини чуқур ўрганиш каби масалаларни киритган. Шунингдек, шарқона таълим-тарбия, ўқитиш усулларининг муқобил шаклларига асос солган.

Маҳмудхўжа Беҳбудий таъбири билан айтганда, «дунёда турмоқ учун дунёвий илм ва фан лозимлигини, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга паймол бўлиши»ни ҳамиша англаб келди, шу боис маърифатни юксакликка кўтарди.

Бу тасодифий ҳол бўлмай, балки авлоддан-авлодга ўтган маърифий анъана бўлиб, хусусан, Соҳибқирон Амир Темур ва темурийзодалардан қолган маънавий мерос ҳисобланади.

Президент И.Каримов таъкидлаганидек, «Ҳар қандай жамият тараққиётини илм-маърифатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Буни теран англаган Соҳибқирон ҳокимиятга келиши билан чиқарган дастлабки фармонларини мадраса барпо этиш, илм толибларига нафақалар тайинлаш билан боғлаган мазкур фазилат Соҳибқироннинг авлодлари, айниқса, Мирзо Улуғбекка ўтгани шубҳасиз<sup>1</sup>.

Мирзо Улуғбекнинг мадрасайи олияси унинг вафотидан сўнг ҳам замон ва даврлар тақозосига кўра бир маромда бўлмаса-да, XX аср бошларигача ўз фаолиятини давом эттирди.

XX аср бошларида Туркистонда фаолият олиб борган журналист Н. П. Остроумовнинг хабар беришича, 1906 йилда ҳам Улуғбек мадрасасида 60 дан ортиқ талаба сабоқ олган (В.В.Бартольд, II том, 127-бет).

Улуғбек барпо қилган мухташам мадраса бугун ҳам Самарқандда ҳаммани лол қолдирганича салобат билан қад кўтариб турибди.

Аммо унинг мударрислари, талабаларини фақат тасаввур қилишгина мумкин. Мадраса эса, фақат маъмурий ёдгорлик вазифасини ўтамоқда.

Аслида эса, мазкур узлуксиз таълим тизимини ўрганиш масаласи кўплаб олимларнинг диққатини жалб этиб келган эди. Аммо, бу борада ҳақиқий тарихни ёритиш, у ҳақда мулоҳаза юритишнинг имкони йўқ эди. Фақат Ватанимизнинг мустақилликка эришуи натижасида таълим тизими тарихи, шарқона илм тарихи, маданияти, кадриятлари тарихини ҳаққоний ўрганиш ва ёритиш жараёни бошланди ва имкониятлар яратилди. Янгидан тикланаётган тарих саҳифаларида, мадрасалар тарихига доир маълумотлар тилга олина бошланди. Уларда таълим олган буюк аждодларимизнинг билим доираси сабаблари ойдинлаштирилди.

Айниқса, бу ўринда академик Ботурхон Валихўжаевнинг илмий изланишлари диққатга сазовордир. Олим Шарқ илм-фани

---

<sup>1</sup> И.А Каримов Амир Темур ҳақида сўз. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996, 56-бет.

ривожиди муҳим ўрин тутган мадрасалар ва улардаги ўқув жараёни хусусида баҳс юритиб, бугунги ўқув масканларининг ворис мадрасалар эканлигини манбалардан келтирилган далилий мисоллар билан исботлаб берди.<sup>1</sup> Самарқанд давлат университети тарихини Мирзо Улуғбек давридаги мадрасаи олиялар (1429 йил)дан бошлаш ҳақидаги ташаббус билан чиқди.<sup>2</sup> Бу ташаббус натижасида туркум кўрсатувлар намойиш қилинди. Матбуотда эса олимнинг мазкур ғоясини қувватловчи мақолалар эълон қилинди.<sup>3</sup>

Мазкур ғоя Туркияда ҳам маъқулланиб, касбдошлари томонидан олимнинг «Мирзо Улуғбек даври мадрасалари» номли рисоласи усмонли турк тилига таржима қилинди ва 2004 йилда Истамбулда чоп этилди.<sup>4</sup> Шундан сўнг, мадрасалар тарихини ўрганишга бўлган эътибор кучайди ва айрим мақолалар эълон қилинди.<sup>5</sup>

Тақдим этилаётган рисола муаллифи томонидан эса, мадраса таълими тизимида ўқитиш усуллари тарихи, шарқона таълим-тарбия тарихига оид 20-дан ортиқ мақолалар<sup>1</sup> эълон қилинди. Мадрасаларда қўлланилган айрим ўқитиш усуллариининг муқобил шакллариини тиклаш ва ислоҳ қилган ҳолда амалиётда қўллаш каби услубий таклиф ва мулоҳазалар билан Халқаро ва республика, вилоят миқёсида ўтказилган илмий конференцияларда маърузалар қилинди.<sup>345678910</sup>

<sup>1</sup> Б.Валихўжаев. Олий таълим тизими тарихининг теран илдизлари . «Маърифат» газетаси, 2001 йил, 19-декабрь.

<sup>2</sup> Б.Валихўжаев. Самарқандда олий таълим – мадрасайи олия- университет тарихидан лавҳалар. Самарқанд, 2001 йил.

<sup>3</sup> М.Турсунова. Миллий таълим сарчашмаси. «Мулоқот» журналы, 2003 йил, 2-сон.

<sup>4</sup> Б.Валихўжаев. Мирзо Улуғбек даври мадрасалари. –Самарқанд: СамДУ нашри, 2001.

<sup>5</sup> А.Ҳасанов. Алломалар бешиги. «Тафаккур» журналы, 2006 йил, ...-сони, 82-87 бетлар.

<sup>1</sup> М.Турсунова. Адабиёт дарсларида шарҳлаш усули «Алпомиш»достони мисолида. «Тил ва адабиёт таълими» журналы, 1992 йил, 4-5 сонлари.

<sup>3</sup> М.Турсунова. Шарқона ўқитиш усуллари «Эрон ва Турон» Халқаро конференция материаллари. – Тейрон: 2001, 13-14 февраль.

<sup>4</sup> М.Турсунова. Маънавият сарчашмаси. Истиқлол йиллари: миллий-диний кадриятларнинг халққа қайтиши.Республика конференция материаллари. Самарқанд: 2001, 20-июнь.

<sup>5</sup> М.Турсунова. Миллий таълим сарчашмаси. «Мулоқот» журналы, 2003 йил, 2-сон.

<sup>6</sup> М.Турсунова. Муршиди комил маънавияти. ЎзФА.Шарқшунослик институти. Илмий тўплам, 2004 йил.

<sup>7</sup> М.Турсунова. Муқобил усуллари тарихи. Ван (Туркия). Халқаро конференция материаллари. 2003, 3-5 сентябрь.

<sup>8</sup> М.Турсунова. Адабиёт қандай ўқитилиши керак? Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. 2003 йил, 23 июль.

<sup>9</sup> М.Турсунова. Шеърятда илми таҳлил. «Ахборотнома» СамДУ илмий тадқиқотлар тўплами. Самарқанд, 2005, №2, (30).

Айниқса, 2009 йил 9-11 июнда Самарқандда Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссасига бағишланган Халқаро илмий конференцияда қилинган маърузалар янги тадқиқотлар ва ёзма манбалар асосида Мирзо Улуғбекнинг илм-фанга, сиёсий ва маданий муҳитга, таълим тизимига қўшган ҳиссаси илмий таҳлил қилинди.

Натижада айрим тарихий ҳужжатлар ва ёзма манбалар асосида олиб борилган илмий тадқиқотлар қуйидаги хулосаларни чиқаришга асос бўлди:

1. Ўқитиш усуллари мадрасаларда ўтиладиган турли йўналишдаги илмларга мос тарзда танланган бўлиб, улуми нақлия-нақл қилинадиган илмларнинг айримлари услубият фани билан узвий боғлиқ бўлган. Нақл қилиш яъни ўқитиш усуллари йўлаб топиш, амалиётда қўллаш назарда тутилган. Масалан, қироат билан ўқиш усули, луғат устида ишлаш ва тузиш усули шулар жумласидандир.
2. Кашф қилинган усуллар эса, улуми ақлия-ақл билан идрок этиладиган илмларда (аниқ фанларда) амалда қўлланилган.
3. Мураккаб матнларни ўзлаштириш чораларини кўришда ҳам ўзига хос усуллар йўлаб топилган.
4. Мазкур ўқитиш усулларнинг айримлари табиийки адабиёт фанига дахлдор қисмларни ўрганиш учун ҳам қўлланилган.

Мазкур хулосалар мадрасалар тарихи, уларда ўрганилган илмлар, ўқитиш усуллари тарихи масаласи ўта мураккаб эканлигини, уни ўрганиш масаласи жиддий изланиш ва тадқиқ этишни талаб қилишини тасдиқлади. Аслида бу маънавий-маърифий, илм хазинасини чексиз уммонга қиёс қилиш мумкин. Ана шу уммоннинг туб-тубларида ётган аجدодларимиз ақли заковатининг безавол гавҳарларининг айримларини излаб топиш, улардан халқимизни, айниқса, ёш авлодни қисман бўлса-да баҳраманд этиш мақсадида рисола муаллифи айрим мулоҳазаларини, изланишларини ёритишга ҳаракат қилди. Рисола асосан 6 фаслдан иборат бўлиб, биринчи фасл «XIX аср охири XX аср бошларида мадрасалар тарихи», иккинчи фасл «Мадрасалар таълимида ўқитиш усули тарихи», учинчи фасл «Мадрасаларда шарҳлаб ўқиш усули тарихи», тўртинчи фасл

---

<sup>10</sup> М.Турсунова.Мирзо Бедил ижодининг мадрасаларда ўрганилиши. «Бедил ва ўзбек маданияти» Халқаро конференция материаллари.Техрон-Тошкент: 2005 йил.

«Илми таҳлил ва мунозара усули тарихи», бешинчи фасл «Мадрасаларда илми балоға ва илми фасоҳатнинг қўлланилиши тарихи», охирги олтинчи фаслда эса «Амалиётда қўлланилган шарқона ўқитиш усулларининг тажриба синов натижалари» билан якунланади.

Шунингдек, рисолада келтирилган айрим маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар, манбаларнинг фотонусхалари илова тарзида киритилди.

Бир сўз билан айтганда, асрлар синовига бардош берган мадрасалар ўтмиш давларидан инсоният маънавий дунёсини бойитиб келган. Шундай экан, янги авлод ҳам маънавий-маърифий маданияти негизини ҳар гал янгидан яратмасдан, балки ўтмиш аجدодлари томонидан яратилган мавжуд пойдеворга асосланиб ўрнатишлари лозим. Ўтмиш аجدодларимиз маърифатига назар солмоқ кишини хушёрликка даъват этади ва уларга муносиб ворис бўлиш туйғусини уйғотади.

Шундагина, ўтмиш аجدодларимиз маърифатини юксак қадрлаган, ўрни келганда бу йўлда жон фидо қилган миллий уйғониш даври фидойиларининг амалга ошира олмаган эзгу ишларини, армонларини қисман бўлса-да амалга оширган бўламиз.



## ИККИНЧИ ФАСЛ

### МАДРАСАЛАР ТАЪЛИМИДА ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИ ТАРИХИ

Шарқ мутафаккирлари инсонни илоҳий ва дунёвий илмлардан хабардор этишда, унинг ақлу зеҳнини оширишда тинимсиз изланганлар ва самарали ижод қилганлар.

Улар яратган бебаҳо асарлар инсониятни олам ва одам, борлиқ тушунчаси, ҳаётнинг мазмун-моҳияти сингари фалсафий, тасаввуфий мавзулар юзасидан билим бериш учун асосий ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланилган. Шу боис юксак салоҳият соҳиблари асрлар оша авлодлар ардоғида яшаб келган, инсониятни лол қолдирган муаммоларнинг назарий ва амалий жиҳатларини ҳал этишга ёрдам берган.

Бу муаммоларнинг жамини эса, турли илмлар ташкил этган бўлиб, булар бир неча турларга бўлинади. Профессор Нажмиддин Комилов асосий илм турларини қуйидагича тасниф этади: «Шариат аҳли назарида илм фақат исломий билимлар, чунончи Қуръон тафсири, калом, ҳадисшунослик, фикҳдан иборат. Файласуфлар (ҳакимлар) назарида илм борлиқ, инсон ва жамият ҳақидаги билимлар мажмуаси бўлса, сўфийлар назарида илм важдий (интуитив) йўл билан қабул қилинган кашфиёт, каромат, тавҳид сари элтувчи риёзиёт қоидаларидир. Бундан ташқари, риёзиёт (ҳисоб, алжабр, хандаса каби), табобат илмлари ҳам таснифга киритилган»<sup>1</sup>.

Бизнинг назаримизда юқорида санаб ўтилган илмларнинг барчасини ўз ичига қамраб олган адабиёт ўзининг бадиий нафислиги билан, сўз санъатининг сир-асрорлари орқали маънавий қониқиш ҳадя этувчи фан сифатида алоҳида ўрин тутган. Бу фан ўзининг мўъжизакор таъсир кучи билан инсониятнинг онгига, фикрига, қалбига, туйғуларига таъсир этиб келган. Аммо, бу фанни ўрганиш, уни ўқитиш усулларини кашф этиш масаласи асрлар мобайнида турли даврларда турли шаклларда амалга оширилган. Аслида, адабиёт ўқитиш усуллари

---

<sup>1</sup> Бедил ва ўзбек маънавияти. Тўплам. Н.Комилов. Ирфон нури Абулмаоний. Техрон-Тошкент, 2005, 6-7-бетлар.

фани қачон пайдо бўлганлиги ҳақида аниқ бир фикр айтиш қийин.

Қадим замонлардан буён адабиёт илмини ўрганиш масаласида ҳамиша бир муаммо кўндаланг бўлиб турган. Яъни нимани ўқитиш, ўргатиш лозим, қандай йўл, усулни қўллаш керак? Бу муаммога жавоб топиш эса талабаларни адабиётга оид маълумотлардан хабардор қилувчи мударрис зиммасига юклатилган. Ўз навбатида, мударрис эса, мураккаб матндаги манбаларни ўрганиш усулларига мурожаат қилган ва амалда қўллашга ҳаракат қилган. Мураккаб матнлардан бири, VII асрнинг биринчи ярмида нозил бўлган Қуръони каримдир. Бу асар мусулмонларнинг муқаддас китоби бўлиб, у ўз тарихий ва маданий аҳамияти билан бутун Шарқ халқларининг маънавий ва ижтимоий тараққиётига катта таъсир кўрсатган. Шунингдек, ахлоқий покланишда нажот омилидир.

Шунинг баробарида, ислом таълимоти асосида ҳар бир мусулмон мамлакатининг тараққиётини таъминлашда диний асос ҳисобланган. Муқаддас асарга таянган ҳолда халқни маърифатга чорлашда, уларга сиёсий ҳуқуқларини, миллий, диний қадриятларини англантишда муҳим восита ҳисобланган.

Қуръон ўша давр классик араб тилига хос мураккаб услуб ва тилда насрий сажъ шаклида ёзилганлиги, мазмун ифодасининг чуқур ва кенг қамровлиги билан бошқа яратилган асарлардан алоҳида ажралиб туради. Табиийки, бу ноёб тарихий ёдгорликни тўлиқ тушуниб англаш ниҳоятда мушкул бўлган. Муҳими, араб тилини яхши билган киши ҳам уни тўғри ва тўлиқ тушуниш имконига эга бўлмаган. Шу боис, бу ёдгорликни ўрганиш эҳтиёжидан келиб чиқиб, ўрта асрлардан бошлаб, унга бағишланган тафсирлар, шарҳлар ёзиш ишлари амалга оширилган. Ёзилган тафсир ва шарҳлар миқдор жиҳатидан жуда кўп бўлишига қарамай, деярли барчаси араб тилида яратилган. Қуръонни тафсир ва шарҳ билан ўқиш ҳам ўта мураккаб бўлиб, мударрисдан ҳам, талабадан ҳам жуда катта масъулият талаб қилинган. Энг муҳими, Қуръон ва унинг тафсири ва шарҳини ўрганиш бошланғич мактабдан то мадрасагача алоҳида фан сифатида ўқув дастурига киритилган.

Мударриснинг олдига қўйиладиган талаб жуда юқори бўлган. Шу сабабли, уларнинг меҳнати даражаланган, шу меъёрга кўра уларга меҳнат ҳақи тўланган.

О.Г.Большаков ўзининг «Страны и народы Востока» журналида эълон қилган «Два вақфа Иброҳима Тавғачхана в Самарканде» (Самарқанддаги Иброҳим Тавғачхоннинг икки вақфи) мақоласида мадраса мударрисларига ва ишчи ходимларига тўланадиган иш ҳақида қуйидаги маълумотни келтиради:

1. Бош мударрисга – 2000 минг дирҳам;
2. Фикҳдан дарс берувчи мударрисга – 3 минг 600 дирҳам;
3. Илми адаб (адабиётдан) дарс берадиган мударрисга -1 минг 200 дирҳам;
4. Қуръондан дарс берувчи мударрисга – 1 минг 500 дирҳам;
5. Кутубхоначига – 1 минг 200 дирҳам тўланган.

Энг муҳими, мударрисларга тўланадиган меҳнат ҳақи ўша давр миқёсида жуда катта маблағ ҳисобланиб, улардан ҳам шу даражада меҳнат сифати талаб қилинган.

Мударрислар ҳам юксак талаб ва масъулиятни ҳис қилган ҳолда ўз устиларида муттасил ишлаган. Дарслик, ўқув қўлланмалари яратганлар. Мураккаб асарларни ўрганишнинг турли усуллари яратганлар. Улар томонидан яратилган ўқитиш усуллари қуйидагилардан иборатдир. Бу усуллар асрлар давомида шаклланган ва амалиётда кенг қўлланилган:

1. Усули ҳижоия (савтия) – бўғинга бўлиб ўқиш.
2. Илми шарҳ – тафсир.
3. Илми таҳлил – мунозара, баҳс, муносабат ифодаси.
4. Илми мунозара – мунозара, баҳс, муносабат ифодаси.
5. Илми қироат - (оҳанг ва сўз талаффузи орқали қироат).
6. Илми фасоҳат (илми балоғат) – чиройли, ўринли сўзларни қўллаш.
7. Илми баён- нозик маъноларни баён қилиш (риторика).
8. Илми ғариба (ғариб)- кам сўз кенг маънони ифодалаш, акс эттириш.

Изоҳ: ал-ибора, шорех, зурафо, урафо, дабир каби атамалар ҳам илми ғариба билан боғлиқдир.

9. Илми маоний- баён этиш бўлиб, бирор нарса ёки ходисанинг моҳиятини, мазмунини ечиб берувчи илм.
10. Илми наср ва иншо – ёзма иш тури, услуби, мактуб, ёзув саводхонлиги.
11. Илми муҳозирот-латифагўйлик, ҳозиржавоблик, зукколик.
12. Илми муаммо-бадий санъат тури бўлиб, шеърятдаги масала ва рамзларни ечиш усули.
13. Илми мантиқ - сўз маъносидаги мазмун.
14. Илми калом - нақлий масалани ақлий далиллаш, исбот қилиш. (Ўқитиш усуллари таснифи 2-жадвалда илова қилинди).

Адабиётшунослик ва тилшунослик илмига оид (филологик) фанлар эса, «Илми адаб» деб юритилганлиги ҳақида тадқиқотчи Комилхон Каттаев қуйидагича маълумот беради: «....12 та алоҳида илмлар мажмуининг умумий номидир: луғат, сарф, иштиқоқ, наҳв, баён, маъоний, аруз, қофия (грамматика), размулхой (хаттотлик), бадеъ, наср, иншо этиш, таворих»<sup>3</sup>.

Аслида эса, филологик илмлар доираси кенг бўлиб, юқоридаги саналган илмларга: илми ахлоқ (эстетика), илми калом, илми муаммо (луғз, чистон), илми тафсир, илми қиёфа каби соҳаларга доир фанларни ҳам қўшиш мумкин.

Юқорида тилга олинган илмлар ва усулларни муайян асарни ўрганишда Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозий, Хусрав Дехлавий, Аҳмад Яссавий, Абдурахмон Жомий ва Абдулқодир Бедил, Алишер Навоий каби мумтоз шоирларнинг ижодий меросини ўрганишда жуда қўл келганлигидан ташқари, мусулмонларнинг диний эътиқодини мустаҳкамлаш, маънавиятини бойитиш, илмий ва мафкуравий жиҳатдан шакллантиришда катта хизмат қилган.

Юқоридаги фикрларнинг тасдиғи сифатида қуйидаги муҳим ҳужжатни далилий ашё сифатида келтиришни лозим топдик. Бу ҳужжат Мирзо Улуғбекнинг Самарқанддаги мадрасасида таҳсил кўрган талаба Шамсиддин Муҳаммад номига берилган санати (шаҳодатнома)си бўлиб, у 1435 йилда мадрасанинг бош мударриси Қозизода Румийнинг рухсати ва имзоси билан берилган. Унда хусусан бундай дейилган: «...Шамсиддин Муҳаммад ал-Балхий илм таҳсил қилиш учун ватанидан узок

<sup>3</sup> К.Каттаев. Самарқанд мадрасалари ва илму фан ривож. –Самарқанд: Зарафшон, 2007, 51-бет.

ерларга сафар қилишни ихтиёр қилди. Мусофирликнинг оғир заҳматларига чидаб... у Самарқандда 16 йил чамаси истиқомат қилди. Унинг талаб водийсидан илмнинг тиниқ сувига ташналиги кун сари ортиб борди. Идрокли ва зийрак бўлғони учун дасрларни тез тушунар эди. Дарс вақтларида Абу Бакир Армавийнинг «Лавом ул-асрор мин матолеъ анвор» («Яширин сирларнинг нур чиқиши билан равшанлашиши») китобининг яширин сирларини тушунди. «Бадоеъ ул-ибкор мин таволеъ ул-афкор» («Фикрларнинг туғилишидан ёш ғунчаларнинг бадийликлари») асарнинг пардали нуқталарини очди» дейилади.

Шунингдек, мазкур шаҳодатномада турли фанларга алоқадор асарларнинг рўйхати келтирилган.

Биз мана шу ўринда тарих ва адабиётга тааллуқли бўлган асарлар хусусида мулоҳаза юритишни лозим кўрдик.

«... «Мафотиҳ абвоб ул адаб» «Адаб илми эшикларнинг калитлари»ни таҳлил қилди. «Кашшоф» ва унинг ишончли шарҳларидаги чиройли ибораларнинг юзларидан парда очди. – Абулқосим Маҳмуд ибн Умар Замахшарийнинг 1075 -1144 «Қуръон»га ёзган машҳур тафсири». (Бу аллома хоразмлик ватандошимиз бўлиб, Арабистонга бориб, араб тили грамматикасини илмий жиҳатдан ишлаган. Ўз даврининг «жоруллоҳ» «Оллоҳнинг кўшниси» деган юксак ном олган). (Таъкид бизники).

«... «Қуръон» оятлари денгизидан дурлар олиб чиқди. Андин ташқари «Мавоқий ул-калом» (Диний эътиқод фалсафаси) саҳифаларидаги латиф сўзлар ҳамда мақсадларидан воқиф бўлди... «Ҳидоя» далилларига эришди шеърӣ масалаларни билиш учун «Ниҳоя», «Ҳидоя» шарҳига тўғри йўл топди.

Бу ўринда Бурҳониддин Марғилонийнинг «Ал ҳидоя фи шарҳи бидоя» номли асари кўзда тутилади. Бу асар шариат қонун-қоидалари, фикҳ мажлисидан иборат.

Ушбу даражага етгач, юртдошларини ўз илмидан нафлантириш учун ватанига қайтмоқчи бўлди. Мендин олий санад билан ижозат беришимни илтимос қилди. Мен анинг илтимосини қабул қилдим...

Қозизода Румӣ номи бирлан машҳур бўлган фақир ул ҳақир Мусо ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд 838 йил ражаб ойининг

ўрталари. 1435 йил февраль ойининг ўрталарига тўғри келади.<sup>1</sup> Бу хужжат Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти фондида Р10683– III рақам остида сақланади. (Хужжат рисолага 2-иловада тақдим қилинди).

Бу хужжат фақат шаҳодатнома бўлибгина қолмай, балки, мадрасалар таълим тизими ҳақида, Мирзо Улуғбекнинг илм – маърифатга бўлган эътибори ҳақида ҳам қимматли маълумот берувчи далилдир. Шунинг баробарида ўша даврнинг ижтимоий – сиёсий, маданий масалаларига ҳам ойдинлик киритади.

Мазкур толиби илм – Шамсиддин Муҳаммад асли Хуросоннинг Балх шаҳридан бўлиб, мовароуннахрнинг Самарқанд шаҳридаги Мирзо Улуғбекнинг мадрасаи олиясига ўқишга келган. Бундан кўринадики, Мирзо Улуғбекнинг мадрасаи олиясининг шон – шуҳрати баланд эканлигини, унда фақат Мовароуннахрликлар таҳсил олмай, балки Хуросон, Ҳиндистон, Рум ва бошқа Шарқ мамлакатларидан келганлар ҳам таълим олганлигидан гувоҳлик беради. Шунингдек, мадрасаи олияда таҳсил муддати 16 йил эканлигини ҳам Шамсиддин Муҳаммад таҳсили мисолида исботлайди.

– Бу толиби илм томонидан таҳсил давомида ўрганган асарларнинг номлари алоҳида–алоҳида кўрсатилган. Ижозатнома-дипломда қайд қилинган асарлар номидан маълум бўладики, улар ҳам нақлия, ҳам ақлия, ҳам адабия илмларга дахлдор бўлганлар. Мадраса-йи олияда ақлий илмларга доир дарслик ва қўлланмаларнинг айримлари турли манбаларда келтирилган маълумотларга кўра қуйидагилардан иборат бўлган:

1) **«Лавомеъ асрор фи шарҳ матолеъ ал анвор»** («Нурларнинг чиқиши» учун «Сирларнинг равшанлашиши» деб номланган шарҳ). Мазкур асарнинг муаллаифи Қутбиддин Муҳаммад бин Муҳаммад ар-Розий ат- Таҳтоний (ваф.766х-1364м) бўлиб, бу китоб 1328 йилда араб тилида ёзилган. Асар Сирожиддин Урмавийнинг (ваф.682х.-1283) «Матлаъ ал-анвор» («Нурларнинг чиқиши») деб аталган фалсафа ва мантиқ масалаларидан баҳс юритувчи китобининг мантиқ бўлимига ёзилган шарҳдир.

---

<sup>1</sup> Б.Аҳмедов.Улуғбек. (Машхур кишилар ҳаётидан). –Тошкент: 1989, 112-113 бетлар.

2) **«Ал – Кашшоф ан дақойиқ ал –танзил»** («Нузул қилинган ҳақиқатларни шарҳловчи китоб»). Китобнинг муаллифи Абулқосим Маҳмуд бин Усмон Замахшарий (ваф. 538х. – 1144.) бўлиб, Қуръони каримнинг тафсирига бағишланган машҳур асардир. Бу асарга Самарқандда Маъсуд Тафтазоний (1322-1390) «Шарҳи кашшоф» номи билан шарҳ ёзган. Бу шарҳ ҳам мадраса-йи олия мударрис ва талабалари томонидан фойдаланилган.

3) **«Ал-ҳидоя»**. Фикҳга бағишланган бу машҳур асарнинг муаллифи Бурҳониддин Марғинонийдир. (1123 йилда Марғинон (Рошидонда) туғилиб, 1196 йилда Самарқандда вафот этган. Қабри Чокардизададир).

4) **«Ал-жомеъ ал-саҳиҳ»**. Расулуллоҳ Муҳаммад (с.а.в) ҳадисларининг саҳеҳ (ишонарли ва тўғри) мажмуаси бўлиб, уни Имом ал-Бухорий тузганлар (810 йилда Бухорода туғилиб, 870 йилда Самарқанд вилоятининг Хартанг мавзесида вафот этганлар). Республика мустақиллиги даврида қабрлари устида муҳташам мақбара мажмуа қад кўтарилди.

5) **«Китоб ал-фикҳ ал-акбар»**. Бу машҳур асар ҳанафия мазҳаби асосчиси имом Аъзам-Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит ал-Куфий (80 х.-700 м.-150 х.-767м.)

6) **«Ал-тазкира фи-л-ҳайъат»**. Астрономияга бағишланган бу асарнинг муаллифи Носириддин Тусий (1201-1274) бўлиб, унда Батлимус (Птоломей)нинг астрономияга оид тизимидан сўз юритилган. Мирзо Улуғбек мадраса-йи олияда маъруза ўқиганда ундан фойдаланган.

7) **«Ат-туҳфат уш-шоҳий»**. Бу ҳам астрономияга бағишланган бўлиб, унинг муаллифи Қутбиддин Маҳмуд ибн Маъсуд Шерозийдир.

8) **«Бадоеъ ул-ибкор мин тавомеъ ал-афкор»** («Фикрларнинг туғилишида ғунчаларнинг бадийлиги»).

9) **«Мафотех абвоб ал-адаб»** («Адаб эшиклари калитлари») ва бошқалар дейилганда Чағминий, Тафтазоний, Саид Шариф Журжоний, Ғиёсиддин Жамшид Коший, Қозизода-йи Румий каби алломаларнинг рисоалари, шарҳлари назарда тутилади.

10) Абубакир Армавийнинг **«Лавом ул-асрор мин матолеъ ул-анвор»** («Яширин сирларнинг нур чиқиш билан равшанлашиши»).

11) «Талвихот ут-тавзих» («Равшанликни ойдинлаштириш ва изоҳлаш»).

12) «Тақвим ул-мезон фи-т таъдил ва таржеҳ» («Тарози палласини тенглаштириш ва оғирлигини тўғрилаш»).

13) «Минқонс ул-вусул ило илм ал-усул» («Имоннинг асилларига етишиши усуллари»).

14) «Иҳком ул-аҳком мунтахаби мунтаҳил амали вассуол» («Танлаб олинган охирги умид ва тилак ҳукмларини мустаҳкамлаш»).

15) «Қуръон» оятлари.

16) «Мавоқий ул-калом» («Диний эътиқод фалсафаси»).

17) «Нихол» («Ҳидоя шарҳи»).

Келтирилган илмий-диний, дунёвий асарлардан кўринадики, мадрасайи олиядаги ўқиш жараёнига, ўқитиладиган соҳаларга алоҳида диққат қилинган ва маълум тартиб асосида ташкил этилган.

Мазкур асарлар мазмун-моҳиятига кўра асосан фалсафа, мантиқ, ҳандаса (математика), ҳайъат (астрономия), ал-жабр (алгебра), риёзиёт, шеърият назарияси, араб, форс-тожик тиллари ва фанларига алоқадор эканлиги кўзга ташланиб туради. Бу фанларга бўлган эътиборнинг сабабларини Мирзо Улуғбекнинг замондоши Ғиёсиддин Жамшид Улуғбекнинг «Қуръон», ҳадислар, фалакиёт, араб тили ва унинг грамматикасини, фикҳ қонунин, мантиқ, адабиёт илми адаб, мусиқа, риёзиёт илмларини чуқур билганлиги деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам мадрасаларда юқорида тилга олинган асосий илмларни ўқитиш учун мадрасаларнинг ўқув режасига киритилганлиги бежиз эмаслигини кўрсатади.

Юқорида келтирилган тарихий ҳужжатда тасдиқланишича, адабиётшунослик фани илми бадеъ, илми тавсир, илми аруз, илми қофия, илми қироат каби бўлимларга бўлиб ўрганилганлиги ҳақидаги хулосага келиш учун асос бўла олади. Аслида халқимиз маънавиятининг хазиналаридан бири, минг йиллик тарихга эга бўлган мумтоз шеъриятимиз ташкил этади. Мазкур етук бадииятдан баҳраманд бўлиш, шеъриятга хос нафис оҳангларни, сўз санъатининг назокатини, латофатини ҳис қилиш ҳар бир шеърият мухлисининг орзуси бўлган. Табиийки, бунинг учун ҳар бир мухлис аруз шеърий ўлчов тизимининг назарий қонун-



қоидалари ва амалий хусусиятларидан атрофлича хабардор бўлмоқни талаб этган, мадраса ўқув дастурларида шеърят билан боғлиқ масалалар аруз вазнини кенг ўрганиш орқали ҳал этилган. Чунки, аруз вазни ўлчовида битилган шеърӣ асарларни ифодали ўқиш масаласи ҳам шу вазн билан боғлиқдир. Шеърда танланган вазн, шоирнинг ундан фойдаланишдаги маҳоратидан хабардор бўлиш ижодкорнинг бадиий салоҳиятини намоён этади. Шу боис, ҳар бир мадраса мударрислари аруз назарияси ва ўқитиш усулларига алоҳида эътибор берганлар. Ҳар бир даврнинг арузшунос олимлари талабалар учун махсус қўлланмалар яратганлар ва услубий тавсиялар берганлар. Адабиётшунослик тарихида ҳам аруз илмига оид назарий қўлланмалар яратилган. Биринчиси - Шайх Аҳмад бин Худойдод Тарозийнинг «Фунун ул балоға» (1436-37) асари бўлиб, кейинчалик Алишер Навоийнинг «Мезонул-авзон», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Мухтасар» асарлари аруз назариясининг, хусусан, ўзбек арузи қонун-қоидаларининг анча кенг ёритилганлиги туфайли айрим ўринларда дарслик вазифасини ўтаган. Талабанинг арузни билишининг аҳамияти жуда катта бўлиб, ҳар бир шеърӣ матнинг вазнини топишда, тўғри ўқишда муҳим аҳамият касб этган.

Вазни билиш, урғуни англаш шеър ўқилганда катта аҳамиятга эгадир. Масалан, айнан бир сўз бир байтда икки марта учраса, ҳар бири алоҳида урғу билан ўқилиши лозим бўлган ҳоллар ҳам учрайди. Масалан:

**Тун-кунунга айлагали нурфoш,  
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.**

Алишер Навоӣ қаламига мансуб байтда шоир дастлабки «бирисин» сўзидаги урғуни биринчи бўғинга қўяди. Иккинчи «бирисин» сўзининг урғусини эса иккинчи бўғинга қўяди. Шеър ўқилганда мазкур урғуларга эътибор берилса аруз вазнига тўғри тушади. Демак, қайси сўзни қандай талаффуз қилишни аруз назариясида вазн бошқаради.

Мадраса ўқув дастурида аруз вазнининг ўрганилишидан асосий мақсад, матнни беҳато ўқишга ўргатиш, мисралар қаторидаги сир-синоатлардан хабардор қилиш, матн мазмунини шоир назари даражасида тушунишга эришишдан иборат бўлган. Бунинг учун талаба юздан ортиқ шеърӣ ўлчовни билиши, ёд

олиши лозим бўлган. Табиийки, бу жараён ниҳоятда мураккаб бўлиб, бу соҳанинг илмий-назариясини мустақил ўрганишнинг имконияти бўлмаганлиги сабабли мадрасаларда махсус фан сифатида ўрганилган ва бунга алоҳида эътибор берилган.

Бу ҳақда Алишер Навоий ўзининг «Мажолис ун-нафоис» асарида мадрасаларда илми аруз атрофлича ўрганилганлигини, ҳамда арузшунос Дарвеш Мансур, Сайфиддин Бухорий каби алломаларнинг арузга оид асарлари асосий дарслик сифатида қўлланилганлигини баён этади. Яна бир ўринда «Мавлоно Яҳё Себак-Хуросон мулкининг рангин фозили эрди. Кўп улум ва фунунда моҳир эрди. Саноеъ ва аруз фанида барча эл ани мусаллам тутарлар эрди...» Шунингдек, Алишер Навоий Дарвеш Мансур Мавлоно Яҳё Себакнинг шогирди экани», «арузни Дарвеш қошида ўқигани» ҳақида ҳам ёзади.

Мазкур маълумотдан кўринадик, айрим мураккаб илмлар хусусий мударрислар қўлида ўрганилган.

Илми қофия эса, бадииятнинг асосий қирраларидан бири саналади. Қофия учун танланган сўзларнинг оҳангдорлиги ва жило, жозибадорлиги билан белгиланади. Шу сабабли, ҳар бир ижодкор, уни ўрганувчи талаба ҳам қофия илмини диққат-эътибор билан ўрганган, шу соҳани чуқур билувчи санъаткорлардан таълим олганлар. Қофия санъати бадиий сўз воситасида мушоҳадаларни таъсирчан акс эттиришнинг муҳим воситасидир. Шоирнинг қофия ҳақидаги билими ўз мухлисининг диққатини шеърдаги ифодаланган фикрларга жалб этади, қофиядош сўзлар мажмуаси эса лирик қаҳрамоннинг ички туйғуларини, орзу-армонларини акс эттириш учун хизмат қилади.

Илми қофия санъатини чуқур эгаллашни мақсад қилган талаба қофиянинг тузилиши ва турларини, шеърӣ жанрларнинг қофия хусусиятларини, вазн ва қофия, радиф ва қофия муносабатлари мазмуни ва моҳиятини атрофлича билиши зарур ҳисобланган.

Мадрасаларда шеърӣ санъатлар, аруз илми ва мумтоз қофия ҳақидаги назарӣ-илмӣ маълумот берилиши, айрим мураккаб ўринларни ёд олинишининг талаб этилиши, талаба севиб ўқийдиган матн мазмунини чуқур ўзлаштириш имкониятини берганлиги шубҳасиздир. Адабиётшунос олим А.Ҳожиаҳмедов «Қофиялар шеърӣ асар мусиқийлиги, жозибадорлигини

таъминлашнинг асосий омилларидан саналади. Қофиядош сўзлар таркибидаги ҳар қайси товуш, мисра, байт, бандга алоҳида жило, таъсирчанлик бағишлайди. Қофиянинг шеърий асарда тутган ўрни ва аҳамиятини тўлароқ, муфассалроқ англаб етиш учун қофия илми асослари: қофиянинг тузилиши ва турлари, шеърий жанрларнинг қофия хусусиятлари, қофия санъатлари ва хатолари, вазн ва қофия, радиф ва қофия муносабатлари мазмуни ва моҳиятини атрофлича билиш зарур» - дея ҳисоблайди.<sup>4</sup> Табиийки, мадраса мударрислари ҳам мазкур назарий талабни шеърият билан боғлиқ машғулотларда инобатга олганлар ва талабаларга етказишга ҳаракат қилганлар.

Қофия илми бевосита бадиий санъатлар билан узвий боғлиқ бўлиб, шеъриятдаги бадиий тасвир, ифодалилиқ ва хушоҳанглиқ воситалари бадиий санъатда ифодаланади.

Мадрасада бадиий санъат илмига эътибор берилишининг асосий сабаби, талаба учун адабиёт ва санъатнинг нафосати ва сеҳрларини идрок этишга ўргатишдан иборатдир. Бу илмни чуқур ўрганган талаба мумтоз шеъриятнинг чинакам бой бадиий-ҳиссий лаззатидан баҳраманд бўлган. Бўлажак шоирлар учун эса маҳоратли, сўз санъаткорлари бўлиб етишишлари учун сабоқ мактаби ҳисобланган. Муҳими, ҳар бир маҳоратли шоир ўз ижодида бадиий санъат турларини қўллаш билан бир қаторда, ўз ижодида ҳам ранг-баранг турларини кашф этишга уринганлар. Шу сабабли ҳам бадиий санъатлар тури 200 га яқин эканлигини манбалар қайд этади. Бадиий санъат асосан икки турда, яъни маънавий, лафзий шаклда ўрганилган ва ҳар бир даврда тўлдирилиб изчил тарзда ўрганилиб борилган. Бу илмларнинг чуқур ўзлаштирилишининг асосий сабаби талабанинг назарий тушунчаларини, малакаларини кенгайтириб ва чуқурлаштириб бориш мақсадини кўзлаган.

Чунки, мударрислар тавсияси билан танланган асарлар бу хил илмларни ҳосил қилиш имконини берган. Талабадан у ёки бу байтдаги биргина санъатни эмас, балки икки, уч ва ундан ортиқ санъатни аниқлаш, биргина байт, ғазалнигина эмас, балки бир неча шеърий асар вазнини ёки қофия хусусиятларини белгилашга оид топшириқларни бажаришни талаб қилганлар. Бу топшириқ

---

<sup>4</sup> Паранг: А. Ҳожамадов. Шеър санъатларини биласизми? –Тошкент: 2001, 31-бет.

орқали талаба ўқиган ғазалда, вазн ва қофия бекаму-кўстлигидан ташқари, ҳар бир байтнинг ўз нуқтаси, ўқиганни қойил қолдирадиган санъати бўлсагина у ғазалдан жой олади. Истеъдодли шоирлар учун ғазалнинг бадиийлиги мезони ҳар бир байтда бирор бир бадиий, янгилик бир эмас, икки, уч ва ундан ортиқ намуна касб этади. Бир сўз билан айтганда, истеъдодли шоирлар ижодида бадиий санъатлар таҳлилидан қуйидагиларни сезиш мумкин: «Илми саноеъ» китобхоннинг диққат эътиборини ҳарфга, товушга, сўзга, сўз маъносига, сўзнинг байтдаги жойлашувига, сўз такрорига, сўзнинг асл, кўчма маънодалигига, жинсдошлик (омонимлик) хусусиятларига, бирикмага, бирикманинг маъно жилосига, мисрага, мисра мазмунига, байтга, байтдаги сўзлар муносабатига, бадиий санъатларга жалб этади. Демак, талабадан ҳар бир байт устида, санъат турини топиши ва ундан ўзи қониқиши талаб қилинган.

Санъатда келтирилган дарслик ва қўлланмалар асосан Мирзо Улуғбек мадрасасининг ўқув дастурига киритилган. Тўпланган маълумотлар бир мадрасанинг ўқув дастури иккинчи мадрасага мос келмаганлигини кўрсатади. Ўқув дастурининг тузилиши бевосита мадраса жойлашган ҳудуднинг илмий салоҳияти, илмий йўналиши, қайсидир соҳасининг ривожланиши, тараққий этиши билан боғлиқ эканлиги санъатлар (шаҳодатнома) орқали англаб олиш мумкин. Санъатда ўрганилган асарларнинг мазмун-моҳиятига эътибор берадиган бўлсак, аниқ фанларга, хусуса, астрономия фанига алоҳида эътибор берилганлигини кўрамиз. Шунинг баробарида Шарқ илмий доирасида сўнмас из қолдирган олиму-фузалоларнинг асарларига мурожаат қилиш, улар яратган илмий кашфиётлар билан талабаларни таништириш, асарларидан нусхалар кўчириш асосий дастуриламал эканлиги кўзга ташланади. Чунки бу йўл талабага қомусий илм бериш учун мўлжалланган бўлиб, амалиётда юксак самаралар берган. Масалан, Шайх Нажмиддин Кубро, Шарофиддин Али Яздий, Мавлавий-Жалолиддин Румий, Абдуллоҳ Ансорий, Саъдридин Маъсуд ибн Умар Атрафазоний (1322-1389), Абу-л Қосим Маҳмуд Умар ибн Аҳмад аз Замахшарий каби алломаларнинг асарларини олишимиз мумкин.

Бу алломалар жаҳон фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган алломалар бўлиши билан бир қаторда мадрасаларда

ўқитилиши лозим бўлган дарслик ва қўлланмаларнинг муаллифлари ҳамдир.

Юқорида санаб ўтилган олимлар ва уларнинг яратган асарлари ҳақида мадрасалар дастурида қай даражада ўрин олганлиги ҳақида аниқ ва тугал фикр айтиш жуда мушкул. Аммо, мадрасада таҳсил олган қомусий илм соҳибларининг мазкур олимлар ва мударрисларнинг асарларига қилган мурожаатларидан, ёзиб қолдирган эсдалик хотираларидан баъзи бир маълумотларни аниқлаш мумкин. Эҳтимол, юқорида тилга олинган олимлар, уларнинг яратган асарлари мадраса дастури учун мўлжаллаб яратилмагандир. Аммо, қайсидир маънода ўқув дастурларида ўрин олган муҳим бир соҳани кенгрок ёритишида қўшимча манба сифатида хизмат қилган бўлиши мумкин.

Масалан: Алишер Навоий Машҳад ва Самарқанд мадрасаларида таҳсил олган, шоир мадраса таҳсили ҳақида, у ерда ўқитилган илмлар ҳақида аторфлича маълумот бермаса-да, унинг яратган бетакрор ижодий мероси орқали биз шоирнинг чуқур илмий салоҳиятини, қомусий тафаккурини англаб олишимиз мумкин. Бу ҳақда шоир айрим жумлалар, хотиралар тарзида изоҳ бериб ўтар экан, Ҳирот, Машҳад, Самарқанднинг ўша давр мадрасаларида тил ва адабиётга, шеърятга, бадииятга катта эътибор берганлигини кўрамиз. Шу боис Хуросоннинг илмий-маданий, адабий-бадий равақи юксак даражага кўтарилишида мадрасаларнинг ўрни катта бўлганлигини англаб олиш мумкин. Эҳтимол, мадрасаларнинг ўқув дастури талабларидан келиб чиқиб, турли тазкиралар, адабий-илмий рисоалар, девонлар, баёзлар мураккаб асарларга шарҳлар ёзиш одатий ҳолга айланган. Бу ўринда Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатлари мадрасалари томонидан берилган санъат (шаҳодатнома)лар муҳим ҳужжат ҳисобланади. Берилган санъатлар топиб ўрганиб чиқилса, қадимий ўқитиш усуллари хусусидаги фикрлар янада бойиши, ойдинлашиши мумкин.

Ҳар бир даврнинг билимли донишмандлари ҳам ўқитишнинг қадимги усуллари, уларнинг зарурий жиҳатлари ҳақида изланишлар олиб борганлар.

Ана шундай алломалардан бири Абу Носир Форобийдир. У матнни ифодалаш ўқиш, овоз, нутқининг раванлиги хусусида ўз мулоҳазасини билдирган. Бир ўринда яхши ўқишни нотикликни

эгаллаган санъаткор, файласуф ва донишманд билан тенгдир, деб таъкидлайди. Алишер Навоий эса ўзининг «Маҳбуб-ул-қулуб» асарида: ҳуснихатга эътиборини қаратади, ёзма нутқ малакасини такомиллаштиришга ундайди.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир мударрис томонидан услублар такомиллаштирилиб бориши натижасида дарслик ва услубий қўлланмалар яратила бошлаган. Давр ўтиши билан илмда яратилган кашфиётлар ва ўзгаришлар натижасида улар ислоҳ қилиниб, шарҳлар ва изоҳлар берилиб турган.

Ана шундай қўлланмалар яратган қомусий илм соҳиби Ҳусайн Кошифий (асл исми Камолиддин бўлиб, тахаллуси Воиздир) воизхонлик санъати усуллариининг назариясини ёзма иш иншога бағишланган «Маҳзан ул-иншо» рисоласини олишимиз мумкин. Бу рисолаининг майдонга келиш сабаблардан бири, мадрасалар ўқув дастурида илми иншо фаниининг ўрганилиши асос бўлганлиги шубҳасиз.

Мактаб ва мадрасаларда кенг қўлланилган усуллардан бири илму шарҳ усулидир. Бу усул, асосан, изоҳталаб сўзларнинг баёнини бериш учун хизмат қилган бўлса-да, жуда кенг маънода ифодаланган. «Шарҳ» арабча сўз бўлиб, 14 хил маънода қўлланилган. Масалан, Алишер Навоий Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» асарини шарҳ усулида ўқилганлигини қуйидагича баён этади:

**Завқ кўп хуш холл этар эрди мени,**

**Шарҳи онинг лол этар мени.**

Алишер Навоий ўзининг «Мажолис-ун-нафоис» асарида Сабзавор шаҳрида бўлгани, у ердаги олим ва шоирлар ҳақида ҳикоя қилар экан, бир ўринда сабзаворлик олим Мансур Дарвиш ҳақида қисқача тўхталиб ўтади. Кейинчалик Мансур Дарвиш воситасида адабиётшунос олим, арузшунос Яхё Себакдан аруз илмини ўрганганлигини шундай хотирлайди: «Бу фақир (мен) аруз фанида восита билан Мавлононинг шогирдиман ...»<sup>1</sup>

Алишер Навоийнинг бу хотирасидан кўринадики, талабалар илм олишида фақат ўқув даргоҳига таяниб қолмай, балки таниқли олимлардан фаннинг маълум соҳаларидан алоҳида устозлардан таълим олишга интиланлар. Ёки Самарқанднинг Рабати Ғозиён

---

<sup>1</sup> Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. –Тошкент: 1969, 83-бет.

мавзусидаги мадрасада калом илмининг алломаси Муҳаммад ибн Фазл Балхий мударрислик қилган. Муҳими шундаки, Шайх Абу Мансур Мотрудий (870-945-946 йиллар) Абулқосим Ҳаким Самарқандийларнинг (ваф.953) устозлари бўлган.<sup>2</sup>

Бу алломалар Работи Ғозиёндаги мадраса талабаси бўлган даврда Муҳаммад Фазл Балхийдан Калом илмининг асосларидан таълим олганлар.

Хусусий мударрислардан адабиёт илмини ўрганган кўплаб шоиру-алломаларнинг хотираларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Муҳими, мадрасаларда фаолият олиб борганда адабиётшунос-мударрисларнинг ўқийдиган дарслари, улар яратган назарий қўлланмалар катта шуҳрат қозонган. Натижада, турли минтақаларадан толиби илмлар мазкур олимлар атрофида тўплана бошлаган.

«Агар бу даврдаги мадрасаларда таълим олган самарқандлик Низомий Арузийнинг адабий-илмий фаолияти маҳсули бўлган «Нодир ҳикоялар» ёки «Чоҳор мақола», бухоролик Муҳаммад Авфийнинг Самарқандда яшаб, бу ердаги олиму мударрислар, шоиру адиблар билан суҳбатда бўлиб, сўнгра Ҳиндистонга сафар қилиб, Деҳлида «Лубоб ул-албоб» номли тазкирасини ёзганини эътиборга олсак, унда мазкур даврдаги мадрасалар, мударрислар ва уламолар муҳитида шеър-шоирлик, адабиётшунослик масалаларига ҳам катта эътибор берилганлигидан хабардор бўламиз».<sup>1</sup>

Демак, мадрасалар шеърят ва адабиётшунослик соҳаларининг ривожланишига ҳисса қўшган, ўқитишнинг турли усуллари кашф этиб аллома, шоир ва олимларнинг вояга етишига катта хизмат қилган.

Ўқитиш усулларига оид айрим маълумотлар, услубий кўрсатмаларни берувчи баъзи манбаларга назар солсак, кўп йиллик тажрибаларга асосланиб майдонга келганлиги кўзга ташланади, бу ўринда аниқ ва гуманитар фанларни ўрганишда муҳим дарслик вазифасини бажарувчи илмий рисоалар, ўқитиш усулларига доир қўлланмалар, уларнинг тузилиши, мазмун-моҳияти хусусида қисқача тўхталиб ўтишни лозим топдик.

<sup>2</sup> Б.Валихўжаев. Абу Мансур Мотрудий-улуғ аждодимиз. Зарафшон газетаси, 1993, 6 апрель.

<sup>1</sup> Б.Валихўжаев. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. –Тошкент: «Ўзбекистон», 1983, 21-22, 55-60- бетлар.

Бу манбалар умумий шаклда илмлар йиғиндиси ҳисобланса-да, услубий аҳамиятга молик мулоҳазалар берувчи дастурлар ҳам ҳисобланади.

Шундай муҳим манаблардан бири XIX асрда яшаб ижод этган услубшунос олим Вожид Али Мунжмалий қаламига мансуб бўлиб «Матлаъ ул-улум ва мажмаъ ул-фунун» деб номланади<sup>2</sup>. Бу асар Покистонда нашр этилган. Олим қўлланмада турли таълимий, услубий масалаларни ёритишда ўзидан олдин ўтган алломаларнинг асарларидан фойдаланганлиги сезилиб туради.

У ислом таълимоти тарқалган ҳудудларда кўп асрлар давомида тўпланган тажриба, назарий ва услубий қарашларни маълум даражада умумлаштиради.

Адабиёт ва шеърят, турли асарларни ўрганиш усуллари хусусида эса, лафзий ва маънавий санъатлар, мусиқа, оҳанг-куй муҳим восита эканлигини таъкидлайди.

Покистоннинг Канпур шаҳрида 1302 (милодий) йилда нашр этилган Баҳбувандиён Соҳиб Оқил томонидан яратилган «Матлаъ-ул-улум» («Илмларнинг боши ёки фанларнинг йиғиндиси») дарслиги эса бирмунча кенг тарзда услубий маълумотлар беради<sup>1</sup> (1-иловада асарнинг мундарижаси келтирилди).

Асар асосан икки китобдан иборат бўлиб, баъзи ўринда дафтар ҳам деб юритилади. Асарнинг яратилишига асос бўладиган сабаблардан бири – мадрасаларда дарслик ва қўлланмаларнинг етишмаслиги, шундай манбага эҳтиёж зарур бўлганлигини тахмин қилиш мумкин. Чунки, муаллиф дарсликнинг биринчи китобида ўз даврининг таниқли алломаларидан Юсуф Саккокийнинг «Мифотоҳул улум» («Илмларнинг калити»), шунингдек, XII асрда Хоразмда яратилган Саидшариф Жузжонийнинг «Шарҳи мифтоҳул-улум» каби асарлари «Матла-ал-улум» дарслигининг яратилишига асос бўлганлигини айтиб ўтади.

---

<sup>2</sup> Вожид Али Мунжмалий. «Матлаъ ул-улум ва мажмаъ ул-фунун» (илмлар боши ва фанлар йиғини, 1267 йил ҳижрий – 1851 йил милодий).

<sup>1</sup> Бу асар Покистонда 1302 йилда нашр қилинган. Адабиётшунос олим Қобилжон Тоҳировнинг шахсий кутубхонасида сақланади.



Дарсликнинг дастлабки саҳифалари ҳақ таъолога ҳамду сано, охирги пайғамбар Муҳаммад Алайҳу Салом мадҳи билан бошланади. Шундан сўнг муаллиф ўзи ҳақидаги маълумотни бир маснавий орқали баён этади.

Дарслик жами 23 бобдан иборат бўлиб, айрим боблар бир неча фаслларга бўлинган. Дарслик илмнинг турли соҳаларини қамраб олганлиги боис, биз асосан тил ва адабиёт, педагогика, нотиклик, хат ёзиш одоби, сўзлашув одоби, мантиқ ва бошқа ўқитиш усулларига доир ўринларига тўхталиб ўтишни лозим кўрдик.

Дарслик бир қарашда қомусий мукаммал асарга ўхшаб кетса-да, ҳар бир соҳага доир маълумотлар маълум бир тартиб асосида берилган ва зарурий тавсиялар эса илмий асосланган.

Масалан, адабиёт, бадиият, шеърят, аруз, ўқитиш усулларига доир маълумотлар содда кўринишда бошланиб кейинчалик мураккаблашиб боради. Энг муҳими, берилган назарий маълумотлар кенг қамровли бўлиб, танланган соҳага доир иккинчи даражали маълумотларнинг зарурлигини дарсликдан фойдаланган киши англаб олиши мумкин.

Дарсликнинг XII-бобида бадиият илми ҳақида маълумот берилади. Бобнинг асосини ташкил этган фаслларда эса, илми аруз, илми қофия ўқитиш қонун-қоидалари ҳақида назарий маълумотлар келтирилади.

Лекин, бадиият ҳақидаги маълумотни келтурганга қадар, аввалги бобларда, лутф ва чиройли сўзлаш (IV бобда), шеърятга доир илм (VI бобда) хат ёзиш одоби, илми иншо (VIII бобда), илми маъни нозик маъноларни баён қилиш одоби (X бобда), сўзлаш одоби ва қоидалари (XI бобда) каби қатор услубий қонун-қоидаларни келтиради. Мазкур қонун-қоидалардан хабардор талабагина адабиётга доир назарий маълумотларни ўзлаштиришлари мумкин деган хулосани беради. Дарсликнинг бу тартибда тузилиши методик жиҳатдан мантикий изчилликка асосланганлигини кўрсатади. Дарсликнинг сўнгги бобларида эса берилган илми мантиқ (XXVIII бобда), илми мунозара (XXIX бобда) илми шарҳи (сўз атамалар изоҳи), (XXIII бобда) каби услубий маълумотлар юқорида берилган мураккаб илмий-назарий маълумотларни ўзлаштириш учун келтирилганлигини англаб олиш қийин эмас. Дарсликнинг диққатга сазовор

жиҳатларидан бири ахлоқ, одоб, маънавий тарбия масалаларга катта аҳамият берилганлигидир.

Тарбиявий (педагогик) масалалар асосан шарқона нуқтаи назардан келтирилган бўлиб, хусусан, ҳақимлар, донишмандлар, олимларнинг фикр-мулоҳазалари асосида бир неча фаслларга бўлинган ҳолда тавсиялар берилади.

Мазкур дарслик қўлланмаларнинг яратилиши услубшунослик мактабларининг вужудга келишини таъминлаган. Табиийки, бундай мактабларнинг майдонга келиши натижасида услубшунос мударрислар томонидан мураккаб матндаги асарларга шарҳлар ёзишга ҳамда зарурий дарслик ва қўлланмалар яратишга ундаган. Акс ҳолда, X асрлардаёқ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф ал Хоразмий «Мифотих-ул улум» («Илмлар калити») номли услубий асарини яратмаган бўлар эди. Бу асар ўша даврдаги ҳар бир фан мазмунини, унинг олдида турган вазифаларини, асосий атамаларни шарҳлаш йўли билан тушунтириб беради. Асар 9 бобдан иборат бўлиб, асарнинг V-боби шеърий ва аруз қонуниятларини баён этади. Хусусан, шеърий ўлчовлар (вазн), ундаги баъзи камчиликлар, қофиялар, шеърий тақриз, бадий тил устида тўхталиб ўтилади.<sup>1</sup> Мана шу далилнинг ўзи ҳам бадий шеърийга, аруз илмини ўрганишга бўлган эътибор қадимдан бошланганлигини исботлайди. Айни пайтда бу асар талабалар ва мударрислар учун асосий дарслик-қўлланма вазифасини ўтаганлиги шубҳасиздир. Мана шу ўринда бу асар дастлабки тузилган дарслик эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз деб ўйлаймиз. Умуман олганда, «Илмлар калити» асари дарслик бўлиш билан бир қаторда, кейинги яратилиши лозим бўлган услубий дарсликларнинг умумий йўналишини белгилаб беради. Натижада айнан шу ном билан яна бир неча «Илмлар калити» асарлари майдонга келди. Кейинги яратилган бу асарлар дастлабки яратилган асарлардан илҳомланиш натижасида, аввалгилардаги услуб, йўллар сақланган ҳолда янгича сайқал топди ва қайтадан ислоҳ этилди. Ана шундай асарлар муаллифларидан бири асли Насаф аҳлидан бўлиб, кейинчалик Самарқандда яшаб (1069-1142) ижод этган Нажмуддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафийдир. У 100 дан ортиқ

<sup>1</sup> Қаранг: Адабий мерос. Илмий асарлар тўплами. Роиқ Баҳодиров «Илмлар калити» ва унинг муаллифи 3 (15). –Тошкент: 1980, 47-50 бетлар.

асарлар яратган бўлиб, тафсир, адаб, тарих ва ҳадис илмларининг билимдони сифатида шуҳрат қозонган. Олимнинг «Ал-қанд фий зикри уламон Самарқанд» («Самарқанд уламолари хотирасига қанддек яширин китоб») асарини арабчадан таржима қилган Усмонхон Темурхон ўғли ва Бахтиёр Набихон ўғли асарнинг сўз бошисида Насафий асарларининг айримларини санаб ўтади ва асарлари хусусида алломаларнинг мулоҳазаларини баён этади. Тилга олинган асарлар орасида «Мажмаъ ал-умум» номли қомусий асари борлигини айтиб ўтади.

Мана шу ўринда Насафийнинг «Ал-қанд фий зикри уламои самарқанд» асарида келтирилган Самарқандлик машҳур кишилар, тафсир, адаб, тарих ва ҳадис илмлари билимдонлари, мударрислар ҳақидаги маълумотлари билан қимматлидир.

Асар XI асрга мансуб бўлиб, 98 варақдан иборат. Унда 423 таси танлаб олинган ровийлар рўйхати келтирилади. Асарда тилга олинган шайх, имом, қори, фикҳшунос, зоҳид, саҳиҳ, мударрис, алломаларнинг номлари, улар ривоят қилган ҳадислар келтирилади. Муҳими, уларнинг ривоят қилган ҳадислар, аруз, назм ва бошқа илмларни мударрис сифатида Жоме масжидларида илм толибларига таълим берганлар. Биринчи асарда алоҳида мадрасалар тилга олинмаса-да, масжидларда хонадонларда, хонақоҳларда талабаларга илм берилганлиги ҳақидаги маълумотлар кўплаб учрайди<sup>5</sup>.

Таниқли қомусий аллома мударрислардан бири, Мавлоно Саъдиддин Тафтазоний эса «Мифтоҳ ул-улум» («Илмлар калити») «Ал-мухтасар ал-маоний» («Маоний илмнинг мухтасар баёни») каби асарларини Самарқанддаги Идигу Темур мадрасасининг мударриси сифатида фаолият кўрсатган даврларда яратган. Бундан ташқари, олимнинг «Ал-мутававал», «Шарқ рисола ал-шамсия», «Шарҳ ақоид ал-насафия» каби асарлари мударрислик фаолияти билан бир қаторда илмий тадқиқотлар олиб борганлигидан далолат беради. Бу асарлар мадрасаларда ўқитилиши билан бир қаторда, уларга қатор муаллифлар шарҳлар ҳам ёзган.

---

<sup>5</sup> Паранг: Нажмуддин ан-Насафий. Самарқандия. (Ал-қанд фий зикри уламои Самарқанд). Арабчадан Усмонхон Темурхон ўғли ва Бахтиёр Набихон ўғли таржимаси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». Давлат илмий нашриёти. –Тошкент: 2001.

Саъдиддин Тафтазонийнинг асарлари ўз даврида Самарқанд, Хуросон ва бошқа ўлкаларда эътироф этилган илмий-адабий муҳитида шуҳрат топган.

Масалан, «Хиротга борган Абулқосим Абулайсий Алишер Навоийнинг унга нисбатан кўрсатган катта ғамхўрликларига жавобан мавлоно Саъдиддин Тафтазонийнинг адабийшуносликдан баҳс юритувчи «Ал-мутааввал» асарига шарҳ ёзиб, унга «Хошияи мутааввал» деб қўйган. Асарни Алишер Навоийга бағишлайди. Алишер Навоий бу асарни яхши кутиб олган»<sup>1</sup>.

Саъдиддин Тафтазонийнинг «Мифтоҳ-ул-улум» («Илмлар калити») асари Самарқанднинг шуҳратли алломаси ва мударриси Қозизода-йи Румийнинг ҳам диққатини тортганлигини ва у ҳам ушбу асарга мурожаат этганлигини, мазкур асарга шарҳ ёзганлигини манбаларда ҳам эътироф этган. Юқоридаги фикрдан кўриниб турибдики, умуман «Илмлар калити» асарига фақат Қозизода Румийгина эмас, балки кўплаб илмли кишилар мурожаат этганлар, имкон қадар бу асарларга шарҳлар яратганлар.

Бу шарҳларнинг яратилишидан мақсад, асарларнинг оммалашиб, талабаларнинг ўзлаштиришларини енгиллаштириш ниятида амалга оширилгандир. Шарҳлар халқлар орасида кенг тарқалиши натижасида таниқли мударрис Абулқосим бин Абубакр ал-Лайс Самарқандий «Рисолат-ус-истиорат», Хондамирнинг «Номаи номий», Маҳмуд Галонийнинг «Муношират-ул-иншо», Содик Жондорийнинг «Китоб-ул-иншо» каби услубий қўлланмалари майдонга келди. Мана шу ўринда Алишер Навоийнинг замондоши Ҳусайн Камолиддин Воиз воизхонлик санъатини эгаллабгина қолмай, балки «Маҳзан ул-иншо» номли қўлланма яратиб, услубшунослик борасида устозлари анъанасини давом эттирган.

Жадидчилик ҳаракатининг асосчиларидан бири Исмоилбек Гаспринский ўзининг «Туркистон уламаси» китобида Туркий халқларнинг ўтмиши, маданияти ҳақида сўз юритар экан: «Туркистон қитъасинда ақлий ва нақлий илмлара чолишмоқда эмишлар», - деб изоҳ беради. У ўз фикрини тасдиқлаш учун

---

<sup>1</sup> Б.Валихўжаев. Абулайсийлар хонадони. Қаралсин: Б.Валихўжаев. Хўжа Аҳрор тарихи. –Тошкент: «Ёзувчи», 1994, 33-34-бетлар.

Туркистоннинг юздан ортиқ уламози ҳақида маълумот беради. «Туркистон уламози» китоби ўн фаслга бўлинган бўлиб, фасллардан бири «умум адабия» дея номланади. Бу фасл асосан сарф, наҳв, маоний, адаб, мунозара, қофия фанларидан баҳс юритган.

Асарнинг бир ўрнида эса, хивалик Сирожиддин Юсуф Саккокий қаламига мансуб «Мифтохул-улум» («Илмлар калити») дарслиги ҳақида маълумот беради. Шунингдек, «Ал-наҳж» («Усул»), «Наводир- ал-усул» («Усул жилолари») каби услубий дарсликлар ёзган. Абу Абдулло Термизий (Ҳаким Термизий) каби уламо ҳақида ҳам тўхталиб ўтади. Китобда Туркистон уламолари илм-фаннинг қанчадан-қанча яловбардорларини етказганлигини, бу ўринда мадрасаларнинг ўрни бениҳоя катта эканлигини таъкидлайди.<sup>1</sup>

Машҳур мутафаккир Абдурахмон Жомийнинг бадиий ижод билан шуғулланишдан ташқари, Самарқанд мадрасаи олиясида мударрис сифатида фаолият кўрсатиши, бевосита иқтидорли толиби илм сифатида устозлари назарига тушиши билан боғлиқдир. Абдурахмон Жомий мадрасаи олияда араб, сарф ва наҳви ҳамда шеърят илмидан дарс берган. Дарслар натижасида «Фавоид-и Зиёия» ёки «Шарҳи мулла» номли асарини яратади. Бу асар кейинги асрларда мадрасада дарслик сифатида қўлланилган (шоирнинг бу дарслиги 1796 йилда котиб Қурбон Раҳматилла томонидан кўчирилган бўлиб, Самарқанд давлат музейи қўлёзмалар фондида сақланади).

Бу ҳақда Абдурауф Фитратнинг «Ҳиндистонда бир фаранги ила бухоролик мударриснинг жадид мактаблари хусусида қилган мунозараси» асарида Бухоро мадрасаларининг талабалари ўқишнинг тўртинчи-еттинчи йилларида «Мўлла Жомий» ни – «Шарҳи Жомий» ни («Фавоид уз-зиёия», «Ал-марфуъот», «Ал-мажрурот», «Ал-мансубот», «Ал-мабниййот») асарлари шарҳи ўқитилганлиги хусусида ёзади. Бундан кўринадики, Абдурахмон Жомий асарларидаги мантиқнинг кучлилиги илм-маърифат ихлосмандларининг диққат-эътиборини тортган.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Б.Қосимов. Миллий уйғониш: Жасорат, маърифат, фидоийлик. –Тошкент, «Маънавият», 2002, 186-187 бетлар.

Мадрасаларнинг ўқув дастурларидан ўрин олган бадий манбаларнинг асосийсини Расуллоҳ Муҳаммад Саллаллоҳу Алайҳи Вассаламнинг муборак ҳадислари ташкил этган.

Бунда аҳли ислом ҳаётининг барча қирралари қамраб олинган бўлиб, улар комил инсонни шакллантириш, олижаноб фазилат соҳиби бўлиш каби ижобий хислатларни тарбиялашда муҳим манба ҳисобланади. Чунки ҳар бир ҳадисда ифодаланган фикр қуруқ насиҳатдан иборат бўлмай, балки мусулмонлар ҳаётига хос воқеликнинг ноёб умумлашмасидир. Ҳадис-ислом дини таълимоти бўйича Қуръондан кейин турадиган иккинчи муқаддас манба бўлиб, Муҳаммад пайғамбарнинг ҳаёти ва фаолияти, шунингдек, унинг диний ва ахлоқий кўрсатмаларини ўз ичига олади. Муҳаммад пайғамбар бирор гапни айтган ёки бирор ишни қилиб кўрсатган бўлса, ёки бошқаларнинг ўзларига қилаётган бирор ишини кўриб, уни ман этмаган бўлса, шу уч ҳолатнинг ҳар бири суннат ҳисобланган. Ана шундай хатти-ҳаракатлар ёки кўрсатмалар ҳақидаги ривоят ҳадис деб юритилган. Мадраса талабаларининг ислом дини аҳкомлари бўлмиш фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, ҳалол, ҳаром, макруҳ, мубоҳ каби инсон учун вожиб бўлган жиҳатларини таништиришда ҳадислар асосий қўлланма вазифасини ўтаган. Бундан ташқари, ахлоқ-одобга доир кўрсатмалар, инсоний фазилатларга доир масалалар ҳам талқин этилган.

Табиийки, ҳадисларда келтирилган ривоятлар ҳар бир талабани маънавий баркамоллик руҳида тарбиялашда ўз ҳиссасини қўшган.

Шу боис, мадраса таҳсилини олган деярли барча шоирлар ҳадислардан илҳомланганлар ва ижодларининг асоси ҳисоблаганлар. Ҳадисларга шеърий иқтибос битиш адабиётимизнинг энг яхши анъаналаридан бири бўлиб келган. Аввалига араб, форс-тожик тилларида «Арбаин», «Чил ҳадис» деб аталмиш иқтибослар мажмуаси яратилган бўлса, кейинчалик туркий тилларда ҳам ана шундай асарлар майдонга кела бошлади. Бу қутлуғ ишни илк бор Алишер Навоий ҳазратлари бошлаб бердилар. Кейинги даврларда ҳам шундай мажмуалар яратилди.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Анвар Ҳожирахмедов. Жаннат калити. –Тошкент: «Чўлпон», 1994.

Диний илмларга бўлган эътибор фақат ҳадислардан иборат бўлмай, балки тариқат пирларининг мақоматлари ҳам мадрасалар ўқув дастурига қисман киритилганлиги ҳақидаги мулоҳазаларга дуч келамиз. Мақомат аслида, арабча сўз бўлиб, даража, жой маъносини билдирса, асосий маъноси кўпчилик олдида айтиладиган нақлу ривоят, ҳикоят маъноларини англатади. Шарқда кенг тарқалган мақоматлар муҳим таълимий-тарбиявий аҳамиятга эга асарлар бўлиб, неча асрлардан буён ёшларни тарбиялашда муҳим дарслик вазифасини бажарган. Мақоматлардаги ибратбахш ривоятлар, таъсирли байтлар, тариқат пирларининг ибратли сўзлари-бебаҳо бадиий хазина ҳисобланган. Шу боис, ҳар бир давр ижодкорлари улардан илҳомланганлар ва асосий манба сифатида фойдаланганлар. Масалан, Абдурахмон Жомийнинг «Нафоҳатул-унс», Алишер Навоийнинг «Насоимул-муҳаббат» асарларидаги кўп далиллар айнан шу мақоматлардан олинган.

Мақоматшунослик Шарқда қадимдан мавжуд бўлиб, уларнинг илк намуналари Абул-Қосим Маҳмуд аз Замахшарий қаламига мансуб бўлиб, бу асар «Атвоқ уз-заҳаб» («Олтин шабадалар») деб номланган. Олим асарини Маккадалик пайтида ёзган бўлиб, асар юз мақоладан иборатдир. Унга асосан фойдали насихатлар, ибратомуз ҳикматлар, гўзал ахлоқий ўғитлар жамланган. Ёки, «Мақомати ҳожа Қаъбул Акбар», «Мақомати Шайх Абдул Қодир Гилоний», «Мақомати Шайх Юсуф Ҳамадоний», «Мақомати Мир Кулол», «Мақомати Шоҳи Нақшбандия» деб номланган.<sup>1</sup>

Мазкур манбаларнинг Шарқда қўлланилганлигига кўра, мулоҳаза юритадиган бўлсак, мадрасада ўқитилган диний-назарий, адабий билимлар шарҳи, уларнинг амалиёти буюк қомусий олимларнинг, жаҳонга машҳур алломаларнинг ҳикоят, ҳикмат ва тамсилларидан намуналар келтириш билан бажарилган, деган хулосага келиш мумкин.

Чунки, бу ҳикоятлар мазмунан ранг-баранг, ҳажман кичик бўлса-да ҳар бири давр синовидан ўтган ибратли хазина ҳисобланади. Масалан, «Калила ва Димна», «Ҳотамнома»,

---

<sup>1</sup> Қаранг. Дурдона. Мир Кулол ва Шоҳи Нақшбанд мақоматлари. –Тошкент: «Шарқ», 1993.

Кайковуснинг «Қобуснома», «Насиҳатнома», «Минг бир кеча» каби асарлар шулар жумласидандир.

Ибратли, таълимий-тарбиявий мавзуга молик ҳикоятлардан фойдаланиш ва йирик асарлар мазмунини бойитиш мақсадида қўлланилган асарлар ҳам кўплаб учрайди.

Мадрасалар таълимида шеърий жанрларнинг ўрганилишида адабиётшунос, шоиртабиат олимларнинг мадраса мударрислари сифатида фаолият кўрсатиши катта аҳамиятга эга бўлган. Улар мударрис сифатида мадрасаларнинг ўқув дастурини тузишда дарсликлар ёзишда фаол иштирок этганлар. Дарсликларга қўшимча тарзда тазкиралар тузганлар. Масалан, XVII асрда мадраси Шайбонийхонда фаолият олиб борган мударрис Муҳаммад Бадоеъ Малехо Самарқандий адабиётшунос сифатида «Музакир-ул-асҳоб» («Сухбатдошлар зикри») номли тазкирасини яратди. Бу тазкира талабаларга шоирлар ва уларнинг яратган асарлари билан танишиш имконини берган, кейинчалик шунга ўхшаш тазкиралар кўплаб яратилиб, мадрасаларда адабиёт дарсларининг самарадорлигини ошириш учун хизмат қилган. Тазкираларда тилга олинган таниқли шоирлардан Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий, Сўфи Оллоҳёр, Абдулқодир Бедил, Бобораҳим Машраб кабиларнинг адабий мероси билан танишиб борганлар. Аммо тазкираларда шоирлар сони кўпчиликлари ташкил этса-да, улар орасидан кишилик тарихида номлари, асарлари, иқтидори бекиёс шоирларгина танлаб олиниб мадрасалар дастурига киритилган. Бу шоирлар ўз ўқувчисининг қалбидан жой ола билган. Улар яратган бекиёс шеърият, нодир асарлар билим даражаси саёз бўлган китобхонга эмас, балки фикри теран, тасаввури кенг ўқувчисига мўлжалланган. Уларнинг асарларини жўн, оддий хулосалар билан умумлаштириб бўлмайди. Чунки, уларнинг замирида шарқона ибрат намуна мавжуддир.

«Шоир шеърида тасвирланган ғоя, туйғу, образ, руҳий манзараларни ўз номи билан айтишга эришиш,-деб ёзади адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул,-улар бағридаги яширин маъно ва бадий сирларни таҳлил тилида ифодалаш-ҳақиқатнинг бош мезони мана шудир»<sup>6</sup>-дея эътироф этади. Шу ўринда,

---

<sup>6</sup> Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърият. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991, 131-бет.



Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий каби шоирларнинг форс – тожик мумтоз адабиётида тутган ўрни фахрланишга арзигулик мавқега эга. Уларнинг оҳангдор ғазаллари Шарқу Ғарбда кенг тарқалган ва машҳур бўлиб кетган ўлмас санъат намунасидир. Уларнинг асарлари бир неча асрлар мобайнида мадрасаларда алоҳида мавзу сифатида ўқитилган ва муаллифлар номини элларга машҳур қилган. Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» аслари эса таълим – тарбиявий мазмундаги ҳикоялар ва шеърий услубда ёзилган ҳикматлардан иборатдир. Шоир жуда кўп мамлакатларни кезиб, жуда кўп одамлар билан танишади. Кўрган-кечирганлари ҳақида насрий ва шеърий йўл билан ёзилган мўъжазгина ҳикоялар яратади ва ўз замондошлари ва асосан мадраса талабаларга сабоқ бўларли гапларни айтади.

Улардан инсон ҳаёти учун зарур бўлган ҳаётий хулосалар, умумлашмалар келиб чиқади. Бир сўз билан айтганда, Саъдий Шерозий ижодиёти ҳикматлар хазинасидир.

У яратган ҳикматларида ғазалларидаги чуқур мантиқийликнинг асосий сабаби, Боғдоддаги Шарқда машҳур мадрасалардан бири «Низомия» мадрасасида таҳсил олганлигидандир. Бу мадрасада таниқли олимлар, шоирлар, донишманд мударрислар фаолият олиб борганлар. Бу ҳақда шоир ўзининг «Бўстон» асарида шундай хотирлайди:

**Низомияда маошим бор эди,**

**Туну кун ишим дарсу такрор эди.**

Шоирнинг мадрасада олган дунёвий илмлари, ҳаётий тажрибалари асарларида ўз ифодасини топган. Ҳофиз Шерозий ёшлигиданок шеъриятга ихлос қўяди ва китобларни хушовоз овозда ўқийди. Натижада у Ҳофиз сифатида эл орасида танилади. Шоир бир шеърида «Қирқ йил ўқиганлигини айтади. У асосан ғазал жанрида самарали ижод қилган. Унинг ғазалиётининг мадрасаларда ўтилиши ва халқ орасида шуҳрат топишининг боиси, ғазалларининг ҳар бир байти бир олам маънони ўз ичига олган, мухтасар мукаммал шеъриятдир. У ўз замондош шоирлардан айнан шу жиҳати билан анча илгарилаб кетган.

Мадрасаларнинг ўқув дастурида файласуф шоир Абдулқодир Бедил ижодининг киритилиши нақлий илмлардан кўра шеърий илмларни ўқитишга мойиллик етакчилик қилганлигидан далолат беради.

Айниқса, бу ҳол XVI–XIX асрларда янада ёрқин кўзга ташланади. Чунки, Шарқ шеърятининг машҳур намояндаларидан Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий, Сўфи Оллоҳёр, Абдулқодир Бедил каби шоирларнинг девонлари, танланган асрлари жуда кўплаб нусхаларда кўчирилган ва халқ орасида кенг тарқалган. Уларнинг халқ орасида тарқалган нусхаларидан ташқари, мадрасалар қошида ташкил этилган, ҳукмдорларнинг шахсий кутубхоналарида сақланган. Юқорида номлари зикр этилган шоирлар асарларининг кўп нусхада тарқалишида хаттотлик санъатининг ўрни ниҳоятда катта бўлганлигини ҳар бир давр тарихчилари эътироф этганлар. Масалан, Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтида Бедил асарларининг 385-Т қўлёзмаси сақланади. Мадрасаларда ўрганилиши учун танланган шоирларнинг ўзига хос, бетакрор жиҳатлари, истеъдодлари инобатга олинган.

Дарҳақиқат, Абдулқодир Бедил ўзининг бетакрор истеъдоди билан Шарқнинг улкан шоирлари орасидан муносиб ўрин олган. У форс – тожик адабиётида классик адиб жамиятшунос ва адабиётшунос, файласуф олим сифатида шуҳрат қозонди. Айниқса, унинг шоирлик маҳорати ўқувчиларни ўзига жалб этди. Бунинг асосий боиси, унинг тили гўзал, сатрлари теран, сўзлари кенг маъноли, бадий санъат усулларида ўрни билан кенг фойдаланганлиги ва бошқа ўзига хос жиҳатларидир. Шу боис «Абу маони» яъни «маънолар отаси» лақабига сазовор бўлган. Шоирнинг ўзига хос услуби бўлиб, у ўта нозик таъби, киноя ва истиора, тажниси сўзлардан маҳорат билан фойдаланади. У содда, жўн усул билан ўз фикрини баён этмайди. У ўз ўқувчисининг фаҳму – фаросатига «таг замин» маъноларни илғаб олишига ишонади. У аксарият ҳолларда муҳим фалсафий мулоҳазаларни муфассал баён этмай, балки нозик бир ишора бериш билан чегараланди. Ундаги асл маънони англашни ўқувчисига ҳавола қилади ёки у кичик бир ишора орқали, улкан фалсафий, мантиқий мушоҳадани англаб олиш, табиийки ҳар қандай шеърят мухлисига насиб этавермаган. Бунинг учун ўқувчидан маълум назарий билим, унда айтилган маъноси англаш қобилиятини талаб этган. Шу боис, Абдулқодир Бедил ифодалаган фалсафий масалалар ниҳоятда мураккаб бўлганидан

унинг шеърӣ услуби ҳам ўзига хос бедилона услубга эга бўлган. Шунинг учун, Абдурауф Фитрат: “Бедилнинг китоби катта бир денгиздирки, ҳар ким ўз идишига яраша бундан сув кўтаради”, деган эди.

Бундан ташқари, унинг хаттотлик маҳорати ҳам бошқаларникидан алоҳида кўринишда бўлиб, форс – тожик тилига мослаштирилган араб ёзувининг шикаста туридан фойдаланган. Бу ёзув синиқ ёзув бўлиб, таълиқ ва насталиқ хатларини чоғиштириш асосида яратилган. Бу ёзув асосан тез ёзиш имконини берган.

Абдулқодир Бедилнинг ўзига хос услуби, унинг ёзган мураккаб матнини ўрганиш учун мударрислардан ҳам, талабалардан ҳам жуда кенг билим, ўқитишнинг турли усуллари талаб қилади. Шу сабабли Бедил ғазал мухлисларининг севимли шоири бўлиб қолмай ўзидан кейин ижод қилган шоирлар учун илҳом манбаи вазифасини ўтаган. Ўзгача меҳр билан унинг ғазалларини ёд олган.

Қўқонлик олим Пўлатжон Қажумий кўлёзмалари орасида «Эски усул мактабларида ўқиш китоблари тўғрисида ёзганлари» эсдаликларида ҳам Бедил ҳақида қимматли маълумотлар бор.

Олим эски мактабда ўқитиш усуллари ҳақида қисқача маълумот беради: “Юқори синфларга кўтарилгач эса“... ишката хатли Мирзо Абдулқолир Бедилнинг девони ўқитилур эди. Бундан кейин «Девони Навоий Мавлоно Алишер ўқилур эди. Хат машқ этиш 14 ёшлардан «Чор китоб», «Мантиқ-ут - тайр», Бедил ўқиш ила бўлиб, соат 12 дан кейин хат машқи бошланар эди» (Пўлатжон домулло. Қўқон, 1961 йил).

Мазкур маълумотдан кўринадикки, айрим ҳудудларда хатто бошланғич мактабларда ҳам адабиёт намуналарини ўрганиш масаласига алоҳида эътибор берилган ва ўқув дастурига киритилган.

Отахон ёзувчи Саид Аҳмад Ғафур Ғулом ҳақида ҳикоялардан иборат «Назм чорраҳасида» китобида (Тошкент, 1993, 32-33 бетлар) «Ғафур ака Ўзбекистондаги бедилхонларнинг энг зўри ҳисобланади. У Бедил шеърларини ёд айтар, форс тилининг ажиб бир гўзал оҳанглари нозик ўқирди» дея хотирлайди. Сўфи Оллоҳёр эса бутун умр исломий маърифатни тарғиб қилган ва шу соҳада самарали ижод қилган. У Аҳмад Яссавий, Бобораҳим

Машраб сингари дунёқарашга эга бўлиб, тасаввуф таълимотини ўзбекона содда усул билан ифодалашга эришган. Халқ орасида ислом ақидалари, тасаввуф таълимотига доир «Маслак ул-муттақин», «Сирож ул-ожизин», «Сабот-ул-ожизин», «Мурод ул-орифин» сингари асарлари билан шуҳрат қозонган. Бу асарларида шоир фалсафий фикрларини панд-насихат тарзида баён этади. Шунинг учун эски мактаб ва айрим мадрасаларда шоир ижодидан намуналар ўрганилган ва диний-таълимий, диний-ахлоқий жихатдан тарбиялашда асосий манба ҳисобланган. Сўфи Оллоҳёр ижоди, хусусан, XVII асрлардан кейинги даврда халқ орасида кароматгўй авлиё сифатида шуҳрат топади.

Шеърят қонунлари, унинг сир-асрорларидан хабардор бўлиш, турли шоирларнинг асарларини мутоалаа қила билиш азалдан зиёлилик, маънавий баркамоллик белгиси ҳисобланган. Хос амалдорлар, зиёли кишилар, адабиётни билиш, нодир намуналарни ёд олиш ва улардан мажлис ва давра мулоқотларда суҳбатни безашда фойдаланиш, шунингдек, ҳикматли сўзлар, кўпчилик оғзига тушган мисраларни тинглаш мажлис аҳлининг эътиборини тортган.

Бу ҳол тасодифий ҳол бўлмай, балки мумтоз шеърятнинг кўп маънолилиги ҳақида халқ орасида турли ривоятларнинг яратилишига асос бўлган. Масалан, бедилхонлик давраларининг бирида бир шеърят мухлиси Бедил қаламига мансуб бир мисранинг 99 та маъносини шарҳлаб берган. Табиийки, мажлис аҳли бу донишманд мухлиснинг маҳоратига қойил қолишган. Аммо жамоани лол қолдирган 99 та маъно мисранинг асл мазмуни ҳисобланмаган. Мухлиснинг кечаси тушига Бедил кириб, унинг юзинчи, яъни асл маъносини айтиб берган экан. Бу ривоятдан кўринадики, шоир шеърятининг асл маъноси муаллифнинг ўзида бўлади. Шоирга яқинлашиш, унинг мисраларида яширинган ботиний ва зоҳирий маънони англаш учун мухлисдан жуда катта мушоҳада ва илм талаб қилинади. Мадраса илми ва унинг ўқитиши усуллари айнан шу жихатларни инобатга олиб иш кўрган. Чунки, Шарқ шеъряти услуби ўта мураккаб бўлиб, уларни тушуниш, қават-қават тимсолу ташбеҳларга ўралган фикрларнинг маъзини чақиш учун алоҳида бадий-назарий тайёргарлик талаб қилинади. Теран фалсафий

фикрларни юксак бадий усулда талқин этиш эҳтиёжи ижодкор услубининг мураккаблигига, тилининг мураккаблигига сабаб бўлади. Чунки, шоирлар ижодидаги пишиқ мантиқ мураккаблиги билан бир қаторда, сирли дунёнинг сирларини идрок қилиш, олам ажойиботларини англашни ўргатади ва кўмак беради. Муҳими, мадраса мударрислари айнан шу ҳақиқатни талабага етказишга ҳаракат қилганлар ва талабанинг қандай талқин қилишидан қатъий назар, уларнинг фикрини билишга, матндаги ҳақиқий маънони топгунга қадар қайта-қайта ўқишни, изланишни талаб қилганлар. Чунки, мумтоз шеърятда изох, шарҳдан иборат ташбеҳ мулоҳазалар берилмайди. Насрда айтилмоқчи фикр йигирма-ўттиз сўз билан ифодаланса, шеърятда эса ўша фикр мажозий шаклда истиора ва бадий санъатнинг бошқа шаклларида ўн-ўн икки сўз билан ифодаланади. Шунинг учун ҳам айнан ана шу қисқа кўринишдаги шеърят, санъат турларининг бошқа кўринишларининг шаклланишига асос бўлган. Бу ҳол айниқса, мусиқа санъатида кўзга яққол ташланади. Мусиканинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатлари билан шуғулланган бастакорларнинг, шинавандаларнинг эътиборини нодир шеърӣ матнлар ўзига жалб эта бошлайди. Таниқли бастакор О.Матёкубов ўзининг «Мақомот» рисоласида (Тошкент, 2004, 238 бет) «Ҳофизлар, созандалар ҳам асосан форсий шоирлардан Абдулқодир Бедил, Ҳофиз Шерозӣ ғазалларидан фойдаланганлар. Шашмақом матни ёзилган баёзларда ҳам энг кўп Бедил ғазаллари учрайди» дея юқоридаги фикримизни тасдиқлайди, «Шашмақом» («Олти мақом») маъносини ифодалайди. Бу нодир ва бебаҳо санъат намунаси буюк санъаткорларнинг меҳнати самараси бўлиб, манбаларда айтилишича, икки асосий қисмга бўлинган. Биринчи қисм чолғу бўлими, иккинчи қисми эса ашула бўлими саналган. Шашмақомнинг ашула бўлими хусусан, аруз вазнида яратилган ғазал матнлари асосида ижро этилган. Табиийки, мусиқа ва шеърятнинг вобасталиги шоирларнинг номини, улар яратган ғазалларнинг оммалашиб, халқ орасида тарқалишини мухлисларнинг эътиборини тортишда муҳим омил бўлганлигини кўрсатади.

«Бадий адабиёт билан мусиқа санъати ўртасидаги алоқа янада қадимийроқ ва чуқурроқдир. Мусиқа адабиётга оҳанг

беради, куйлар бахш этади, шеърнинг оҳангдорлигини таъминлайди, унинг таъсирчанлигини кучайтириб, инсон руҳини қамраб олишга кўмаклашади».<sup>1</sup>

Бир сўз билан айтганда, мадрасалар таълимида адабиёт фани асосларининг ўрганилиши ҳар бир миллатнинг ҳаёти, тақдири, обрўси ва эътибори билан боғлиқ ҳодиса бўлиб, унинг тарғиботида таълим тизими тарихининг хизмати беқиёсдир. Маҳмудхўжа Бехбудий таъбири билан айтганда: «...мактаб ва мадрасалар миллат ойнаси» бўлиши билан бир қаторда инсониятнинг маънавий оламини бойитишда муҳим таълимий маскан вазифасини бажариб келган, шу сабабли, ҳар бир миллатнинг ҳаёти мактаб ва мадрасалар билан боғлиқдир. Мактаб ва мадрасалари обод, илмий салоҳияти юксак бўлган миллат ўзининг қомусий олимлари, шоирлари изидан бориб ўзини ҳимоя қилиш хусусиятига эга бўлади.

---

<sup>1</sup> В.Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. Дарслик. –Тошкент: «Ўқитувчи» 1980, 15-бет.

## УЧИНЧИ ФАСЛ

### МАДРАСАЛАРДА ШАРҲЛАБ ЎҚИШ УСУЛИ ТАРИХИ

Илмий шарҳ усулининг илк намуналарини ислом динининг муқаддас китоби «Қуръони карим» оятларини, суръаларини ўрганиш йўлларида кўрамиз. Маълумки, Қуръон араб тилида битилган бўлиб, араб бўлмаган (ажам) халқларининг ислом динини қабул қилиши натижасида исломий ақидаларни, қарашларни сингдирилишида муқаддас китоб ва ҳадиси шарифларнинг уйғун ҳолда ўрганилиши катта аҳамиятга эга эди. Ислом динини қабул қилган халқларнинг муқаддас ёзма ёдгорлигини ўқиш ва ўрганиш осон ҳодиса эмаслиги маълум эди. Дастлаб бу вазифани муфассирлар амалга оширганлар. Дин илмидан яхши хабардор уламолар, муфассирлар жуда камчилиқни ташкил этган бўлиб, улар асосан пайғамбарлар ёки пайғамбарлар авлодларидан бўлган.

Улар илми шарҳ, илми бадиа, илми фасоҳат, илми ғарибадан хабардор бўлиб, бундай кишиларни тафсирчи, муфассирлар, таъвилчилар, шорихлар деб атаганлар. Кейинчалик бу вазифа мактаб ва мадраса мударрисларининг зиммасига юклатилган.

Дастлабки савод мактаблари мачитларда, хусусий хонадонларда, далоийхоналарда, қорихоналарда очила бошлади. Болалар араб алифбосини ўзлаштирганларидан сўнг, биринчи диний қўлланма «Ҳафтияк» ни ўқиганлар ва ёд олганлар. «Ҳафтияк» форс-тожик тилидан олинган сўз бўлиб, «еттидан бири» деган маънони англатади. Унда Қуръондан олинган айрим кичик суръалар жамланиб, 13-14 суръани ўз ичига олади. Бу қўлланма бир-икки йил ўқитилган.

«Ҳафтияк» дан сўнг «Қуръон» ўқитилган, мадраса ва мадрасай олияларнинг ўқув дастурига асосий фан сифатида киритилган. Бу илмларни ўрганиш учун эса илми шарҳ ва тафсир қилиш, қироат билан ўқиш, илми иншо каби ўқитиш усуллари ҳам уйғунликда қўшиб олиб борилган. Шунингдек, ўқитиладиган исломшуносликка оид асарлар, хусусан, “Қуръон” шарҳи муқаддас китобнинг ўзидан келиб чиқилган ва талабалар ҳам шу ақидага амал қилганлар.

Диний илмларнинг таълим дастурига асосий фан сифатида киритилишидан асосий мақсад, ислом дини, унинг асосий қонун-қоидаларини ислом динини кейинчалик қабул қилган миллат вакилларига чуқурроқ сингдиришга қаратилган. Шунингдек, диний эътиқодларини мустаҳкамлаш, диний маънавиятини бойитиш, илмий тафаккурини кўтаришдан иборат бўлган.

Қуръонни шарҳлашга мўлжалланган усул кейинчалик Шарқ адабиётида кашфиёт яратган алломалардан Яссавий, Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозий, Фирдавсий, Фузулий, Алишер Навоий, Мирзо Бедил, Машраб ва бошқа шоирларнинг мумтоз меросини ўрганишда ҳам кенг қўлланилган.

Маълумки, бу шоирлар ижоди қадимги турк ва форс-тожик шеъриятида эришилган ижодий ютуқлар заминида ривожланган. Улар яратган ҳар бир байт ўрнида қўлланилган, ҳар бир ибора – сўз устида жиддий ишлаганлар, уларга сайқал бериш, уни ўрнида қўллаш замирида бадий санъат намунаси яратилган. Энг муҳими, улар ижодида фикрий изчиллик мавжуд.

Шу боис, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Абдулқодир Бедилларнинг гўзал форсий шеърияти Эрон сарҳадларидан ошиб Хуросон, Мовароуннаҳрдан то Ҳинду Румгача етиб борди. Улар Шарқ шеърияти шухратини оламга танитган бўлса, шеърият улар номини ва шухратини оламга ёйди. Улар шоир бўлиш билан бирга сўз санъаткорлари ҳамдир. Истеъдод соҳиблари мумтоз шеъриятни мисли кўрилмаган гўзаллик, нафосат даражасига олиб чиқдилар. Мумтоз шеъриятнинг барча имкониятларидан, усулларида маҳорат билан фойдаландилар. Улар сўзга жон бағишладилар. Чунки шоир қўллаган жонли сўз ўқувчини кўз билан кўриш тушунган нарсаларни кўриш ва ҳис қилишга ундайди. Сўз таъсирида ҳис-туйғу, завқ-шавқ пайдо қилиш орқали уларга лаззат бахшида этади. Улар яратган шеъриятнинг умри боқий бўлиб, чинакам мўъжизадир. Айниқса, ҳақиқий жозоба ва сеҳр билан пайдо бўлган шеърият қалбларни қалбларга, тилларни тилларга боғлайди, зукко мухлисини ўз изидан эргаштиради. Энг муҳими, шоир ўз кайфиятидаги хазинликни, ўйчанликни мухлисига ҳам сингдира боради. Алишер Навоий шеърият оламини ажойиб бир бўстонга қиёс қилади. Бўстонда очилган турфа хил гулларнинг гўзаллигини, ифोरини кўриш ва сезиш учун эса, гулзорга кирмоқ ва гуллардан



термоқ лозим. Чунки, “Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп”. Шоир айтган гул ва чаман бу гўзал шеъриятдир.

Бунинг учун сўз сеҳрини англамоқ, уни тушунмоқ, илми шарҳ йўли билан мағзини чақмоқ муҳим воситалардан биридир. Сўз санъатининг, айникса, бадий сўзнинг қудрати бекиёсдир. Инсон нутқиға файз бериб турувчи сўз бадий адабиётда янада таъсирчан тусда намоён бўлади. Унинг гўзаллиги янада таъсирчанлик кучини оширади. Ана шу сўз бойлигини тушуниб англаш, унинг гўзаллигини ҳис қилиш ҳар бир шеърият мухлисининг эътиборини тортади.

Таниқли адабиёишунос олим Натан Маллаев «Бадий сўз санъати ёзув ва ёзма адабиётдан кўп замонлар илгари оғзаки ижод шаклида пайдо бўлади, ҳамда ёзма адабиётнинг вужудга келишига замин ҳозирлайди. У оғиздан оғизга, авлоддан авлодга, даврдан даврга ўтади», деган эди. Дарҳақиқат, сўз санъати асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб сайқал топган, гўзаллашган. Муайян халқнинг умумтараққиёт тарихиға боғлиқ ҳолда ривожланиб борган. Ҳар бир даврнинг ёш авлоди эса ота - боболари сўзлаган сўзлар оламида изохталаб ибораларға дуч келган. Мазкур сўзларни изохлаш, тушунтириб бериш ҳар-бир билимли кишининг зиммасида бўлган.

Шарҳлаб ўқиш тарихи, нутқ тарихи, тил тарихи, халқ оғзаки ижод тарихи демакдир. Чунки бадий сўз санъати, шу жумладан, шарҳлаб ўқиш санъати машғулотларда одатий тусға кира бошлади.

Бир сўз билан айтганда, шарҳлаб ўрганиш тарихи асрлардан асрларға ўтиб келмоқда. Шарҳ - асли арабча сўз бўлиб, очиш, баён қилиш, ошкор қилиш, чексиз каби маъноларни билдиради. Алишер Навоий асарлари луғатида эса, шарҳ – айламак, этмак – изохламоқ, кенгроқ изохламоқ тарзида баён этилган. Яна бир ўринда эса мақсуд – орзу – истак шарҳи, рубоийёт тафсилоти: Яна «Шарҳи рубоийёт» дур, ҳам бу истилоҳ ким, фано тарихида мосваллоҳ азосиға тўрт такбир урмоқ, анинг мутолаасидан муяссардир” Ҳамсатул – мутаҳаййирин”, XIY – 60:

- Айла-эт-қил – баён қилмоқ, тушунтирмоқ:

Ким неча водию манзилдур бу йўл,

Эмди мен шарҳ айлай-у сен воқиф ўл.

Лисонут-тайр, 150-161 .

Бир сўз билан айтганда, мактаб ва мадрасаларда болалар саводини чиқариш, уларда равон ўқий олиш кўникмасини шакллантиришда турли-туман жанрдаги бадий асарлар танлаб олинган. Айрим асарлар назмда бўлса, айримлари насрда ёзилган, жаҳон маданиятининг дурдоналари бўлган Шайх Саъдий Шерозийнинг «Бўстон» ва «Гулистон», Фаридидун Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» («Қуш тили») каби теран мазмунли, етук асарлари ўқитилган. Алишер Навоий «Мантиқ-ут-тайр» асарининг шарҳини ўқиганлигини, ундаги сўзларнинг ўта маънодорлигини қуйидагича таърифлайди:

**Топти секин-секин ул такрордин,  
Содда кўнглум баҳра ул гуфтордин.**

**Табъ ул сўзларга бўлғоч ошно,  
Қилмади майл ўзга сўзларга яно.**

**Завқ кўп хушҳол этар эрди мени,  
Шарҳи онинг лол этар эрди мени.**

Айниқса, дostonдаги еттинчи водий – Фано ҳақида: Шарҳини тиласанг, юз рисола бўлғусидир,-деб ёзган эди. «Шарҳ» - атамаси адабиётшуносликка доир тадқиқотларга яқин туришини ва тавсирга ўхшаб кетишини «тавсир» гарчи шарҳ билан маънодош бўлса-да, лекин кенгроқ мазмунни англатишини кўришимиз мумкин. Бундан кўринадик, сўзнинг илмий аҳамиятидан ташқари атроф-муҳитни билишда, маърифатли бўлишдаги аҳамияти ҳам катта экан. Сўз ва унинг бойлиги авлоддан-авлодга оғзаки ва ёзма тарзда ўтади. Натижада, янги авлод ота-боболаридан қолган сўз бойлиги давом эттирилади ва ўз даврининг ривожига хос бўлган сўзлар (атамалар) билан бойитиб борилади. Сўзлар маълум тартибга солиниши натижасида гўзал нутқ, ёзма нутқ каби шакллари вужудга келади. Сон-саноксиз сўзларнинг ҳаммаси инсон учун зарур бўлмай, балки моддий асосларигина амалда қўлланилади. Аслида сўз санъати ўта сермазмун бўлиб, бир сўз турли ҳолатларда, турлича маъноларни ифодалаши мумкин. Шу боис, сўз қатламидаги ранго-ранг

жилоларни билиш, уларни ўз асарларида маҳорат билан қўллаш маърифатли, ориф, илмли кишиларга хосдир. Алишер Навоий сўз сири-ю санъати, сўз сеҳри-ю салтанатини яхши билганлиги учун шундай ёзади:

**Сўз гуҳариға эрур онга шараф,  
Ким, бўла олмас анга гавҳар садаф.**

Демак, ҳар бир сўзга гавҳардан қутича қилиб сақланса, шунда ҳам унинг қийматига яраша иш қилинмаган бўлар экан. Адабиётшунос олим Султонмурод Олимов “Ҳар қандай асар матни имкон берган талқиннигина кўтаради” дейди. Бундан кўринадики, бир марта ўқилган матн шарҳи мукаммал бўлмай, балки бир неча марта матнга мурожаат қилиш, ундаги имкон берган талқинни топа билиш шарҳ этишининг муҳим воситасидир. Шунингдек, адабиётшуносликда айрим тескари таҳлиллар боис кўпдан-кўп чалкашликларга, шарҳларга ойдинлик киритилади.

Сўзнинг мазмунини мақсадли ва кенг миқёсда англаш, ижодкор айтмоқчи бўлган «яширин фикрни» матн остидан, матн ортидан ахтариш, унинг қон томирини топиш ҳар бир маърифатли кишининг мақсади бўлиб келган. Шунингдек, шарҳ китоб шарҳи – китоб матнига изоҳ бериш деб ҳам юритилади. Кўпинча танланган диний, тасаввуфий, мемуар асарларда матннинг мазмуни ва моҳиятини оммабоп тарзда очиб бериш учун шарҳ қўлланилади.

Шарҳ одатда муаллиф томонидан эмас, балки шарҳловчи томонидан тайёрланади ва маълум бир асар ёки матннинг келиб чиқиш тарихи, унинг муайян соҳага мансублиги, шу соҳага оид манбалар тарихидаги ўрни, матнда тилга олинган турли воқеалар, далиллар ва шахслар ҳақидаги маълумотлардан иборат бўлади. Шарҳловчи муаллиф ишора қилган баъзи воқеа ёки далиллар, у ошкора ёзишга журъат этолмаган ёки лозим топмаган нарсаларни талқин қилади, баъзи сўз ва ибораларнинг моҳиятини очиб беради. Мумтоз асарларга шарҳлар алоҳида китоб шаклида ҳам яратилиши мумкин. Масалан, Мирзо Улуғбекнинг Самарқанддаги мадрасасида таҳсил олган Шамсиддин Муҳаммад номига берилган санъат («шаҳодатнома») (1435 йил февраль) да, талабанинг Абулқосим Маҳмуд ибн Умар Замахшарийнинг «Қуръон» га ёзган шарҳини, «Ҳидоя», «Нихоя» шарҳини яхши

ўзлаштирганлиги ҳақида сўз боради. Ёки, Масъуд Тафтозонийнинг «Илмлар калити» асарига Қозизода Румий шарҳ ёзганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Бу асарга фақат Қозизода Румийгина мурожаат қилиб қолмай, балки кўплаб алломалар мурожаат қилганлиги, шарҳлар ёзганлиги эҳтимоли бор. Табиийки, бундай мураккаб асарларга шарҳлар ёзиш эҳтиёжи туғилишига сабаб, бу асарнинг оммалашиб кетиши, талабаларнинг ўзлаштиришларини енгиллатишдан иборат бўлган бўлса керак, чунки бу асар ҳар бир мадраса мударрисларининг эътиборини ҳамиша жалб қилиб келган. Айрим мадрасаларда дарслик – қўлланма сифатида фойдаланилган. Илму шарҳ услубини амалда қўллаш анча мураккаб жараён бўлиб, табиийки луғатларсиз амалга ошириб бўлмайди. Маълумки, мумтоз адабиёт намуналари, хусусан, истеъмолдан чиққан ёки ниҳоятда кам истеъмол қилинадиган, умумтуркий, араб ва форс-тожик сўзларини ўз сўз қатламига қамраб олган. Уларнинг маъносини билмай туриб матнни тушуниб бўлмайди.

Матн маъносини тушунишга бўлган қизиқиш қадимдан давом этиб келаётган эҳтиёждир. Бу эҳтиёж турли даврларда турли кўринишдаги луғатларнинг яратилишига сабаб бўлган. Луғат, хусусан, маълум маънода очқич-калит вазифасини ҳам ўтаган. Чунки луғат ҳар қандай мураккаб матнни содда, эски матнни янгилайдиган сеҳрли қудратга эгадир. Маълумки, жамият тарихи – сўз тарихи, сўз тарихи эса жамият тарихидир. Муайян давр сўзларининг сурати, сийрати ва синоатини ўзида мужассамлаштирувчи, албатта луғатлардир. Машҳур француз адиби Анатолий Франсининг “Луғат алифбо таркибидаги бутун оламдир” деган гапи бежиз айтилмаган. Ўзбек луғатшунослигининг тарихи XI – асрда яратилган. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону-луғотут турк» номли асарига бориб тақалади. Кейинчалик эса, турли даврларда, турли масалаларни ёритувчи луғатлар бирин-кетин яратила бошлаган. Айрим луғатлар ҳозирда Ҳ.Сулаймон номидаги қўлёзмалар институти фондида (45 та), шарқшунослик институти фондида, Самарқанд давлат университети кутубхонаси фондида сақланмоқда.

Жумладан, Маҳмуд Замахшарийнинг “Асос ул – болоға” асари ва тўрт тилли “Мукаддимат ул – адаб” луғати (XII аср), муаллифи номаълум “Аттухтуз-закияти фил” луғати (XIII аср),

Муҳаммад Ёқуб Чингийнинг “Келурнома”си (XVII аср), Муҳаммад Ризо Хоксорнинг “Мунтақаб ул-луғот”и (XVIII аср), Мирзо Маҳдийхоннинг “Санглоҳ”и (XVIII аср), Сулаймон Бухорийнинг “Луғати чигатойи ва турки усмоний” асари (XIX аср) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бу қўлёзма луғатлар таснифи хусусида сўз борар экан, уларнинг муаллифлари, тузилиши, ҳажми, луғат тузилишига сабаб бўлган омиллар<sup>1</sup>, ҳомийлар ҳақида маълумотлар илмий тадқиқот тўпламларида маълумот берилган.

Айниқса, XIII–XIV асрлар мобайнида туркча-арабча, туркча-форсча таржима луғатлари кўплаб тузилган. «Таржимони турки ва араби» (1245 йил), «Китобул идрак мелисанул атрак» (Абу Ҳайян), Алишер Навоийдан сўнг унинг асарларини изоҳлашга бағишланган турли луғатлар ёзилади. Тали Херавийнинг «Бадоиул луғати» (XV аср охири), «Абушқа» шартли номи билан танилган (XVI аср) луғати шулар жумласидандир.

Мавлоно шайх Илоҳдод Файзий ибн Асад ал-уламо Алишер Сириҳиндийнинг «Мадор ал-афозил» (1593 йил) луғати эса, арабча, форсча ва туркча сўзлар изоҳини ўз ичига олган. Энг муҳими, муаллиф форсий сўзларнинг маънолари тасдиғи сифатида Салмон, Саъдий, Хўжа Ҳофиз, Камол Исфаҳоний, Носир Шерозий, Мансур Шерозий, Устод каби юзлаб шоирлардан ёки муаллифи кўрсатилмаган асарлардан мисоллар келтиради<sup>2</sup>.

Шу боис олим, бу луғатни энг яхши қўлланма деб ҳам атайди. Тилга олинган луғатлар, уларнинг яратилиши тарихига назар солар эканмиз, араб, форс-тожик тилини чуқур ўрганишга бўлган эътибор кўзга яққол ташланади. Чунки, VIII-асрдан бошлаб араб тилининг нуфузи ошганлиги, диний-тасаввуфий асарларнинг шу тилда яратилиши, ёки форс-тожик тили расмий тил тарзида кенг қўлланилганлиги боис, бошқа тилларда сўзлашувчи, илм оловчи миллатлар учун луғатлар зарур эканлиги табиий ҳол эди. Тузилган луғатлар, хусусан, илмли, саводли кишилар учун, мадраса мударрислари ва талабалари учун энг зарурий қўлланма вазифасини ҳам бажарган. Чунки, луғатларсиз, уларда келтирилган изоҳларсиз матн сир-асрорини билиб бўлмаган.

---

<sup>1</sup>

<sup>2</sup>

XVII асрда яшаб ижод этган олим Муҳаммад Хусайний Бурҳон “Бурҳони қотеъ” луғатини яратган. Бу луғатда 20 мингдан ортиқ сўзларга тасниф-шарҳ берилган бўлиб, асосан вазндош, оҳангдош сўзларни ёнма-ён қўйиб тўғри ўқиш ва талаффуз қилиш қоидалари инобатга олинган бўлиб, қатъий исбот луғати деб ҳам номланади.<sup>1</sup>

Луғатлар орасида бадиий адабиёт соҳасида муҳим манба ва намуна сифатида эътироф этиладиган Муҳаммад Хоксорнинг “Мунтахабул-луғат” асарини олишимиз мумкин. Муаллиф бу асарда бошқа луғатлардан фарқли ўлароқ, ўзидан олдин яратилган луғатлардан кенг фойдаланган. Шунингдек, Тафтазоний, Хусайн Воиз асарларидан, Шарқда машҳур шоирларнинг шеърларидан намуналар келтирган.

Мунаққид Иброҳим Ҳаққулов сўзга таъриф берар экан, «сўз - калит, сўз - маҳак тош, сўз - истеъдод даражасини белгиловчи мезон ... Муҳаммад Фузулий девони дебочаси» да «илмсиз шеър асоси йўқ девор ўлур ва асоссиз девор ғоятда безътибор ўлур» дейди. Биз «асоси йўқ деворга ўхшаш «замонавий» шеърларни ўқийвериб, шеърни илм билан эмас, илмсизлик билан қабул айлаш ва ўрганишга одатланиб қолганмиз. Бу кўникма мумтоз шеъриятимизнинг завқ, руҳият ва санъат дунёсидан шу даражада йироқлаштирдик, охир оқибатда кўпчилигимиз у ёки бу шеърнинг мазмунини қуруқ чайнаш, йўқ сифат ва фазилатларни тўқиб, уни макташдан илгарилай олмайдиган бўлдик»<sup>2</sup> деб ёзади.

Мана шу ўринда мунаққид ҳақ гапни куюнчаклик билан айтган. Аслида ҳам матнни ўрганишдаги эътиборсизлик, бир ёқламалик, асрлар давомида яратилган мумтоз шеъриятимиздан, маънавий бойлигимиздан яшин тезлигида узоқлашиб бораётганлигимизни сезмай қолмоқдамиз. Асар мағзини ташкил этган сўзлар, ибора-ю ишоралар асосли, илмий қилиб шарҳланмас экан, асар муаллифи ўз ўқувчисига ички ҳис-туйғуларини, юрагини очиб кўрсатмайди. Мухлис сифатида ўз ортидан эргаштирмайди. Истеъдод соҳибларининг бизга мерос қолдирган бебаҳо асарлари, улар қўллаган сўзлари оламига қанча теранроқ кириб борсак, она тилимизнинг илоҳий жозибасини, яратувчанлик қувватини ортироқ ҳис қиламиз.

---

1

2

Келтирилган шарҳнинг таъриф-таснифини умумлаштирганимизда, 14 та маънони ифодалар экан. Бир қарашда, шарҳ аслида изоҳ талаб сўзларнинг баёнини бериш дея тушунилса-да, аслида шоир томонидан қўлланилган сўз бойлигининг манбасини намоён этади. Шунингдек, шоирлар араб, форс тилларидан олган сўзлари кўламини аниқлайди. Бир сўзни икки хил урғу билан ўқиганда, икки хил маънони ифодаланишини изоҳлайди. Шунингдек, бир сўз, бирикма, урғули сўз, гап, ибора, ишора, тарихий маълумот, талмех санъати шарҳлари, бадий санъатлар шарҳларини бериш орқали тил бойлигининг ранго-ранг жилоларини кўрсатади.

Шарҳлаш усули узоқ тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтган бўлиб, ҳар бир даврда ўз маҳсулининг самарадорлигини бериб келган. Энг муҳими, мустақил шарҳлаш кўникмаларини эгаллаган талабанинг сўз бойлигини оширишга ёки 60 минг сўз бойлиги билан йўғрилган алломаларнинг асарларини, йирик ижодини англаш имконини беради.

Аввало шунини айтиш керакки, мумтоз шеърининг шаклланиши ва оламшумул довуғ қозонишида Юсуф Хос Ҳожибдан тортиб Фурқатгача бўлган улкан сўз санъаткорларининг хизматлари бекиёсдир.

Алишер Навоий ғазал ёзиш услубини жуда юқори даражада эгаллаган шоир. У ғазални мисли кўрилмаган гўзаллик, нафосат, ички кечинмаларни намоён этувчи гулзор даражасига олиб чиқди. Бунинг учун унинг ўзи гўзал услубининг барча имкониятларидан маҳорат билан фойдаланди. Ғазалда фойдаланган сўзга жон бағишлади. Шоир қўллаган тирик сўзларни шарҳлаш шоирни англаш демакдир. Чунки, шоир сўз воситаси орқали ўзи билган ва тушунган нарсаларни, ўқувчи кўриши ва ҳис қилиши учун имкон яратади. Сўз таъсирида ҳис-туйғу, завқ-шавқ пайдо қилиш орқали уларга лаззат бахшида этади.

Мана шу ўринда Алишер Навоий асарлари луғатида келтирилган «кўз» сўзининг бир неча ифодаси таърифи шарҳини кўриб чиқайлик.

Биринчи ўринда кўзнинг ҳаммага маълум маъноси унинг инсон жисмининг бир бўлаги сифатида тушунилишидир.

Бу сўз мумтоз ғазалиётда кўз-чашм, (форсча), айнайн (икки кўз), басар, айн, айнун (арабча) шаклида ифодаланади ва бир неча хил маънони англатади: у бир ўринда қалб кўзи, ота-она, фарзанд (кўзимнинг оқу-қораси), севиқли ва бевафо маъшуқа, сайёд, айёр, фирибгар, дарё, чўлпон, денгиз, наргиз, чарос, хумор, жоду каби сифатларни ифодаласа, баъзи ўринларда чашми ашқбар (кўз ёш тўқувчи кўз), соҳибназар (чиройли кўз), чорчашм (кўзнинг тўрт бўлиши, яъни интизорлик), чашм закри, заҳми чашм (кўз тегиши) (форс тилида), сиришк (кўз ёши), садаф (кўз ёши) каби кўчма маъноларни ҳам ифодалайди. Ёки «гўзал» - қадимги туркий сўз бўлиб, «гўз» (кўз) ва «ол» дан тузилган. Араб тилидаги «айн» (кўпликда уюн) – эски ўзбек ёзувидаги «а» ҳарфининг номи бўлса-да, кўчма маънода «кўз» маъносини ифодалайди: «Бирраъси вал айн – бош ва кўз устига» (Гулханий «Зарбулмасал») ёки булоқ, чашма маъносида ҳам ишлатилади. Масалан:

Хизрнинг айнаи ёшунмиш, кўкдин инмас ҳам Масих,  
Нетсун ул мўъжаз бу дам ёқути серобиндадур.  
(Алишер Навоий)

Ёки мумтоз шеърятда «кўз» тасвирини ташбеҳ қилиш, яъни бошқа бир борликқа ўхшатиш ҳоллари кўплаб учрайди. Мисолларга мурожаат қилайлик (узукнинг кўзи, ишнинг кўзи, қалб кўзи, деразининг кўзи).

Кўзларинг чўлпонга ўхшар, қоралиғда сочларинг,  
Оразинг ойдин мунаввар, осмондир қошларинг.  
(Муқимий)

Ёки мумтоз адабиётда «кўз» нинг тажнис ёки мутародиф, ийҳом (маъноси ҳар хил, ёзилиши бир хил) ли шакллари ҳам кўплаб учрайди. Бу ҳол тимсолни таъсирчан этиб тасвирлашда ишлатилади:

Боқар охудайин ҳар ён ўшал икки қаро кўзлар,  
Ҳаданги ҳамзасин отмоқ учун гўё қаро кўзлар.  
(Атойи)



Биринчи мисрадаги «қора кўз» - инсон жисми сифатида таърифланса, иккинчи мисрадаги «қора кўз» - нишонга олинган ҳамсухбатини назарда тутди, яъни кўчма маънода қўлланилган.

Баъзан шоир икки хил маъно ташувчи сўз ёки сўзлар бирикмасидан фойдаланар экан, байтнинг зоҳирий ва ҳақиқий (шоир назарда тутган) маъносини ифодаловчи мисралар майдонга келади. Масалан, Бобурнинг қуйидаги байтини олиб кўрайлик:

Хублардан кўз кўриб қон қилди Бобур бағрини,  
Эмди кўздин қон тўкармен, ким будур анга қасос.

Шоир қўллаган «кўздан қон тўкармен» бирикмаси икки маънони ифодалайди. Аниқ маъно «Гўзалларни кўз кўриб, Бобур бағрини қон қилди (кўзим туфайли бағрим қон бўлди), энди кўзимдан қон ёш тўкаяпман, бу унга (кўзга) қасосдир» - тарзидадир, лекин бу ҳолда «бу унга қасосдир» ифодаси мантиқан мос келмайди, зеро, бағирдан чиққан қон кўздан олинган қасос деб билиш жудаям тўғри бўлмайди. Дарҳақиқат, байтнинг иккинчи маъноси яширин ифодаланган. Иккинчи мисрани «кўзимнинг қонини тўкаяпман (кўздан оқаётган қон бағридан чиқаётгани йўқ, балки ошиқ ўз бағрини қон қилган кўздан қасос олиб, унинг қонини тўкапти, яраланган кўзнинг қони тўкилаяпти)», деган маънони англасак, мантиқ тикланади. Демак, Бобур «кўздан қон тўкармен» ифодасини, асосан, иккинчи маънода қўллаган бўлиб, биринчи хил ифода сохтадир<sup>1</sup>.

- Оҳу кўз, икки фаттон кўзларининг
- Оразинг эрур жаннат, чашм хуру гулмонинг
- Кўзинга ўхшағай, наргис, агар қиймоч ўлуб оқи
- Сочи ялдо, кўзи чўлпон, ғамзаси соҳибқирон
- Эй юзи қамар, кўзи қирон, қоши ҳилолим
- лоладек юзунг хаёлидин тўла қондур кўзум
- балки лола жомидек, қон ичра пинҳондир кўзим
- кўзимнинг ёшидур юз қатрау ҳар қатра дурдона. Кўзунг наргис, яноғинг арғувондур
- асири чашминг оҳуйи биёбон ўлди бир менму?
- Ёки, шоирларнинг «ширу-шакар»
- Муламмаъ

– икки ёки ундан ортиқ тилдан фойдаланганлигини кўришимиз мумкин:

Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина,  
Қатлим учун «нас» келтурур «нун» элтибон «сод» устина.

Огаҳий ўзининг «Устина» радифли ғазалида кўзнинг форс тилидаги номини келтиради. Ғазалнинг матлаъида маъшуканинг қоши кўзлари араб ёзувидаги «нун», «сод» харфлари, ҳамда «нас» сўзи воситасида ҳарфий санъат яратиш йўли билан тасвирлайди. Ёки, Машрабнинг ўтли сатрларида «кўз» тасвири турли хил бадиий санъатлар шаклида қўллаганлигини кўрамиз: Масалан:

Кўзинг жон олғали қотил, сўзинг жон бергали мойил.

Шоир ўзининг «Машрабман» радифли ғазалида санамнинг ишқида овора бўлган ҳолати ҳақида:

Кўзи ёшлиғ, қади ғамлиғ, дили садпора Машрабман, дейди.

Ёки, яна бир ғазалида кўз билан боғлиқ чиройли муболағани маҳорат билан ишлатади:

Ваҳ, муҳаббат кўйида қон йиғладим,  
Етти иқлим ғарқ бўлди ёшима.  
(яъни кўз)

Эйки, маҳрам бўлмасанг, чашми торимни кавлама.

Зебо санамим гул юзидин парда кўтарди,  
Олам ҳама кўз бўлди томошо қилайин деб.

Юзу истиғно била келгил, мени ҳолимни сўр,  
Термулуб доим йўлингда чашми гирёним менинг.

Шоир «кўз» тасвирини юксак бадиий маҳорат билан қўллайди ва турли ҳолатларда намоён этади. Бир қарашда шоир кўзни жўшқин, порлаб турганлигини ифодаласа, яна бир ўринда,

лирик қаҳрамоннинг нозик руҳий ҳолатини, ички ҳиссиётларини, қалб дардларини, изтиробларини ифодалашда асосий деталь, восита сифатида ишлатади.

Бобур эса ўзининг гўзал рубоийларида “кўз” рамзи орқали гўзал ташбеҳни қўллайди:

Ул хатки, анда сени мен ёд этгаймен,  
Кўз оқида кошки, савод этганмен,  
Киприклардан анча қалам рост қилиб,  
Кўз қаросидин анча мидод этгаймен.

Шоир кўз оқидан қоғоз сифатида фойдаланиб мактуб ёзишни, маъшуқасини ёд этажагини айтади. Киприклардан қалам ясаб, кўз қорасидан сиёҳ сифатида фойдаланишини айтади.

Мумтоз шеърятда бундай мисолларни деярли барча шоирлар ижодидан келтириш мумкин. Ёки, Навоий асарларида ақл билан боғлиқ шундай ибораларни учратамиз:

Ақл аҳли – ҳушёр онг эгалари, аҳли маъни;  
Ақл восвоси – ақл васвасаси, мафтунлик, ақл тўлкини;  
Ақл деҳқони – онгли тушунча, мулоҳазали, тажрибали,  
онгли киши;

Ақл куйи – ақл идрок йўли;  
Ақл мезони – онг, ақл ўлчови, тарозиси;  
Ақл муҳандислари – донишмандлар, олимлар, билимдонлар;  
Ақл олдида – онгли тушуниш бўйича, ақлан;  
Ақл пири – тафаккур устози – фаросатли кишилар;  
Ақл саррофи – ақл заргари, ақл баҳоловчиси;  
Ақл уйи – мия, фикру хаёл;  
Ақл хирмони – ақл мужассамлиги;  
Ақл чири – ақл кучи, ақл қуввати;  
Ақл эшиги – ақл йўли, онгли йўл;  
Ақл ўти – зехн ўткирлиги, ҳушёрлик;  
Ақл ҳуши – бунга изоҳ ҳожат эмас;  
Ақл ҳисоби – онг доираси, чегараси;  
Ақлдин бегона – телба;

Ақли жавоҳиршунос – етук, комил ва сўзнинг яширин сирларини яхши тушунувчи нозиктаъб кишиларнинг идроклиси;

Ақли зайил – ақли кетган киши;  
Ақли зулмоний – хира ақл, ўтмас зехн;

Ақли кулл – энг етук ақл;  
 Ақли маслаҳатбин – маслаҳат кўрсатувчи, тўғри йўл ва  
 тўғри фикрга йўлловчи;  
 Ақли мушарраф – соф, шарафли ақл;  
 Ақли мустақим – иккиланмайдиган, тўғри ақл эгаси, қатъий  
 фикрли одам;  
 Ақли мусоҳиб – фаҳм-фаросатли киши;  
 Ақли оз – ақлдан адашмоқ;  
 Ақли салоҳ – тўғри, соғлом фикр;  
 Хирадманд – ақлли, доно одам;  
 Ақли саркаш – итоатсиз, ўжар, қайсар, бўйин товловчи ақл;  
 Ақли ситамкора – жабр-зулм қилувчи, жафо етказувчи;  
 Хирад – ақлнинг бошқа номи, хират – сарманзили, ақл  
 манзили, ақл кўчаси;  
 Ақлу фаҳми хурдадон – нозик ақл фаҳм;  
 Ақли худбин – фақат ўзини ўйловчи шахс;  
 Ақли хурдабин – ўткир, сезгир, нозик ақл.

Инсон ақли билан боғлиқ бўлган ташбеҳларни, сифатларни,  
 хислатларни Алишер Навоий асарларида кўплаб учратиш  
 мумкин. Юқорида келтирилган «ақл» сўзининг 27 хил  
 даражасини, сифатини шоир 27 ўринда маҳорат билан қўллаган.  
 Ҳар бир инсонда мавжуд бўлган ақлнинг турли хил  
 даражаларини Алишар Навоий ҳаётда учратганлиги боис, ҳар бир  
 ақл эгасига алоҳида сифат беришга уринган ва кўплаб мисоллар  
 келтирган. Ялпи олганда, ақл эгаларини икки сифатли деб  
 ҳисоблаймиз. Биринчиси – некбин ақл эгалари, иккинчиси –  
 худбин ақл эгалари. Некбин ақл эгаларидаги ақл инсониятга  
 эзгулик келтиради, худбин ақл эгаларидаги ақл фақат унинг ўзига  
 наф келтириш пайида бўлади<sup>1</sup>.

Алишер Навоий инсондаги «ақл» билан боғлиқ хислатни бир  
 неча кўринишда ифодалар экан, шоир атрофини ўраб турган  
 кишиларга ўз шахсий муносабатини билдиради. Шоир ғазалиётида  
 бу сўз жуда кўп учрайди. Агар атрофлича шарҳланса, ҳар бири  
 шоир шахсиятини, фалсафий қарашларини, ҳаётида содир бўлган  
 воқеа-ҳодисаларни, руҳий кечинмаларини, диний эътиқодини,

энг муҳими, таълимий-ахлоқий қарашларини тасаввур этиш имконини беради.

Алишер Навоий бу сўз орқали қаламга олган ҳар бир инсон шахсига хос бўлган ифодани танлайди. Яъни инсоннинг ташқи кўринишини идрок этибгина қолмай, балки кўзга кўринмас ички оламини «ақл» сўзи орқали ўлчайди. Чунки, инсон фазлу камолининг ўлчови ақл билан ўлчанади. Шунинг учун шоир қаҳрамонларини юқоридаги ўлчовда икки асосий гуруҳга бўлади. Булар: 1) жамиятдаги умумий гуруҳга хос бўлган тимсоллар; 2) аниқ таассурот уйғотадиган тимсоллар. «Ақл» тушунчаси ҳар бир давр, ҳар бир авлод учун зарурий эҳтиёждир. Алишер Навоийнинг ғазалидаги тушунча шарҳланганда, ўқувчи кўзи олдида бугунги кун нуқтаи назари ҳам намоён бўлади. Шоир гўё ғазални кечагина ёзгандай, ҳаёт муаммоларига жавоб бергандай туюлади. Аслида эса, шоир вафотига беш аср кечган бўлса-да, унинг асарлари ҳамон қимматини йўқотмай, ўзининг халқчиллиги билан бугунги кун ўқувчисини ҳам ром эта олади.

Масалан, Алишер Навоийнинг «Жон баса қилдим фидо...» номли китъасида асосан, бадий ўхшатишлар билан таърифланган маъшуқага ошиқнинг ишқи баён этилган. Ошиқ маъшуқанинг хизматида пайдо бўлса, у гўё умрида кўрмагандай тутаяди:

Ҳар нафаским хизматидан ғойиб бўлдум ўйла бил,  
Ким мени умрида ул бадмехр кўрмайдур магар.

Маъшуқасининг нега шундай қилганлигининг сабабини билмоқ истайди. Ўзича мулоҳазаларга берилади:

Ўз-ўзум бирла дер эрдимким недин бу навъ экан ...

«Мана шунда ақл ёрдамга келиб, уни бу сирдан огоҳ этади. Ақлнинг айтишича, мазкур ҳодисада нозик рамз бор:

Айлабон огоҳ хирад (ақл) деди манга, эй беҳабар,  
Мунда рамзедур дақиқ, аммо қилай равшан сенга.

Ақлнинг баёнича, «ул сиймбар» - оқ баданли гўзал латофатда софлик кўзгусидир:

Англаким то кўзгунинг олдида сен, кўнглуда сен,  
Чунки бординг оллидин, йўқ кўнглида сендин асар.

Бу мисраларни ўқиб, «Кўздин йироқ, кўнгилдан йироқ» деган доно ўғитни ҳам ана шу ақл айтганига беихтиёр инонгинг келади»<sup>1</sup>.

Алишер Навоий мана шу ўринда Хирад – ақлни алоҳида бир тимсол даражасига олиб чиққан ва донишманд бир киши сифатида доно ўғит билан муаммони ҳал қилади. Ақл билан боғлиқ сўзларнинг шарҳи шоир айтмоқчи бўлган фикрни ойдинлаштиради, ўқувчи кўзи олдида ақл соҳиби гўзал тарзда намоён бўлади. Ақл кишиларига мансуб бўлмоқ учун жуда кўп комил инсонга хос бўлган фазилатларга эга бўлмоқликни талаб этишини англайди.

«Аҳли маъни (ақл аҳли) гуруҳига мансуб бўлмоқ, - бу оқил ва доно, камтар ва олижаноб, ҳақиқатсевар ва фидойи бўлмоқ деганидир. Бундай фазилатларга эга зотларнинг йиғини тафаккур базмига ўхшайди. Чунки, унда Ақл – оддий сўз ва тушунчалардан эмас. Диёнат, Адолат, Инсоф, Имон, Ишқ, Дард туҳфаларидан баҳра олади»<sup>1</sup>.

Аниқ таассурот уйғотадиган тимсоллар эса, Алишер Навоий шахсияти билан боғлиқдир. У яратган тимсол ортида лирик қаҳрамон сифатида ўзи намоён бўлади ва ақл тилидан сўзлайди:

Кишига неча келса мушкул ҳол,  
Ҳикмату ақл анга эрур ҳалол.

Шоир ақлли билан нодонликни ҳамиша қиёслашга ҳаракат қилади. Нодонликнинг, ақлсизликнинг оқибатларини ҳаётий мисоллар билан очиб беради.

Сукроти Ҳаким: «Ахмоқ киши сукут ила ахмоқлигини ёпса, ўртача оқимлардан ҳисобланур эди. Лекин ахмоқлик ила сукут иккиси бир одамда жам келмас» - деган экан. Алишер Навоий ҳам кўп жойларда нодонни эшакка нисбат беради:

Агар нодон мақалсиз ҳарзаким айтур, дали айтур,  
Қулоққа ёқмаса, маънига танбеҳ айламак бўлмас.

---

1

1

Эшак савти коломуллода келди анкарул асвот,  
Онинг савтиға тақрибу тахошу истамак бўлмас.

Бу китъада, эшак савти (овози) «Қуръон» оятларидан бирида анкарул асвот – энг ёқимсиз овоз деб айтилган. У бутун нохушлиги билан ўзгармас. Ундан хуш ва ёқимли садо истаб бўлмаганидек, нодонларнинг ўринсиз валдирашларини маъно ва мантиқ изига солишнинг ҳам иложи йўқ, дея изоҳлайди.

Ақл – донолик, ахлоқ – нодонлик билан боғлиқ қиёсий хислатлар хусусида ўзбек адабиёти тарихи манбаларидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Муҳими, шарҳлаш усули юқорида келтирилган мисолда ижодкор руҳида кечган қарашни, ҳолатни қайта жонлантиради. Биз, мумтоз адабиёт матнларида учрайдиган «кўз» ва «ақл» каби сўзларнинг шарҳига қисқа бўлса-да назар ташладик. Назаримизда, бу қилинган шарҳ ҳам тугал шаклда деб бўлмайди. Чунки, бу сўзларнинг биз билмаган жиҳатлари борлигига ҳеч шубҳа қилиб бўлмайди. Сўз қатига чуқур кириш имкони чекланганлигини ҳам ҳис қилиш мумкин. Инсоният илми урф олишни бошлаган пайтлардан буён илми шарҳ у ёки бу шаклда амалда қўлланиб келинган. Энг муҳими, ўқитиш усуллари тарихида синовдан ўтиб, вақт ўтиши билан сайқалланган.

Мадраса, мадрасаи олия толиби илмлари бизнинг тасаввуримизда бир ғазал матнидаги барча сўз, ибора, сўз бирикмасини, бир неча маъноларини аниқлаш орқали шарҳлаганлар. Табиийки, сўз шарҳи фақат матн учун зарур бўлмай, балки талабанинг нотиклик санъатини кўтарган. Сўз захирасини бойитган фасоҳатли бўлишга эриштирган. Сўз тарихи замирида мавзуга алоқадор соҳадан ташқари бошқа илмларга таъъллуқли маълумотларга ҳам эга бўлганлар. Қомусий илм соҳибларининг илк қадамлари ҳам сўз орқали қўйилган бўлса, кейинчалик илм калити сирлари ҳам сўз орқали очила борган. Кейинчалик ўзлари ҳам сўз захирасининг бойишига ҳисса қўшганлар<sup>1</sup>. Мумтоз адабиётшунослигимизда фаннинг теран нуқталарини, ич-ичидаги маъниларини англаш илми ғариба деб юритилган.

---

1

Адабиётшунос олим Абдуғафур Расулов ўзининг «Илми ғарибани қўмсаб», рисоласида илми ғариба ҳақида шундай маълумотберади.

«Ғариб (ғариба) – ажойиб, таажжубланарли, хайрон қоладиган нарсa. Илми ғариба талқин фани билан бевосита боғлиқ... Ғариба илми мавжуд фанларни синчиклаб ўрганиш орқали кашфиёт даражасида хулоса чиқаришгача етиш, ажойибот нуқтаси қадар кўтарилишдир».<sup>2</sup>

Дарҳақиқат, мумтоз адабиётда, инсон боласини таажжубга соладиган, хайратлантирадиган ижод соҳиблари бор.

Бунга биз Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозийларнинг гўзал ғазалларини, Умар Ҳайёмнинг рубойиларини, Навоийнинг фалсафий адабий меросини, Машраб, Бедилнинг бетакрор байтларини ўқиганимизда амин бўламиз. Уларнинг ҳар бири талаба учун илм берувчи мактаб вазифасини бажарганлиги туфайли мадрасаларнинг ўқув дастурига киритилган. Асрлар оша авлоддан-авлодга етиб келган бу асарлар ҳамиша асил ҳолида ўрганилган ва уларни таҳрир қилишга, тузитишлар киритишга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмаган. Чунки мумтоз адабиётнинг мумтозлиги ҳам сўз, бирикма ва мисраларнинг турфа маъно товланишлари ва кўпманолилиги, ўқувчини фикр юритишга рағбатлантириши билан изоҳланади.

Илми ғариба ҳақида Хасан Хўжа Нисорийнинг «Музаккири аҳбоб» асарида ҳам маълумотлар келтирилади. У олимлар раҳнамоси Асомиддин Иброҳимнинг ғариба фанида иқтидори кучлилигини, иншо (хат) ёзганда кўп маъноларни мўъжаз ва лўнда қаламда баён этиб, сиқик ҳажм мазмунида катта ва кўп фикрларни англатганлигини айтади.

Зеро, юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, «Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданиятини ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади» – деган эдилар.

Ана шу нуқтаи назардан олганда, маънавиятнинг сарчашмаси бўлишида адабий меросимизни чуқур билиш, уни теран тушунишда илми шарҳ усулининг аҳамияти ва вазифаси каттадир.

---

<sup>2</sup> А.Расулов. Илми ғарибани қўмсаб... Тошкент, «Маънавият», 1998 йил, 5-бет.



Илми шарҳ усули, унинг матнни ўрганишдаги аҳамияти хусусидаги илмий мулоҳазалардан сўнг умумий услубий натижалар қуйидагича ифодаланди:

1. Танланган матннинг сарлавҳаси ёки радифининг шарҳи. Масалан:

а) Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари шарҳида муаллифнинг хотиротлари, эсдаликларидан ташкил топганлиги ҳақида маълумот бериш мумкин. Муаллифнинг ўзи «Вақойинома», яъни «Воқеалар кундалиги» деб атаган. Шоирнинг ўзи ҳам бу ҳақда шундай ёзади:

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,  
Олам элидин турфа ситамлар кўрдум.  
Ҳар ким бу «Вақойи» ни ўқур, билгайким,  
Не ранжу меҳнату не ғамлар кўрдум.

Бу асар бошқа манбаларда «Воқеоти Бобурий», «Тузуки Бобурий», «Таворихи Бобурий», «Бобурия», кейинчалик «Бобурнома» деб аталган.

б) Мумтоз шеъриятда сарлавҳа вазифасини қофия ва радиф бажаради. Хусусан, радиф – «изма-из келувчи» маънони ифодаловчи сўздир. Радиф қофиядан сўнг келиб айнан такрорланувчи сўз ёки сўзлар бирикмасини англатади.

Радифлар шеърда ифодаланаётган етакчи фикрни таъкидлаш, ўқувчи эътиборини асосий ғояга жалб этиб шоир ғоявий ниятини ўқувчи қалбига тўлароқ, чуқурроқ етказиш мақсадида хизмат қилади<sup>1</sup>. Жумладан, Бобурнинг:

**Ким кўрибдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ,  
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма андин яхшилиғ**  
ғазалида «яхшилиғ» радифи матлаъ ва ҳар қайси байт охирида такрорланар экан, ўқувчи диққатини яхшиликни улуғлаш ғоясига жалб қилиб боради ва сарлавҳа вазифасини бажаради.

2. Маълумки, шеърий матнлар асоси жонли сўз, ибора, имо-ишоралар сермаъно оҳанглардан иборат бўлади. Шунингдек, адабий матн ўзга тиллардан сўз олиш натижасида мураккаблашиб, ишора ва рамзлар кучайиб, маънони пардали

---

1

ифодалаш ҳоллари кўплаб учрайди. Сўз захираси оша борган сари матн маънолари кўп қаватлилиги, зичлиги вужудга келади. Бунинг учун матнни қунт билан ўқиш, унга сингиш, мисраларни ич-ичидан ёритиш орқали мумтоз меросни ўрганиш имконияти яратилади. Чунки, шоир дастлаб сўзларни танлайди, сўнг ўрни-ўрнига қўйиб чиқади ва беҳато ишлатади. Ўрнига қўйилган сўз ўз ўрнидагина матн маъносини келтириб чиқаради. Демак, тушунилиши қийин сўз ва иборалар шарҳи муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ҳол Бобур шеъриятида кўплаб учрайди. Шоир байтда бир ёки икки сўзни икки маънода қўллаш санъати бўлган илҳомга жуда бойдир. Шоир таржимаиҳоллик хусусияти сингдирилган ушбу рубоийнинг тўртинчи мисрасини қуйидагидек тўрт хил талқин қилиш мумкин. Бобурнинг ўзи қайси мисра маъносини назарда тутгани китобхонга жумбоқлигича қолади:

Ҳижронда, сабо, етти фалакка оҳим,  
Гар ул сари борсанг, будурур дилҳоҳим,  
Ким, арзи дуо ниёз ила қилғойин,

1. Гар сўрса мен хастани гулруҳ моҳим,
2. Гар сўрса мен хастани гулруҳ Моҳим,
3. Гар сўрса мен хастани Гулруҳ моҳим,
4. Гар сўрса мен хастани Гулруҳ Моҳим.

Маълумки, Бобур фарзандларининг оналари Гулруҳбегим ва Моҳим бегим эдилар. Шоир рубоийнинг сўнгги мисрасида уч мазмунни ўта маҳорат билан қўллайди.

3. Матнни ўқишда қироатига амал қилиш, урғу ва унинг кўчишига, вазнига, оҳангига, тўғри талаффузига эътибор бериш шарҳ усулининг ижобий чиқишига замин ҳозирлайди. Масалан, урғу кўчиши ёки нотўғри қўйилиши маънони ўзгартиради. Урғу сўзда ёки бир байтда (гапда) бўлади. Масалан, бўй, бўйин (ҳид, ҳидини), бўй (қад, қомат), бўйин – одам бўйни (форс-тожик), чилимнинг бўйни. Баъзан ҳис-ҳаяжон билан айтиладиган урғуда айрим унлиларни анча чўзиқ талаффуз қилиш орқали амалга оширилган. Эҳ, қандай гўзал!

Баъзи ҳолларда сўздаги талаффуз бир-бирига ўхшаш икки товушдан бири ўзгариб, фарқланиб қолади. Арузда ёзилган шеърини манбаларда бу ҳол кўзга ташланади. Масалан, анбар (амбар) анбор – қора, тим қора, хушбўй, қора (қаро) – сув, су-, ёмонлиғ – ямонлиғ,

Юқар яманлиғ ангаким – кирар ямон эл аро,  
Кўмур аро илик урғон қўлур ул илкин қаро.

Ёки, матндаги сўзларда қўлланилган қўшимчаларда ҳам товуш алмашуви учраб туради: -гил, -ғил, -қил, -кил; -гали, -ғали, -кали, -қали шаклида ёзилиб, г/к/қ товушларининг алмашувига сабаб бўлади. Айрим ҳолларда байтда бирор товуш, (ҳарф) нинг такрорланиш ҳоллари учрайди. Бу тавзиъ санъати деб юритилади.

4. Мумтоз адабиётда бадий тасвир ифодалилиги ва хушоҳанглиги «илми саноеъ» ёки «илми бадоеъ» деб юритилиб, мадрасаларда махсус фан сифатида ўтилган. Уларнинг турлари жуда кўп бўлиб (200дан ошади), матн шарҳида алоҳида аҳамиятга эгадир. Хусусан, матнда хушоҳанглик яратадиган, ифодалилиқни кучайтирадиган, товуш муштараклигини ёки уйқашлигини юзага чиқарадиган, сўз такрорига асосланган афзий санъатлар шарҳи муҳим эканлиги кўзга ташланади:

Буларга қофия, радиф, ҳожиб, таъдид, иштиқоқ, қайтариқ, тасбе, тасдир, илтифот, тарсеъ, нидо, сажъ каби сўз билан боғлиқ шарҳлар киради.

Масалан: тарсеъ – атамаси «зийнатлаш» деган маънони билдиради. Бу санъатни қўллаши лозим бўлган шоир, ниҳоятда сўз заргари бўлмоғи лозим. Чунки, оддий ғазалда қофиядош, оҳангдош сўзлар байтлар охирида берилади. Бу ҳолда шоир бир неча қофиядош, оҳангдош сўзлар билан кифояланади. Тарсеъ қўлланилган байтларда эса, остинма-устун турган сўзларнинг ҳаммаси ўзаро оҳангдош, қофиядош бўлмоғи лозим:

Жондин, сендин/ сени, сени/ кўп, кўп/ севарман, севарман/ эй, эй/ умри, умри/ азиз!, азиз!

Ёки, тарди акс яъни ғазалда ишлатилган сўзнинг ўринларини алмаштириб, такрорлашдан иборатдир. Тескари такрор баъзан матндаги маънони ўзгартириши мумкин:

Кўзинг не бало қаро бўлубтур,  
Ким жонга қаро бало бўлубтур.

Тескари такрор сўзнинг маъносини шарҳлаш орқали матннинг асл ғояси ойдинлашади.

5. Ҳарфий санъатлар, хусусан, китобат, истихроҷ, муаммо, мувашшах, тавзиъ, қалб каби кўринишлардан иборат<sup>1</sup>. Бу санъат турини шарҳлашда шоирларнинг бевосита араб ҳарфлари орқали бадиий санъат яратганлиги аниқланади.

Масалан:

Жон (ﻝ) нимдаги жим (ﻝ) икки долингға фидо,  
Ондин сўнг алиф (ا) тоза ниҳолингға фидо.  
Нун (ن) и доғи анбарин ҳилолингға фидо,  
Қолғон икки нуқта (.) икки ҳолингға фидо.

Алишер Навоий бу рубоийда «жон» сўзидаги «жим» ни маъшуканинг икки зулфига, «алиф» ни қаддига, «нун» ни қошига, «жим» билан « нун» даги икки нуқтани эса лаблари остидаги ва устидаги холларига қиёслайди.

Шоир бу санъат орқали, жонини жононга фидо қилишини ва ўзининг севгисини, садоқатини нимойиш қилган.

Муаммода эса, киши исми ёки жой номи яширинган бўлади. Бу санъат, хусусан, фард жанрида кенг қўлланилади.

Мувашшах ҳам муаммога ўхшаш бўлиб, мисра бошидаги биринчи ҳарфлар йиғиндисидан бирор сўз ёки исм чиқарилади.

Қалб санъати ҳам кам бўлса-да учраб турадиган санъат туридир. Бунда сўзни ўнг ва тескари ўқилганда ҳам маънога эга сўз келиб чиқади: хок – тупроқ, кох – муҳташам сарой каби маъноларни беради.

Санъатнинг бу турини шарҳлаш орқали ўн аср мобайнида ўзбек мумтоз адабиёти намуналари араб ёзувида яратилганлигини, шу боис шу ёзув ҳарфлари шаклига алоқадор ўхшатишлар яратилганлиги ҳақида огоҳ бўлиш имконини беради. Шунингдек, бу ёзув шаклини ўзгартириш орқали сўз ўзгартириш мумкин эканлигини кўрсатади.

6. Маълумки, деярли барча мумтоз шеърят аҳли ислом динига чин кўнгилдан ихлос қўйганлар ва ундан илҳомланиб ижод қилганлар. Улар ижоди Қуръони карим, пайғамбар ҳадислари, диний ҳикоятлар билан узвий боғлиқдир. Айрим ҳолларда пайғамбар ҳадисларини шеърӣ шаклда шарҳлаш ҳоллари учрайди. Масалан: Алишер Навоийнинг «Арбаин» идаги

Оналар оёғи остидадур,  
Равзаи жаннату жинои боғи.  
Равза боғин висолин истар эсанг,  
Бўл онанинг оёғи туфроғи

қитъасида Муҳаммад Расулуллоҳнинг «Ал жаннату таҳта ақдами уммақатикум», яъни «Жаннат оналар оёғи остидадур» деган ҳадиси шеърий шаклда шарҳланган.

Ёки, шоирлар Қуръон сураларидаги афсоналар, ҳикоятлар қаҳрамонларини пайғамбарлар, фаришталар номларига ишора қилиб талмиҳ яратганлар:

Сенга берсун илоҳи Нух умрин,  
Менга ҳам фурқатингда сабри Айюб.  
Бу ғам ким биздадур, бу хусн сизда,  
Сени Юсуф десунлар, бизни Якуб.

Атоий бу ўринда, яҳудий, ислом ва христиан динидаги узок умр кўрган афсонавий пайғамбар Айюб, жабр-зулмга сабр-тоқат рамзи сифатида шеърда тилга олинган Юсуф пайғамбарни шоирлар Хуршиди Канъон – Канъон қуёши ҳам деб аташган, гўзаллик тимсоли сифатида таърифлаган.

7. Тарихий шахслар изоҳи, хусусан, халқ тарихи билан боғлиқ бўлиб, лавҳаларга мурожаат қилиш, мумтоз шеъриятда айтилмоқчи бўлган фикрни далиллаш, исботлаш, таққослаш мақсадида иштибоқ тарзида ишлатилади. Воқеабанд ғазалларда эса, сана, йиллар келтирилмасдан тарихий шахс яшаган даври билан боғлиқлигига ишора тарзида ҳам келтирилган.

Жойи ислому мусулмонлиғ, Фароғий истама,

Пайтахти кишвари субҳонқулихондур бу мулк.

Субҳонқулихон тарихий шахс бўлиб, Турдининг замондоши Бухоро хонлигида ҳукмронлик қилган. Шоир унинг номини ўзининг шеърий мисраларида кўплаб келтиради ва ҳукмронлиги ҳақида маълумот беради. Шоир келтирган айрим маълумотлар унинг шахсини очиб берганлиги билан аҳамиятлидир.

8. Мумтоз шеърият матнларида муаллифлар рақамлар билан боғлиқ маълумотларни ҳам келтирганлар. Рақамлар исломий ақидаларни, афсона ва ривоятлар билан боғлиқ сирли-анъанавий

мавжудотларнинг миқдорини, матн тилсимини очувчи нуқталарда келтирадилар. Масалан:

Тўрт девон бирла назми панж ганж,  
Даст берди, чекмайин андуху ранж.

Навоий бу ерда тўрт девондан иборат «Хазойин ул-маъоний» («Чор девон») ва «Хамса» достонини тилга олган («Лисон ут-тайр» дан). Ёки, Навоийнинг мазкур ғазалида ҳам рақам келтирилган:

Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошиндадур,  
Не ажаб, чун сарвинозим ўн саккиз ёшиндадур.

Турди Фароғий эса, рақамларни ўтмишда туркий уруғларининг сонини ифодалаш мақсадида келтиради:

Қирқ юз минг ақраболар этдилар мандин нуфур,  
Не бало бахти қарову толеи шум Турдиман.  
Тор кўнгуллик беклар, манман деманг, кенглик қилинг,  
Тўқсон икки бўли ўзбек юртидур, тенглик қилинг.

Бундай мисоллар деярли барча шоирлар ижодида кўплаб келтирилади.

9. Маълумки, шоирлар ўз даврининг элчиси ва хабарчиси ҳамдир. Улар ўз мерослари орқали, ҳар бир даврнинг урф-одати, синфий табақаларнинг яшаш тарзи, нарс-буюм, кийим-кечакларнинг номланиши каби атамалардан хабардор қилиб келганлар. Масалан, кийим-кечак номининг келтирилишига қараб, шоирнинг қайси ижтимоий табақага мансублигини англаш мумкин. Масалан, Алишер Навоий, Бобур, Ҳусайн Бойқаро каби ижодкорларнинг адабий меросларида подшоҳлар, маликалар, шахзодалар, бекларнинг киядиган безакли, ҳашамдор махсус кийимлари тилга олинса, Машраб, Турди, Махмур, Муқимий каби шоирлар ижодида жуда оддий, дарвешона кийимлар номи учрайди. Бу ҳол жамият ҳаётида кийим турларини юзага келтирган турли ижтимоий омилларни англаб етишга замин ҳозирлайди. Масалан:

Гар Навоий аҳли мабхут ўлса, қилманг айбким,  
Ҳошия зарбафт этиб, деклай кияр дилбар бинафш.

Деклай – ранг-баранг, қимматбаҳо матодан ҳар хил нозик безаклар бериб тикилган, хушбичим аёлларнинг устки кийимидир. Бундан ташқари, Навоий эркакларнинг жун матодан тикилган узун уст кийимини «Қабо (а) ни гулгун қабо», «Зарин камар», «Гулнори тўн кийдим», «Тўнида ортиқ, ондин зебу зевар» каби сифатлар билан ифодалайди.

Машраб лирикасида эса, Навоийдан фарқли ўлароқ дарвешона либослар номи кўплаб учрайди:

Бир мартабада турмас эмиш шоҳ ила дарвеш,  
Бас жандани кийдим, ўзимни дарбадар этим.  
Хирқайи бечора киймоқликму роҳи баналик,  
Сўфини далқи риёсидин худо берсун паноҳ.

Шунингдек, Машраб кулоҳ – бош кийим, пирохан – кўйлак, устки кийим, хилъат – устки кийим номларини келтиради.

10. Географик жой номлари узоқ даврнинг маҳсули бўлиб, халқнинг яшаган ҳудуди ҳақида маълумот беради. Жой номлари асосан «Саёҳатнома» тарзида ёзилган асарларда учрайди. Бунга мисол қилиб Муқимий, Завқий каби шоирларнинг «Саёҳатнома» ларини олишимиз мумкин.

## ТҶҰРТИНЧИ ФАСЛ

### ИЛМИ ТАҲЛИЛ, ИЛМИ МУНОЗАРА УСУЛИ ТАРИХИ

Минг йиллар мобайнида яратилган мумтоз шеърят шу қадар сермазмун ва бадиий баркамолки, у бугунги кунда ҳам ўзининг сеҳрли жилосини сақлаб келмоқда.

Мумтоз шеърятнинг умрбоқийлигини таъминловчи омиллардан асосийси, инсониятнинг асрий – шарқона фалсафий ғоялари билан суғорилганлигидадир. Шу билан бирга, мантиқан изчил, пурҳикмат мазмун касб этганлиги билан ҳам авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Бу ўринда айниқса, ғазал жанри Шарқ адабиётида алоҳида ўрин тутди.

Ғазал – бу тугёнли ҳисларни, инсоннинг қалбида яшириниб ётган фикру туйғуларини, руҳий ҳолатини сўз дурлари орқали ифодалашни талаб қилади.

Ҳар бир шоир ўзи яшаган даврдан келиб чиқиб, унга сайқал берган, ўз ижоди, тафаккури билан бойитган. Узоқ тарихий жараёни босиб ўтган ғазал ҳар бир истеъдод соҳибини ўз синовидан ўтказган.

Шу боис, ҳар бир даврнинг шоири, ўз қиёфаси, овози, услуби билан мухлисларининг қалбидан жой олган, таъриф ва тавсифларига сазовор бўлганлар. Ана шундай шоирлар сирасига Саъдий Шерозий, Хофиз Шерозий, Атоий, Лутфий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Машраб, Бедил каби шоирлар киради. Уларнинг баркамол адабий мероси асрлар мобайнида шеърят мухлисларининг назарига тушиб, бугунги кунгача яшаб келмоқда.

Улар сўз воситасида фалсафий, мантиқий маънолар билан йўғрилган гўзалликни, нафосатни яратганлар. Бу гўзаллик, нафосат ўз ўқувчисини тасаввур қилган сирли оламга олиб киради. Мумтоз шеърятнинг яна бир жиҳати шундаки, шоир чин юракдан яратган ғазалини иккинчи қайта ўзгартира олмайди, чунки у бир муддатлик кайфият жараёнида яратилади. Бу кайфият, ҳолат асл ҳолида такрорланиши гумондир. Шу боис, шоирнинг ўзи ҳам ғазалининг ўқувчисига, мухлисига айланади. Акс ҳолда, энг зўр яратилган ғазалларнинг бир неча хил



вариантлари яратилган бўлар эди. Шеърӣ матнни ўзгаришсиз қабул қилиш, уни шоир ниятини унутмаган ҳолда ўқиш, унга руҳдош, кечинмадош бўлиш, шоир руҳига кириш таҳлил жараёнидагина амалга оширилади. Чуқур, изчил таҳлил қилинган шеърӣ матн ўзининг муаллифи, унинг ҳолати, яратилган даври, муҳити ҳақида қисман бўлса-да маълумот беради. Бу жиҳатларни илғаб олиш учун таҳлилчи шоир ҳақида, у яшаган давр ҳақида, таржимон ҳақидаги муҳим ўринлари ҳақида маълумотга эга бўлмоғи лозим. Чунки, таҳлил жараёнида бу маълумотлардан ёрдамчи восита сифатида фойдаланиши мумкин.

Шунингдек, асрий мумтоз шеърӣят инсоният тарихидаги эзгулик ва ёвузлик, садоқат ва хиёнат, дўстлик ва душманлик, саҳийлик ва бахиллик ўртасидаги курашни қаламга олган. Бундай ижтимоий муносабатларни англаш учун матн моҳиятига кириб бориш, маъно қатламларини кунт, зийраклик билан ўрганиш, сўзлар, имо-ишоралар, ҳатто оҳанг товланишларини юракдан ҳис қилишни тақозо этади. Энг муҳими, ҳар бир шеърӣ матннинг ўқ томири, илдизи мавжуд бўлади. Таҳлил жараёнида ана шу илдизни аниқлаш, айтилмоқчи бўлган фикрнинг калитини топиш жуда муҳим ҳисобланган.

Илми таҳлил кўникмасини чуқур эгаллаган талабанинг кўзи олдида матндаги захира қаватлари ойдинлаша боради ва маънолар кўпқаватлилиги зичлиги манбаи сифатида намоён бўлади. Матндаги айнан мана шу жиҳатларни англаган талабагина мумтоз шеърӣятнинг қийматини, баҳосини белгилай олади.

Бундай истеъдодга эга кишилар ёки талабалар тафсирчи, таъвилчи, шорих, зурафо, урафо, аҳли дарк номи билан аталган. Улар илми бадиъ, илми шарҳ, илми ғариба, илми фасоҳат, илми аруз, илми саноеъ каби соҳаларни чуқур ўзлаштирган илми толиблардир. Чунки, бу илмлар мумтоз шеърӣятга бадиийлик латофати ва таъсирчанлик фазилатини берадиган, шунга ўргатадиган, уни идрок этишга йўналтирадиган фанлардир.

Бу фанлар шеърӣ матнларни ҳар бир замон, адабий-маданий муҳит ўз эҳтиёжи нуқтаи назаридан келиб чиқиб, қайтадан кўздан кечиради ва баҳолайди.

Шу ўринда Алишер Навоӣ шеърӣ меросида муҳим ўрин эгаллаган «Қора кўзим» ғазалини олиб кўрайлик. Шоирнинг бу

ғазали яратилгандан буён жуда кўп шеърят мухлисларини мафтун этиб келган. Ҳар бир давр адабий муҳити унинг жозибасини англашга интилан. Фикримизни янада ёрқинроқ ифодалаш мақсадида ғазалнинг бир байтини қиёсий илми таҳлилга мурожаат қилайлик.

Маълумки, ғазалнинг бадиий таҳлили, насрий баёнининг бир неча хил кўриниши ҳозирги давр адабиётшунос олимлари, шоирлари томонидан амалга оширилган.

Номлари юқорида қайд этиб ўтилган таҳлил этган муаллифларни рамзий маънода мадрасада таҳсил кўраётган талабаларнинг бир гуруҳи деб тасаввур этсакда, улар яратган таҳлилни илми мунозара тарзида асл моҳиятини аниқласак. Бу талабалар Воҳид Абдуллаев, Алибек Рустамов, Воҳид Зоҳидов, Нажмиддин Комилов, Иброҳим Ҳаққул, Муҳаммаджон Маҳмудов, Абдукодир Ҳайитметов, Ваҳоб Раҳмонов, Нусратилло Жумаҳўжа, Эркин Воҳидов, Эркин Мусурмонов, Бойбўта Дўстқораев, Нуриддин Шукуров, Натан Маллаев, Исматулла Абдуллаев ва бошқалардан иборат.

Ғазал Навоийнинг ёшлик лирикаси маҳсули бўлиб, ишқий-фалсафий мавзуда битилган. Ғазалда лирик қаҳрамоннинг маъшуқага висол илинжидаги илтижоси ундалма кўринишида бошланади:

Қаро кўзум, келу мардумлиғ эмди фан қилғил,  
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

Талабалар ғазал таҳлилига киришишдан олдин тушунилиши қийин бўлган сўзларга шарҳ бериб ўтадилар. Шунингдек, ибора тимсолларга аниқлик киритадилар.

Ғазалдаги «Қора кўзум» бирикмасини талабалар икки хил мазмунда шарҳлайдилар. Яъни «Эй кўзимнинг оқу қораси» ёки «Қора кўзлигим» тарзида шарҳланади. Бир талаба бу сўзни илоҳий сўфиёна ва дунёвий маънолар билан йўғрилганлигини, яъни Оллоҳ маъносида айтса, иккинчиси севиқли гўзал маҳбуба, ёр, дўстни англатишни айтади, яна бири эса, ота ўз фарзандига одамларга хос бўлган фазилатларни ўрган деб насиҳат қилганлигини таъкидлайди.

«Мардум» - сўзи луғатлардаги изоҳларига кўра икки маънони, яъни:

1) одам, одамлар, халойиқ, 2) кўз қорачиғи – гавҳари, мардумак, гавҳарак шакллари ҳам мавжудлиги айтилади. Мардумлиғ – одамгарчилик, инсонийлик, мурувват, марҳамат, инсонпарварлик, фуқаро маъноларига ҳам эгалиги айтилади. «Фан» сўзи ҳам кўп маънога эга бўлганлиги туфайли кимдир асл маъносини «илм» шаклида тушунса, кимдир расм, одат, ойдин, кимдир «пурфан» - ижобий хислатнинг киноявий талқинидаги макр-ҳийла, найранг, ҳунар, йўл-йўриқ, вафога ваъда қилмаслик каби маънолар ифодаланишини таъкидлайди.

«Эмди» сўзи ҳам узоқ айрилиқ алами ва висол соғинчи, «ватан» сўзида ошён, манзил, макон, маскан, бир маъноси кўним, сукунат, ҳаракатсизлик, истиқомат каби маъноларни ифодаланиши аниқланади.

Ҳазалдаги мураккаб сўзларнинг маъноси изоҳланиши билан масала ҳал бўлмайди. Чунки шоир мазкур сўзлардан бадий санъатлар, сўз ўйинлари яратган. Масалан: «мардум» ва «мардумлиғ» сўздан сўз ўйини – тажнис яратилган бўлса, «қаро кўзум», «кўзим қароси» бирикмасида тарде акс (тескари такрорни) санъатни қўллайди ёки бу сўзлар «мардум» ва «мардумлиғ» сўзининг ўзбекча «қаро кўзим», «кўзум қароси» бирикмалари тўрт томонлама «ширу шакар» (икки тили) санъати қўлланилганлиги эътироф этилади. Юқорида келтирилган мураккаб сўзлар шарҳи, изоҳи бадий санъатларнинг қўлланилиши аниқлангандан сўнг, бир байтнинг бир неча таҳлили майдонга келди. Мазкур таҳлилларни кўриб чиқайлик:

1. Кўзим қорасига кириб, қорачиғидай жойлашиб олгин, кўзим тириклигида одамларга ўхшаб уйли-жойли бўлгин – тарзида таҳлил қилади.

(А.Каттабеков, В.Раҳмонов. Ўзбек адабиёти, дарслик-мажмуа). –Тошкент: «Ўқитувчи» (1993, 38-бет).

Кейинчалик яна шу ғазал таҳлилига мурожаат қилган В.Раҳмонов биринчи байтда қўлланилган бадий санъатларнинг 11 турини бирма-бир изоҳлаб ўтади ва байтнинг бадийона таҳлилини беради:

«Байтда муаллиф қуйидаги санъатлардан фойдаланган: биринчиси: «Қаро кўзум» бирикмасида мурожаат, хитоб

қилинмокда. Яъни, нидо санъати қўлланган. Иккинчидан, шу бирикманинг ўзида сифатлаш санъати ҳам борки, кўзнинг сифати, қоралиги уқтирилган; учинчидан, «қаро кўзум» бирикмасида биргина кўз қоралиги эмас, балки шу қора кўз эгаси – киши назарда тутилган: нарсанинг ўзи унинг бир қисми билан аталса, синекдоха санъати бўлади; тўртинчидан, иккинчи мисрада «қаро кўзум» бирикмасидаги сўзлар ўрин алмашилиб такрорланган: «кўзум қароси». Бу – тарди акс. Бешинчидан, байтдаги буюриш, ҳукмфармонлик оҳанги амр санъати туфайли. Олтинчидан, «мардум, мардумлиғ» сўзлари ўзакдош (иштиқоқ санъати). Еттинчидан, матнда «мардум» сўзи икки карра қўлланиб, бири «одамлар», иккинчиси «кўз қорачиғи» маъносида – тажнис. Саккизинчидан, «мардум киби» сўзларидаги биринчи сўз икки маънолилиги мисрага икки хил мазмун юклайди: «одамлардай ва «кўз қорачиғидай» (ийҳом). Тўққизинчидан, байтдаги сўз такрорлари («қаро», «кўз») тақрир санъатига мисол. Ўнинчидан, «мардум киби» бирикмасидаги ўхшатиш, қиёслаш маъноси ташбеҳ санъатидир. Ўн биринчидан, байтда ва бутун шеър бўйлаб қофиядан сўнг «қилғил» сўзи радиф бўлиб келган, мураддаф санъати.

(«Тафаккур» журнали 2006, №1, «Бадиат жавҳари», 67-68-бетлар).

2. «Қаро кўзли гўзалим, келсанг-чи, мурувват ва вафо йўлини, одамийлик расмини тутсанг-чи». Одамнинг кўз қорачиғида кўз гавҳари жойлашган бўлади. Кўз мана шу гавҳар воситасидагина борлиқни кўра олади. Ана шу табиат қонунини назарда тутиб шоир иккинчи мисрада яна илтижо қилади. «Кўзимнинг қорачиғида гавҳар каби ватан тутсанг-чи, токи мен кўзим ёришиб олам гўзалликларидан баҳраманд бўлсам».

Олим биринчи байтни шоҳбайт ёки ҳусни матлаъ (етук, олий, гўзал бошланма) дея таърифлайди.

(Нусратулло Жумахўжа таҳлили. «Сатрлар силсиласидаги сеҳр». –Тошкент: «Ўқитувчи», 1996, 22-бет).

3. Шоир «мардум» ва «мардумлиғ» орасида сўз ўйини – тажнис яшаш билан кифояланмай, шу маъноларни ифодаловчи ўзбекча «қора кўзум» ва «кўзум қароси» бирикмаларини келтириб, тўрт томонлама «ширу-шакар» (икки тили) тажниси том санъатини ижод этган.

(Нажмиддин Комилов таҳлили. «Ишқни оловлантирган сув». «Ёшлик» журнали, 1987 йил, 2-сон, 68-бет).

4. Ошиқ ёрни фақат кўриб туришни эмас, кўз қорачиғида жо қилмоқликни истайди ва қаён боқмасун, ойгами, гулгами, шабнамгами барига ой жамоли орқали боқишни орзу қилади, барчасида унинг тимсолини кўришни тилайди.

(Эркин Воҳидовнинг шоирона таҳлили. «Шоиру шеър шуур». –Тошкент: «Ёш гвардия», 1987, 88-бет).

5. Шоир ғазалда ўз маҳбубасига кўз қорачиғидан ўрин беришга, босган ҳар бир қадами учун жонини фидо этишга тайёр, ошиқ шоир ёрини «мардумлиғ» яъни меҳрибонлик ва самимийлик, дўстликка чақиради. (Абдуқодир Ҳайитметов таҳлили).

6. «Мардум» - инсонийлик, кўз қорачиғи, «фан», одат, ҳунар маъноларини ифодалайди. Демак, кўз гавҳаридай азиз, покиза севгилисидан ошиқ инсонийлик, вафодорлик, раҳм қилишни ва қорачиқ сингари кўздан жой олишни истамоқда. Дастлабки байтда ошиқнинг маъшуқасига мурожаати келтирилган.

(Эркин Мусурмонов таҳлили. «Маърифат» газетаси, 2001 йил, 3-февраль).

7. Байт «қора кўзум» деган мурожаат билан бошланади. Бу сўзда байтдаги «мардум», «мардумлиғ» ва «кўзум қароси» сўзларига нисбат бор, шунинг учун Навоий ўз манзурига, масалан, «дило», «э жон» ёки бошқа бирор сўз билан мурожаат қилмасдан, «қора кўзум» деб мурожаат этган. Демак, Навоий байтда эй менинг қора кўзлим, кел энди мардумлиғ, яъни қорачиғини бўлишини ва кишиликни одат қил ва менинг кўзимнинг қорасида мардум, яъни кўз қорачиғи каби ва кишилар сингари ўрнашиб ол, деган фикрни баён қилган. Кишиликни одат қил, дейишдан мурод пари ёки фариштага ўхшаб кўздан ғойиб бўлма, дея ёлворишдир. Бунда манзурнинг нодирлигига ҳам ишора бор. Кўзумнинг қорачиғи бўл, деб ифода этишдан мақсад кўз ўнгимдан кетма дейишдир. Кишининг кўз ўнгида гўзал суръатнинг кетмаслиги унинг маънавий камолотига сабаб бўлади.

Навоийнинг «Қора кўзи» ким? «Мулоқот» журнали, 1991 йил, 9-сон, 33-35-бетлар.

8. Алишер Навоий ғазалларидаги инсон, бир томондан, гўзал маҳбуба бўлса, иккинчи томондан дўст, ёр эркак жинсидаги яқин

киши ҳам бўлиб келади. Бу фикрнинг исботи учун улуг шоирнинг машҳур «Қора кўзум» ғазалини эслатиш мумкин. Навоий ғазалиётида ҳам инсоний (аёл-эркак ўртасидаги), ҳам маънавий (жинси фарқ қилмайди) ҳамда ҳақиқий (Оллоҳ таолога нисбатан) ишқ ифодасини топган бўлиб, ана шу асосда унинг тимсоллари ҳам белгиланади: ошиқ-маъшуқа, дўст-ёр, Оллоҳ-солиҳ ва бошқалар. Олим ғазал таҳлили хусусида ўз мулоҳазасини билдириш билан бир қаторда Алибек Рустамовнинг таҳлилинини маъқуллайди ва юқори баҳо беради.

(Ботирхон Валихўжаев таҳлили). Мумтоз сиймолар, А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. –Тошкент: 2002, 94-95-бетлар.

Бир неча қилинган таҳлиллардан кўринадики, ғазал ўта маҳорат билан яратилган. Алишер Навоийнинг бадиий тафаккурининг ўзига хос намунасини намоён этган. Шоирнинг ғазал ёзиш услубидаги бир мавзуни кенг ва чуқур ёритиш, руҳий кечинмаларни самимий ифодалаш каби жиҳатлар шеърият мухлисини ўзига жалб этганлигини ушбу ғазал таҳлилидан ҳам кўриш мумкин. Алишер Навоий мазкур ғазални ёзгунга қадар ҳам ишқ мавзусида кўплаб ғазаллар ёзганлиги табиийдир. Бу ғазалда ҳам ишқ мавзусини баён этган сатрлар шу қадар теран, шу қадар кўламлики, бир таъриф иккинчисини такрорламайди. Шу боис, бу ғазал ўзининг сермазмун бадиий сеҳри, маънавий-руҳий таъсирчанлиги билан шоирнинг лирик меросида ажралиб туради. Юқорида келтирилган таҳлил намуналари ҳам шундан далолат бериб турибди. Лекин, бу таҳлиллар ҳам тугал, охирига етказилган деган хулосага келиш имконини бермайди. Чунки, таҳлилларнинг қайси бири Алишер Навоий айтмоқчи бўлган фикрнинг асл мазмунини очиб берган вариантыни саралаш лозим бўлади. Кимки, бу ғазалнинг таҳлиliga қўл урмасин шоир ҳақиқатини очиб беришга интилган, барчаси шоир маҳоратини ғазал сатрларида яшириниб ётган сеҳрини, тилсимини очишга уринган. Натижада турли хил баҳслар, мунозаралар вужудга келади. Ғазалнинг кейинги байтлари таҳлилида Навоийнинг «қора кўзим» дея қилган мурожаати Оллоҳга, маъшуқага, фарзандга бағишланган тарзидаги қарашлар ҳам мавжуд. Шу ўринда, мазкур баҳсларга қатнашиб, ўзининг асосли фикрларини баён этган Алибек Рустамовнинг фикрлари масалага ойдинлик

киритгандек бўлади. Навоийнинг бу ғазалидаги манзура (яъни маҳбуба) инсонми ёки худоми деган масалани ҳал қилайлик. «Қора кўз» ни худо деб тушуниш, биринчидан, илмий маълумотнинг етишмаслиги натижасида вужудга келган таассуб. Иккинчидан, фазлорурушликка бўлган интилиш натижасидир. Навоий шаклсиз олий вужудга (Оллоҳга) «қора кўзум» деб мурожаат қилмайди, ундан инсон қиёфасига киришни талаб қилмайди ва унинг «юзидаги тер» ни кўриб бўлмайди. Навоийнинг бу ғазалига манзура (маҳбуба) йигитми, қизми деган саволга йигит деб жавоб беришимиз керак бўлади. «Унинг йигитлигини тан олмасликка ҳаракат қилиш, Навоийнинг ишқи маънавий ишқ эканлигини ҳисобга олмаслик натижасидир. Маънавий ишқда жинс ва ёшнинг аҳамияти бўлмайди». Олим, маънавий ишқ хусусида фикр юритар экан, шоирнинг ўтли мурожаати, кимга қаратилишидан қатъий назар, ишқ тушунчасининг кўлами кенглигига ишора қилади. Муҳими, Алишер Навоийнинг ишқ мавзуси ҳақидаги қарашларини мантиқан англаш, ҳис қилиш масаласини қўяди.

Маънавий ишқ тушунчасини таърифлашда бадиий тасвир, ифодалилиқ, хушоҳанглик воситаларини бадиий санъатларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу фан «Илми саноеъ» ёки «Илми бадеъ» деб юритилиб, мадрасаларда махсус фан сифатида ўрганилган.

Маънавий санъат асосан матндаги маънони теранлаштирадиган, кўп маъноликни юзага чиқарадиган, таъсирчанлик яратадиган хилма-хил бадиий воситалардан иборат бўлади. Бу санъатни матн маъноси-мазмунига кўра идрок этиш мумкин. Аслида, ўзбек мумтоз адабиёти асарларини таҳлил этишда, уни баҳолашда бош мезон бадиий санъатлар бўлмоғи лозим. Масалан, ғазалда тасвирланаётган нарсани иккинчи бир нарсага ўхшатиш-ташбеҳ қилиш ўзига хос бадиий санъатдир:

Бўйинг сарву кўзунг нарғиз, юзинг гул,  
Сенинг қошингда бўстон ҳожат эмас.

Байтда шоир маъшуқанинг гўзаллигини тасвирлашда бир сўз билан ифодаламай, балки бир неча ўхшатишлар билан

таърифлайди. Бундай таъриф лирик қаҳрамоннинг ташқи гўзаллигини янада бўрттириб, гўзаллаштириб ифодалайди.

Бадий санъат турини, хусусан, маънавий турини қўлламаган шоирни учратиш қийин. Таълимий-диний мавзуда яратилган ғазалда ирсоли масал кенг фойдаланилса, тарихий воқеалар, шахслар билан боғлиқ-воқеаларда таҳлил санъати кенг қўлланилади. Ишқий мавзудаги ғазалларни эса ҳусни таҳлилсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мумтоз адабиётда устоз шоирлар ижодига тазмин боғлаш кенг анъана бўлган. Бу санъат икки шоир ижодини бир-бирига қиёслаб баҳо бериш имконини беради.

Мумтоз шеърятда қўлланилган бадий санъат ижодкорнинг маҳоратини, истеъдодини намоён этади. Таҳлилчи эса ундан кўп маъно юклатилган нутқларини белгилаб олиш имконига эга бўлади. Матн моҳиятига кириб бориш, маъно қатламларини қунт билан ўрганиш, қайта баҳолаш каби шароитлар яратилади. Таҳлил қанчалик кенг бўлса, ғазал ёки бошқа жанрнинг яратилишига сабаб бўлган асос ойдинлашади. Аниқроғи, талқинчи билан муаллиф орасида мутаносиблик пайдо бўлади. Шоирнинг қалам олишга ундаган сабабни кўра олади. Масалан, Навоий, Бобур, Машраб, Бедил ғазаллари таҳлил қилинганда шундай ҳолни кузатиш мумкин. Шунингдек, таҳлил жараёнида бирор манбада учрамайдиган шоир билан боғлиқ тарихий маълумотлар, шоир таржимаи ҳоли билан боғлиқ лавҳалар, уни изтиробга, хаяжонга солган сабаблар ғазал матни катидан чиқиб келаётгандек бўлади. Ёки, аксинча, тарихий манбаларда келтирилган маълумотларни ғазал матнидаги ишорага, белгига қиёслаш ҳам мумкин.

Масалан, Алишер Навоийнинг «Айлагай» радифли ғазалининг якунловчи байтида шоирнинг Астробод сургунида юрган давридаги машаққатли ҳаётини эслатувчи муҳим байт келтирилади:

Беша ичра девлар мактули ўлсун, эй пари,  
Гар Навоий ёна азми Астробод айлагай.

Ёки

Кўнгил мулкин истар ободу бузар хайли фироқ,  
То Навоий азми мулки Астробод айлади.



Бу байтлардаги мулоҳазалар шоир таржимаи ҳолига оид маълумотларни тўлдирувчи, қувватловчи муҳим далилдир. Аслида ҳам Навоийнинг Астрободдаги ҳаёти Ҳирот соғинчи билан тўла изтиробдан иборат бўлган. У Астрободда ўзини қувғинда ҳис қилади, ҳар бир куни бир йилдек ўтаётгандек ҳис қилади.

Маълумки, Шарқ шеъриятида кичик шеърӣ жанрда катта ҳикоят мазмуни жойлаштира оладиган якпора ғазаллар ҳам учрайди. Ёки, ўша ғазалда келтирилган байт мазмунидан бир ҳикоятга татирлик мазмунни олиш мумкин. Масалан, Алишер Навоийнинг «Ўлтурур маҳрамни султон ...» номли ғазалида шох байт вазифасини ўтаган ўрни бор. Шу боис, бу байт ғазал сарлавҳаси вазифасини ҳам бажаради ва ўзининг ғоявий-бадиӣ етуклиги билан, фалсафӣ теранлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Жонға қўйғоч нақди ишқинг, қилди кўнглимни ҳалок,  
Ўлтурур маҳрамни султон ганжни пинхон айлагач.

Бу байтнинг биринчи мисрасида маъшуқа ишқ нақдини жон бағрига яширгач, ошиқ кўнгли ҳалок бўлади. Чунки, бу кўнгил сирли ҳодисага гувоҳ, агар тирик бўлса, сирли ҳодисани фош қилиб қўйиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳалокатга маҳкум этилган. Алишер Навоӣ тажнис санъати воситасида биринчи мисрага мос далилли жуфтликни яратадики, кейинги мисра ўзининг ҳаётӣлиги, ибратлилиги билан биринчи мисрани тўлдиради. Яъни, султон ўз ҳазинасини яширгач, ҳазина яширилган жойдан воқиф бўлган ягона гувоҳ маҳрамни ўлимга маҳкум этади. Бунда ҳазина – ишқ нақти бўлса, маҳрам – ўлдирилган кўнгилдир. «Маҳрамнинг қатлига боис шуки, у ҳам кўнгил сингари бир кунмас, бир кун ҳазина яширилган жойни ошкор қилиб қўйиши, натижада ҳазина ва унинг соҳиби бесаранжом бўлиши хавфи бор»<sup>1</sup>–дея таҳлил этади Нусратулло Жумаҳўжа.

Бундай чуқур ижтимоӣ маъноларни қамраб олган ғазалларни Шарқ адабиёти намояндалари ижодида кўплаб учратиш мумкин. Муҳими, якпора ғазаллар бир мавзун

---

1

меъёрига етказиб ёритиш масаласини ўзининг дебочаларида баён этади. Масалан, Алишер Навоийнинг «кеча келгумдир дебон ул сарви гулру келмади», «не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо» мисралари билан бошланадиган эл орасида машхур ғазаллари шулар жумласидандир.

Энг муҳими, бу ғазалларни илми таҳлил йўли билан қанчалик чуқур таҳлил қилинса, шоир маҳоратининг илдизлари кенг очилади.

Шарқ адабиётида, хусусан, насрда инсон қиёфасининг ташқи жиҳатларини таърифлаш одатий хол бўлган. Аммо, шеъриятда сиймо яратиш учун шоирдан жуда катта маҳорат талаб қилинади. Бундай ғазаллар сиртдан қараганда оддий кўринишда бўлса-да, таҳлил жараёнида сўзлар, тасвирлар қатидан инсон қиёфаси пайдо бўла бошлайди. Аслида, қиёфа, сиймо яратиш мўйқалам соҳибларининг иши бўлса-да, баъзан шоирларнинг сўз воситасида яратган сиймолари мўйқалам соҳиблариникидан кам эмаслигига иқрор бўласиз. Ана шундай ғазаллар сирасига кирадиган Алишер Навоийнинг «қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин» мисраси билан бошланадиган ғазалини олишимиз мумкин. Бу ғазалнинг таҳлилини Ботурхон Валихўжаев шу тарзда баён этади: «Мазкур ғазалнинг биринчи байтида севимлининг «қоши, кўзи», иккинчи байтда «киприги, рухсори», тўртинчи байтда «зулфи (сочи), лаъли (лаби), бешинчи байтда «холи, қадди, кўнглаги (мовий кўйлаги), қабоси» бир-бир тасвирланган. Мақтаъда эса яна «қошу кўз» ҳақида сўз юритилади. Демак, бунда бир томондан, севимлининг юзи ва боши билан боғлиқ «кўз, киприк, хол, рухсор (юз), лаб, соч» тасвири берилган бўлса, иккинчи томондан, севимлининг қадди-қомати билан боғлиқ бўлган «кўнглак, қабо» каби кийимлар тасвири келтирилган» .

Юқоридаги тасвир мазмунидан маъшуқанинг сиймоси ўқувчи кўзи олдида намоён бўлади. Агар мазкур тасвир бирор бир мусаввирга тавсия қилинса, шоирнинг сўз воситасидаги тасвири мўйқаламга кўчиб гўзал бир сиймо-портрет яратилиши мумкин.

Айнан шу ғазал таҳлилига мурожаат қилган Н.Жумахўжа эса Алишер Навоий қўллаган бадий тасвир воситаларига, ғазалдаги энг нозик жиҳатларига аҳамият бермайди. Аслида эса, ғазалдаги матлаъ ички ва ташқи қофиядан иборат бўлиб, чуқур мазмунга

эгадир. Ғазалдаги такрорланган радиф эса, бутун ғазалга мазмун улашиб туради. Матлаъга эса, қолган байтлар бошдан оёқ бўйсундирилади. Ғазалнинг ҳар бир мисраси маъшуқанинг бир ташбеҳини келтиради ва «дейин» сўзидан иборат радифи орқали таъкидлайди. Бу ҳол ғазалнинг сўнгги байтигача давом этади. Мақтаъда эса шоирнинг таҳаллуси келтирилиб, якунловчи байт вазифасини бажаради.

Нусратулло Жумахўжаев ғазалнинг мавзу доирасига бир ёклама ёндашиб, эътиборни шох байт таҳлилига қаратади. Қолган байтларни умумлаштирган ҳолда ишқ изтироблари, лирик қаҳрамоннинг ички дардлари хусусидаги умумий хулосаларни чиқариб қўя қолади. Аслида лирик қаҳрамонни изтиробга солган сабаблар ғазалнинг деярли ҳар бир байтида шоирнинг «мен» и орқали бир-бир санаб ўтилган.

Фақат ғазалнинг:

Чарх ранжинму дейин, даҳр шиканжинму дейин?

Жонима ҳар бирининг жавру жафосинму дейин?

мисраларидаги фикрлар эса, ишқ изтиробларини ижтимоий моҳиятга келтириб боғлайди ва замонадан чеккан озорларидан шикоят қилади.

Бундан кўринадики, илми таҳлил кенг маънодаги бир илм бўлиб, уни ҳар бир таҳлилчи ўз имконияти илмий доираси даражасида матнга ёндашади ва қабул қилади. Муҳими, матнга ҳар томонлама ёндашиш, бир таҳлилчи илғамаган нуқтани иккинчи таҳлилчи илғаш ва унинг назарига тушиши мумкин.

Бир неча таҳлилчи томонидан қилинган таҳлил натижасида ғазалнинг яхлит мазмуни ёритилади.

Алишер Навоий энг зиёли, маърифатпар киши сифатида бугунги кун ўқувчисига ўзи яшаган давр, ўша пайтдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт ҳақида маълумот берувчи элчи ҳамдир. У ҳар қандай ғайринсоний ходисаларга бефарқ қарай олмаган. Имкон қадар адолатсизликка қарши курашган. Ночор ҳолларда эса, замонидан шикоят қилган. Жумладан:

Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин кўрмадим,

Кўргузуб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим.

Ёки:

Билмадим, олам элида йўқтурур мутлақ вафо,

Ваҳки, умри улча йўқтур соғиниб бор истадим.

Мехр кўргуздум, аммо меҳрибоне топмадим,  
Жон бaсе қилдим фидо, oрoмe жoнe тoпмaдим.

Шoиp шaхcи яққoл кўзгa тaшлaниб тургaн бy бaйтлaрдa, унинг изтирoблaри, унгa eткaзилгaн нoҳaқликлaр oчиқ бaён қилингaн. Бy билaн шoиp фaқaт шaхcий кeчинмaлaрини бaён қилмaй, бaлки ўз зaмoнaсидaн, aдoлaтcиз ҳукмдoрлaрдaн нoрoзи бўлaди. Бy бaйтлaр ўшa Нaвoийлaр зaмoнaсининг қaдим, лeкин ўлмaс руҳини бeриб турaди. Хуллaс, мумтoз шeърият ҳaр гaл ўқилгaндa ёки тaҳлил қилингaндa, мухлислaр турличa мaънo тoпaдилaр вa ундaн илҳoм oлaдилaр. Ғaзaл тaҳлилининг турличa кўринишдa чиқишининг сaбaблaридaн янa бири, бy жaнрлaрнинг aруз вaзнидa ёзилгaнлигидир. 1940-50 йиллaргa кeлиб aрaб aлифбoсидa ёзилгaн мaтнлaрни кирилл aлифбoсигa ўгириш oдaтий ҳoлгa aйлaнди. Aслидa, aрaб aлифбoсидaги мaтнни кирилл aлифбoсигa хaтoсиз кўчиришнинг илoжи йўқ. Чунки, aрaб aлифбoси имлoсидaги бaъзи ҳaрфлaр вa тoвушлaр, қисқa унлилaр кирилл имлoсидa aкс eтмaйдигaн. Ёки, сўз зaмиридa кeлгaн бир ҳaрф ёнмa-ён кeлсa, биттa шaклдa ёзилaвeрaди. Aгaр тeпaсидa тaшдиди бўлсa, ҳaрфнинг иккитaлиги мaълум бўлaди. Лeкин хaттoтлaр ёзув бeлгилaрини ҳaммa вaқт ҳaм кўявeрмaгaнлaр. Aнa шу иккилaнтирилгaн тoвушлaр бaъзaн вaзн тaқoзoси билaн биттa тoвуш сифaтидa ўқилaди. Шу бoис, мaтн қaндaй ўқилсa, шу тaрздa кирилл имлoсидa ёки лoтин имлoсидa ёзилиши кeрaк бўлaди. (Тaлaбaлaрнинг мумтoз шeърият тaҳлили мaлaкaси хусусидaги нaтижaлaр 3-жaдвaлдa илoвa қилингaн).

## БЕШИНЧИ ФАСЛ

### ИЛМИ БАЛОҒА ВА ИЛМИ ФАСОҲАТНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШ ТАРИХИ

Адабиёт ўқитиш усули тарихида оғзаки сўзлашув маданияти ҳам муҳим воситалардан биридир. Сўзлашув маданияти, муомала нутқи, ўзининг оммавийлиги, барча тилларда мавжудлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Чунки, сўзлашув услуби инсоннинг жамиятда ўрнини белгиловчи муҳим муомала куролидир. Аслида нутқий ҳодисаларнинг моҳияти, жамиятдаги тутган ўрни, унинг ўзига хос белгилари, унга таъсир қилувчи омиллар масаласи неча асрлардан буён илм аҳллари кизиқтириб келмоқда.

Илмли кишилар ўзини тутиши, ахлоқ-одоби, энг муҳими, муомала маданияти, фасоҳатли нутқи билан атрофдагилардан алоҳида ажралиб турган. Бу ҳақда Қуръони каримда ҳам ҳеч вақт илмли киши билан илмсиз киши баробар эмаслиги айтилган. Яна бир оятда «Аллоҳдан фақат илмли кишиларгина кўрқадилар» - дейилган. Бу муҳим масалани англаган мадраса мударрислари талабаларнинг илмий салоҳиятларига эътибор берибгина қолмай, балки уларнинг нутқий маданиятига ҳам алоҳида эътибор берганлар. Натижада, илми фасоҳат фани вужудга келган ва мадрасалар ўқув дастурига киритилган.

Фасоҳат (равонлик) маъносини ифодалайди. Бу атама услубшунослик фанининг бир бўлими бўлиб, оғзаки баёнда гапнинг равон ва нафис бўлишини таъминлаган.

Илму фасоҳат айрим манбаларда илми болоғат шаклида ҳам ишлатилади ва сўзамоллик камолоти, чуқур фикрларни гўзал ифодалаш санъати саналади. Эски илмда стилистика ва риторика болоғат илми деб юритилган.<sup>1</sup> Аслида, илми фасоҳат, илми болоға асрлар мобайнида илм-фан соҳибаларининг эътиборини жалб қилиб келган ва бу илмга бағишлаб асарлар ҳам яратганлар.

Абу-л-Қосим Маҳмуд аз Замахшарийнинг «Асос ул-балоға» («Балоғат асослари») номли асари энг дастлабки манбалардан биридир.

---

<sup>1</sup> Қаранг: В.Рахмонов. Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1983, 29-бет.

«Аз Замахшарий ўз асарининг манбалари ҳақида гапириб, арабларнинг фасоҳатли луғатидан, турли-туман насрий ва назмий ёзма манбалардан йиққан (тўплаган) ажойиб ибораларга, шунингдек, бозорларда, масжиду жомъелардаги сўзга чечан хатиблардан эшитганларига асосланиб ёзгани ҳақида зикр қилади».<sup>1</sup>

Маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий эса, илми фасоҳатнинг пойдеворини оналар кўядилар деб ҳисоблайди. Чунки, дастлабки оғзаки нутқ онадан эшитилади «тараққий этган миллатлар оналари ўкутур экан, биз аввал онамизни ўкутуб, анга тил ўргатмоғимиз керак. Чунки бизни илм ва тилсизлигимиз алардандур». Бу ҳақда улуғ мутафаккир Абу Наср Форобий ўзининг «Илмларнинг келиб чиқиши» («Ихсо ул-улум») номли рисоласида бадиий асарни ифодали ўқиш, ўқиганини чиройли нутқ билан ҳикоя қилиб бериш ҳам зўр санъат эканлигини айтади. Бу санъатни эгаллаган кишилар нутқи ўткир таъсир қилувчи кучга эгадир. Улар ҳаким кучга эгадир. Улар ҳаким, нотикликни эгаллаган санъаткор, файласуф, донишманд билан тенгдир, деган юксак баҳо беради.

Форобий комил инсонлар ҳақида гапирганида уларнинг бевосита нутқига, сўзни тушуниш ва тушунтириш имкониятларига ҳам эътибор беради. Унинг ёзишича, у суҳбатдошининг сўзларини, фикрларини тез тушуниб, тез илғаб олиши, шу соҳада умумий аҳвол қандайлигини равшан тасаввур қила олиши учун, «фикрни равшан тушунтира олиш мақсадида, чиройли сўзлар билан ифодалай олиш зарур»<sup>2</sup> дея ҳисоблайди.

Табиийки, бу фикрлар илми фасоҳат билан боғлиқ бўлиб, мадраса толибларига қарата айтилганлиги шубҳасиздир.

Инсон ўзини ўраб турган борлиқни билиши, ақл ва тажрибага эга бўлиши билан бошқа мавжудотдан алоҳида ажралиб туради. Шунингдек, у ўз ақл-идроки билан донолик, теран фикрлилик хусусиятига эга бўлади. Илм эса, инсон камолотида, шарафга эришмоғида муҳим воситадир. Ҳар бир инсоннинг фикр-туйғулари, билими ва маданияти, қилиб айтганда, фасоҳат инсоннинг юзи ва кўзи қиёфасини намоён этади. Фасоҳат илмидан хабардор

<sup>1</sup> Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий «Нозик иборалар». Шарҳлар муаллифи ва таржимон. У.Уватов. Тошкент, «Камалак», 1992 йил, 30-бет.

<sup>2</sup> Форобий. Фозил шаҳар одамлари қарашлари. Фозил одамлар шахри. –Тошкент: Халқ мероси нашриёти, 1993, 159-160 бетлар.

кишилар фаросатли, фаҳмли, одобли, ақлли, эсли-хушли, маданиятли қиёфада киши қалбидан жой оладилар. Мадрасада қайси масалага доир илм ўрганилмасин, асосий ўринда ахлоқ-одоб доирасининг муомала маданиятида юқори турганлигини ҳис этамиз.

Чунки, мадраса ўқув дастуридан ўрин олган диний-тасаввуфий машғулотларнинг асосини ҳам илми фасоҳат ташкил этган.

«Қуръони Каримда инсоннинг айтадиган сўзи, ҳар бир ҳатти-ҳаракатини, қиладиган ишини тартибга солувчи қатор ҳукмлар бор. Ислом меъёр, мезон ва мутаносибликни муштарак этувчи бир манзума сифатида инсоннинг оғзидан чиқадаган ҳар бир калимани муайян асослар билан изга солади»<sup>1</sup>.

Бундан кўринадики, муомала маданиятида сўз ақлдан, куч тилдан ихтиёр олади. Халқ орасида бундай кишилар донишманд, воиз, суҳандон, нотик каби сўзлар билан қадрланган. Мадраса мударрисларининг ҳам нутқи, талабани ишонтира билиш қудрати муҳим аҳамиятга эга бўлган. Улар нотиклик, мантиқий изчил мулоҳаза, сўз кучи талаба учун ўткир қурол эканлигини англаган ҳолда, талабадан ҳам айнан ана шу ўзига хос жиҳатлар қаттиқ талаб қилинган ва ҳаётий зарурат даражасига кўрсатилган.

Қуръони Каримда «У бирон бир калимани сўзлай бошлар экан, ёнида унинг сўзларини тафтиш қилувчи назоратчи туради» деган оят мавжуд. Оятнинг мазмуни шундан иборатки, оғзидан чиқаётган ҳар қандай сўзлар одамлар орасида тезлик билан ўз баҳосини олади. Шунинг учун сўзланган ҳар бир фикрга киши масъулият ҳис этмоғи лозим эканлиги айтилади. Шундай экан, илми фасоҳат ёқимли, фойдали, зарурий мавзуларда сўзламоқни, беҳуда ва маънисиз сўзлардан эҳтиёт бўлмоқни талаб этади. Ҳадиси шарифда ҳам фасоҳатли бўлиш борасидаги мулоҳазаларга дуч келамиз. «Сўзнинг фойда-зарарини ўйлаб сўзлаган киши одамлар олдида буюк ўрин олгани каби Оллоҳ таоло қошида ҳам марҳаматга тегишли одам бўладилар. Ақли бор одам ҳар вақт ўзига зарар келтирадиган сўзлардан сақланур». «Мусулмон одам, ўзини Оллоҳга топширган киши, ёлғон сўзлашга йўл қўймас. Ўзига фойдали, зарарли бўлишига

---

<sup>1</sup> Улфат Махкамов. Ахлоқ-одоб сабоқлари. –Тошкент: «Фан». 1994, 117-бет.

қарамасдан ҳар вақт тўғри сўзлар. Ёлғон сўзламоқлик қўлидан иш келмайдиган тубан кишилар одатидир. Тўғри сўзлайдиган одам ўз ишини бажарувчи, ишида собит турувчидир». Табиийки, Қуръони Карим, ҳадиси шарифда келтирилган фасоҳатга доир мулоҳазалар мадраса мударрисларининг ва талабаларининг дастури амали бўлганлиги шубҳасиз. Фасоҳат атамаси Алишер Навоий асарларида сўзнинг очик, равшан, чиройли ва қоидага мувофиқ бўлиши лозимлигини айтади. Қуйидаги «Ҳайрат ул-аброр» асарида келтирилган байтда фасоҳатни қабоҳатга қиёслайди:

*Ул бири ул фазлу фасоҳат била,  
Бу бири бу феълу қабоҳат била.*

Бундан ташқари, шоир фасоҳатга хос бадиий номлардан иборат «зевар», «ойини» каби ташбеҳни ҳам қўллайди. «Маҳбуб ул-қулуб» асарида олинган қуйидаги парча «сўзки фасоҳат зеваридин (чиройли нутқ беағи) муайян эмасдур, анга чинлик зевари басдур» дея нотиклик маданиятига таъриф беради. Ёки «Муҳокамат-ул-луғатайн» асарида «Барчасидин араб тили фасоҳат ойини била мумтоз ва балоғат тазайини, била мўъжизатироздурким»<sup>1</sup> дея чиройли сўзлаш услубига тўхталади. Ёки, «Назмул-жавоҳир» асарида эса фасоҳадислар-чиройли, ўринли сўзлар билан тўлган маъносида ҳам қўллайди ҳамда асардан қуйидаги жумлани келтиради «ва авсат сўз жамоати фусаҳойи балоғатимъори бўлғай, фасоҳадислар иборати фархунда ишоратларидурурким гавҳар юзидин санъатойин ва бадойиъ тазйин воқеъ бўлубтур».

Шоир бундан ташқари, фасоҳат илмини эгаллаган кишиларни фасонапайванд, фасонапардоз, фасонапардозлиғ, фасонасигол, фасонасиголлиғ, фасонатироз каби сўзлар билан ҳам таърифлайди. Лутфийнинг «Гул ва Наврўз» достонида ҳам фасоҳатга доир мисралар учрайди. Юқоридаги мулоҳазалардан кўринадики, оғзаки нутқ дастлаб ички руҳий нутқда шаклланади, сўнг ташқи нутқда тилга кўчади. Фасоҳат илмини эгаллашда ақл, ички ҳис-туйғу, сўз танлаш меъёрини режалаштиришда ички руҳий нутқнинг аҳамияти каттадир. Ташқи оғзаки нутқ ички нутқнинг «Фармойиши» билан нутқ маданиятини, нутқ одобини,

<sup>1</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. I том. –Тошкент: «Фан». 1984, 334-335 бетлар.



фикрнинг чуқур, аниқ, тўғри, таъсирли баёини намоён этади. Шунинг учун мадрасаларда сўз маъносининг шарҳига, таҳлил этилаётган асарнинг мазмун ва моҳиятига, таҳлил натижаларининг оғзаки мунозарасига алоҳида эътибор берилган. Шарҳ, таҳлил, мунозара усулларининг машғулотларда кенг қўлланилиши табиийки, талабанинг фасоҳатини кўтаришда муҳим восита вазифасини ўтайди ва янги бир йўл, оғзаки нутқ усулининг вужудга келишига сабаб бўлади.

Фасоҳат илми фақат мадраса талабалари, мударрису олимларга хос бўлмай, балки давлат аҳамиятига хос бўлган фазилат ҳам саналган. Мамлакат ҳукмдорлари, амиру-уламолар, давлат бошқарувида муҳим ўрин тутган амалдорлар ҳам халқ билан бўлган мулоқотда ўзларининг нутқ маданиятини намоён этганлар.

Алишер Навоий: «Мажолис ун-нафоис» асарида «фасоҳат илмининг нуқта бирла сеҳрсози» султонус-салотин Абулғози Султон Ҳусайн Баҳодирхон,- дея Воиз Кошифийга юксак баҳо беради.

Юқоридаги фикрни тасдиқловчи маълумот Воиз Кошифий ўғли Фахриддин Али Сафий ўзининг «Латоиф ут тавойиф» номли асарида ҳам учрайди:

«Кунларнинг бирида аҳли мажлисга Мавлоно Сайид Ғиёсиддин деган машҳур сўз устаси анча кечикиб келган. Шу мажлисда Абдурахмон Жомий ҳам бор экан. Сайид Ғиёсиддин кириб келиши билан Жомий ундан сўрабди:

**-Нечук кечикдингиз Мавлоно Ғиёсиддин?**

**-Мани маъзур тутинг, устод** - дебди Ғиёсиддин,- келаётган эдим,масжиду жомъеда Ҳусайн Воиз нутқ сўзлаётган эканлар, шунга маҳлиё бўлиб қолибман».

Кўринадики, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг нутқлари ўзининг жозибадорлиги билан ҳар қандай кишини жалб қила олган.

Айтишларича, унинг суҳандонлик маҳоратини Алишер Навоий билан бир қаторда Ҳусайн Бойқаро ҳам юксак баҳолаган. 1492 йил 8 ноябрь куни буюк шоир Абдурахмон Жомий вафот этади. Дафн маросимида Алишер Навоий ўзининг марсия-бағишлов шеърини ўқиб эшиттиришни Ҳусайн Воизга топширганлиги ҳақида маълумотлар бор. Бу маълумотдан кўринадики, матнни чиройли, равон, ҳаммага тушунарли қилиб

ифодали ўқиш ҳам оғзаки нутқ маданиятининг бир кўринишидир. Шеърӣй ва насрий асарларни ифодали ўқиш, ёд олиш, сўзлар талаффузига эътибор бериш нотик нутқини чархлаган ва зеб берган. Айниқса, шеърӣй матндаги гўзал бадий санъатлар, хилма-хил ташбеҳу-ишоралар, ибораю-ифодалар, тажнису-ифодалар табиӣй ҳолда оғзаки нутққа беқиёс жило ва сайқал беради. Бадий санъатларнинг тажнис, тавзиъ, иштиқоқ, саъж ва бошқа турларидан хабардор талаба сўзларнинг оғзаки тарзда тўғри талаффуз қилиш кўникмасига эга бўлган. Бу сўзни сўздан фарқлаш, бир ўзакдан ҳосил бўлиши мумкин бўлган сўзлар йиғиндисидан хабардор бўлиш, товушдош сўзлардан фойдаланиш имконини берган.

Абдулла Авлоний ўзининг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида тил ва сўз одоби ҳақидаги умумий-инсоний фикрларни шундай таърифлайди: «сўз инсоннинг даража ва камолини, илм ва фазлини ўлчаб кўрсатадурғон тарозудир. Ақл соҳибалари кишининг дилидаги фикр ва ниятини, илм ва қувватини, қадр ва қимматини сўзлаган сўзидан билурлар». «Бошимизга келадурғон қаттиғ кулфатларнинг кўпи юмшоқ тилимиздан келадур». Шунинг учун «кўп ўйла, оз сўйла» демишлар (266-267 бетлар). Яна бир ўринда: кўп сўзлилиқ ёлғонга, сохталикка мойиллик эканлигига ишора қилади:

**Миси чикгай кўп бўлса, бир кун.**

**Кўпайган сўзнинг бўлғай тўғриси оз,**

**Шакарнинг кўпидан ози бўлур соз.**

Олим сўз ва ундан ҳосил бўладиган фикрлар йиғиндисига катта масъулият билан қарайди. У илмсиз, нодон киши фикрлашдан, мушоҳада қилишдан маҳрумдир. Ундай кишилар маънавий жихатдан тубан ва қашшоқдирлар, ҳатто жоҳилдирлар деб ҳисоблайди. Бундан кўринадики, илми фасоҳат соҳиблари илмли бўлиши билан бир қаторда фаросатли бўлишлари ҳам лозим. Бу ўринда, адабиётнинг, сўз санъатининг ўрни беқиёсдир. Чунки, адабиёт фикр тўлқинларини сўзлар, гаплар ёрдами билан тасвир қилиб бошқаларда ҳам шу тўлқинларни яратади. Ақл ва фаросат билан қўлланилган сўз ва гап фасоҳат илмини бойитади. Буюк фасоҳат илмининг соҳиби Абдулла Қодирий «Йўсинсиз равишда хотирға келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимок фазилат саналмайди. Сўз қолип, фикр унинг ичидаги хумдонидан

пишиб чикқач янги хаёт айвонига асос бўлиб ётсин! Сўз сўзлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак»<sup>1</sup> дейди.

Ёзувчи ўз мулоҳазаларига ҳамиша амал қилиб келди ва сўз санъатининг гўзал намунасини яратди. Асарларида иштирок этган қаҳрамонлар нутқига ҳам чуқур маъно берди. Ёзувчининг романларини ўқиган китобхон муаллифнинг табиатан қандай шахс эканлигини билиши ва тасаввур қилиши мумкин. Чунки унинг қаҳрамонлари сўзлаган сўзлар, уларнинг нутқи бевосита ёзувчининг табиатини, руҳини тасвирлайди. Бунини биз Юсуфбек Ҳожи, Отабек, Анвар Мирзо нутқи орқали Абдулла Қодирийнинг фасоҳатини тасаввур қиламиз.

Табиийки, бу масалага доир фикрларни деярли барча истеъдодли сўз санъатлари ижодида учратиш мумкин.

Кези келганда, бир мулоҳазани айтишини жоиз топдик. Баъзан айрим давраларда, тўй-ҳашамларда, ҳатто оммавий ахборот воситаларида сўз олган айрим туппа-тузук саводли кишиларнинг нутқини кузатганимизда уларнинг нутқий нуқсонларига дуч келамиз. Кузатилган натижалардан, илмий маълумотлардан оғзаки нутқ соҳибларини рамзий маънода тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

1) Бундай кишиларнинг айтар сўзи маъноли, ҳар бир сўзга масъулият билан қарайди. Айтмоқчи бўлган фикрини гўзал ибора, мақол, ҳикматлар билан безайди. Улар суҳбатида бўлган кишилар маънавий озиқ оладилар, билмаган нарсаларини билиб оладилар. Халқимиз бундай кишиларни «донишманд» дея ардоқлайдилар. Бундай кишилар Саъдий Шерозий таъбири билан айтганда, мазкур ақидага амал қилганлардир:

**Нодонлардек юзлаб сўзни қилма қатор,**

**Донолардек бир сўз дегил, лек маънодор.**

2) Яна бир тоифа кишилар эса «донишманд»ликнинг бутунлай акси бўлиб, уларни халқимиз «нодон» дея атайди. Бундай кишилар фикрида мантиқ бўлмайди ва атрофидаги кишиларнинг кўнглини хуфтон қилишдан завқланади. Бисотидаги сўзлар жамламасининг аксариятини хунук жаргон атамалар ташкил этади.

3) Айтар сўзи нотайин бўлган кишилар тоифасидир. Бундай кишилар тинимсиз, пала-партиш гаплар уюмига кўмиб ташлайди.

---

<sup>1</sup>. Ватан ва миллат муқаддасдир. – Тошкент: «Маънавият», 2000, 67- бет.

Улар нутқини кузатсангиз, унинг замирида саводсизлигини яширишга ҳаракат қилаётганини сезиб олиш қийин эмас. Бундай кишилар нутқи ҳатто инсон саломатлигига зиён етказади, асаб-руҳиятига салбий таъсир қилади.

4) Фикрини баён қилолмайдиган нутқи ғариб кишилардир. Уларнинг оғзаки нутқи шаклланмаганлиги учун фикрини баён қилишда қийналади. Имкониятдан чиқиш учун эса, турли тиллардан бисотидаги бор сўз бойлигидан фойдаланишга интилади. Иложсиз қолганда эса, суҳбатдошининг кўмагини кутади ёки кўл ҳаракат ва имо-ишоралардан фойдаланади. Хўш, ҳозирги авлод вакиллари ҳам илми фасоҳат, илми балоғат фанини ўрганиши мумкинми? Бу илмни қандай ўрганиш керак ёки қаерда ўрганиш керак? Айниқса, кўпчилик билан мулоқот қиладиган мутахассислар бу санъатни ўрганиш йўллари билладими? Айтайлик, ҳуқуқшунос бир гуноҳкорнинг айбини аниқлаш учун суҳбат ўтказаётир. Айбдор эса кимгадир заққум бериб, гуноҳ қилган. «Заққум» сўзи икки хил маънога эга бўлиб, «Заҳар» ва «Қаймоқ» маъноларини ифодалайди. Гуноҳкор мазкур сўзнинг иккинчи маъносини назарда тутиб туриб олса, табиийки, унинг айби енгиллашади. Сўзнинг иккинчи маъносидан беҳабар ҳуқуқшунос эса ҳақиқий айбдорни топиши лозим.

Мумтоз адабиёт вакиллари, айниқса, илми фасоҳатдан хабардор шоирлар ҳар бир сўзни етти ўлчаб бир кўллаганлар. Ҳатто бир сўз таркиби, маъноси билан боғлиқ жанрлар мавжуд бўлган. Ҳар бир истеъдодли шоир кам сўз ишлатиб, кўп маънони англатишни бурч-санъат деб англаганлар. Илми фасоҳат, илми балоғат санъати кишини иймонли, фаросатли, виждонли бўлишини ўргатадиган фан ҳамдир. Чунки, ҳар бир иймонли киши оғзидан чиқадиган ҳар бир сўзга масъулият билан қарайди ва сўзнинг муқаддаслигини ҳис қилади. Ҳатто, сўзга илоҳий неъмат сифатида қаровчи шахслар ҳам мавжуд бўлиб, улар уни увол қилишдан кўрққанлар. Айниқса, санъат аҳли кўп, кераксиз, маъносиз сўзлар, маъноли сўзни босиб қолувчи оғир юк эканлигини ҳис қилганлар ва ана шу юкдан эҳтиёт бўлганлар. Бобурнинг ўғли Ҳумоюн Мирзо сўз бисёру беўрин ишлатилган асарни қат-қат кийим кийиб олган одамга қиёслайди: сўзларнинг кўп ва ўринсизлиги маъно одимини, қадимини узайтиради:

**Суханро поя гар эъзоз набошад,  
Тарзи хилъаташ ийжоз бошад.**

Машҳур шоир Фузулий эса, сўз қадри ҳақида янада ибратли мулоҳаза юритади:

**Гар чўқ истарсан,Фузулий, иззатинг,  
Ким чўқ ўлмоқдан қилибдир чўқ азизи хор сўз.**

Илми фасоҳат бевосита нотиклик маданияти бўлиш билан бир қаторда, сўзларни тўғри талаффуз қила билиш маҳорати билан ҳам боғлиқдир. Мадрасалар ўқув дастурларида, дарслик ва қўлланмаларида тилшунослик фани билан боғлиқ машғулотлар хусусида ҳам мулоҳазалар учрайди. Хусусан, сўзлар талаффузига алоҳида диққат қилинганлиги, айниқса, арабий, форсий тилларга бўлган эътибор кўзга яққол ташланади. Айниқса, оғзаки нутқда ишлатиладиган сўзлар талаффузи, нутқнинг равонлиги, мазмундорлигини оширишини инобатга олган муддарислар талабалар эътиборини шу масалага қаратганларини кўрамиз. Чунки, талаффуз қилинаётган арабий, форсий сўз тингловчига тушунарли ва манзур бўлиши учун унинг таркибидаги товушларни талаффуз меъёрига эътибор бериш муҳим аҳамиятга эга. Товушлар бузиб ёки чала талаффуз қилинса сўзнинг маъноси бузилишига таъсир кучи йўқолишига сабаб бўлади. Шу боис, сўзнинг асл ҳолича талаффуз қилиниши жиддий назорат қилинган кўринади. Акс ҳолда, фасоҳат илмини шакллантириш, нотиклик маданиятини ўзлаштириш имкони бўлмас эди.

Илми фасоҳат юқорида тилга олинган усуллар билан бир қаторда, эл назарига тушган воизлар, сўз усталари, нотиклар, сухандонлар билан яқиндан мулоқат қилиш, уларнинг маҳоратини ўрганиш, уларга шогирд тушиш, улар иштирок этган мажлисларга қатнашиш, уларга мухлис бўлиш каби амаллар ҳам қўлланилганлиги ҳақидаги маълумотларга дуч келдик. Алишер Навоий сўз ҳақида шундай ёзади:

**Сўз гуҳарига эрур анча шараф,  
Ким, бўла олмас анча гавҳар садаф.**

Шоир сўзни гавҳарга қиёс қилар экан, демак, унинг қийматига яраша иш қилмоқ, сўзга гавҳардек товланишни, жилони бермоқ фасоҳат илмидан хабардор кишининг вазифаси бўлиб қолган. Донишмандлар бир ўринда яхши воиз нутқни

мушки-анбарга қиёс қилишган. Чунки у ўз суҳбати билан атрофга хушбўй ҳид таратиб, кишиларга ҳузур бахш этади, руҳиятини кўтаради. Хулоса қилиб айтганда, тил, нутқ инсониятни ўтмиши ва келажак замонни бир-бири билан боғловчи ришта ҳам ҳисобланади.

Ўғзал нутқ соҳиблари, фасоҳатли кишилар туб сўзлар эвазига нутқни, тилни бойитганлар, янги сўзларни яратиб, аввал ишлатилган сўзларни янги маънолар билан тўлдирганлар. Халқ шевалари ва лаҳжалари ҳисобига сўз шакллари, маъно ва мазмун доираларини кенгайтирганлар. Натижада, оғзаки нутқда яйраб, қусурсиз фикр-мулоҳазаларини баён этганлар. Бундай кишилар ўз даражасини, салмоғини, ўрнини, мақеини яхши билганлар.

Шунинг учун ҳам халқимиз «Тилга ихтиёрсиз, элга эътиборсиз» дея бежиз айтмаган. Алишер Навоий тили билан айтганда, яхши суҳбат, яхши сўз, яхши илм «кўнгул уйини бир жаҳонга айлантиради».

Шундай экан, бу илмдан бугунги авлод ҳам хабардор бўлса, мақсадга мувофиқ бўлган бўлар эди. Ўтмиш авлодларимизнинг умрбоқий ўғитларига амал қилиб, мактаб, лицей, коллежларда, олий ўқув юртларида ўтиладиган тил ва адабиёт машғулотларида талабалар нутқини қаттиқ назорат қилиш, оғзаки баён эта билиш қобилиятини кўтариш, кўпроқ бадий асарларни ўқишга тарғиб қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Тоқай, улар ўқиган асарларини, гувоҳ бўлган воқеаларини, мулоқот жараёнида айтмоқчи бўлган фикрларини эркин баён қила билиш кўникмасини ҳосил қилсин. Маълумки, мадрасаларда Қуръони Карим ва бошқа матнлар талабалар томонидан баланд овозда қироат билан ўқитилган ва юксак ижобий натижалар берган. Мазкур усулларни ўқитувчи адабиёт дарсларида инобатга олиб, ислоҳ қилган ҳолда қуйидаги ҳолатларга машғулотлар жараёнида эътибор бериб борса, самарали натижаларга эришиши мумкин:

1. Тақдим этилган матнни ифодали, раво овозда ўзи ўқиши ва ўқувчиларга ўқитиш.
2. Дарсликда матн асосида тавсия этилган савол-топшириқларни навбати билан бериб изчилликка амал қилган ҳолда ўқувчилар жавобларини қаттиқ назорат қилиш.
3. Ўқувчиларнинг ўзаро муносабатларига, муомала савиясига алоҳида эътибор бериш.

4. Ўқувчиларнинг асосий мавзудан чалғиб кетишларига йўл қўймаслик.
5. Талабалар нутқини ўзбек халқ мақоллари, ибора, ҳикматли сўз, ибратли ҳикоят, ривоят, таниқли тарихий шахсларнинг мантиқий мулоҳазалари билан бойитиш йўлларини ўргатиш.
6. Умумтаълим мактаблари лицей, коллежлар учун тузилган дарслик мажмуаларида кичик ҳажмдаги яхлит эртак, ҳикоя, роман, қисса жанридан намуналар киритилган. Ўқувчилар нутқини оширишда мазкур асарлардан бирини танлаб олиб, асардаги сўзлар иштирокида тугалланган асарни давом эттириш, асар қаҳрамонларининг кейинги ҳаётини ўқувчилар тасаввурида давомини тинглаш ёки йирик ҳажмдаги романлар қаҳрамонларининг номларини, даврни ифодаловчи маълумотларни ўқувчиларга тавсия этиб, «Сиз асарни қуйидаги маълумотлар асосида қандай бошлаган ёки якунлаган бўлар эдингиз?» тарзидаги топшириқ билан асар тўқиш усулини қўллаш.
7. Асар таҳлили ва мунозарасига бағишланган машғулотда эса, қаҳрамонларни икки йўналишда (салбий ва ижобий ёки бир ёқлама тарзда таҳлил қилишга йўл қўймаслик). Ёзувчи салбий ёки ижобий қаҳрамон орқали инсон тимсолини ёритганлигини, ўқувчилар салбий қаҳрамондан ижобий хислатни, аксинча, ижобий қаҳрамондан камчиликларни қидиришга оид фикрларини эркин баён қилиш имконини бериш.
8. Ўрганилаётган асарда иштирок этган ёзувчи шахси ҳақидаги фикрларини билиш.
9. Асар қаҳрамонларининг кечинмалари ва хатти-ҳаракатлари орқали улар шахсини баҳолашга ўргатиш.
10. Асар тили ва бадиий хусусиятлари, ёзувчи услуби, асар тузилиши ҳақида ўқувчилар фикрини билиш.
11. Таниқли суҳандон, сўз санъаткорлари, сахна усталари томонидан ўқилган матн намуналарни техник воситалар орқали эшиттириш ва намойиш қилиш.
12. Ўқувчилар билимини баҳолашда эса улар нутқи ҳам баҳоланаётганлигини маълум қилиш. Ўқувчилар нутқини оширишда улар кутмаган, ҳаёлига келмаган аммо мавзуга дахлдор саволлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан:

1. Алишер Навоий яшаган Ҳирот шаҳрини қандай тасаввур қиласиз?
2. Агар сиз «Ўтган кунлар» романидаги Отабек ўрнида бўлганингизда ҳаётий муаммоларингизни қандай ҳал қилган бўлар эдингиз?
3. Алишер Навоий сизнинг замондошингиз бўлганда қандай асарлар яратган бўлар эди?
4. Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг Ҳиндистондаги ҳаётини қандай тасаввур қиласиз?
5. Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» асарини қандай воқеа билан тугашини ҳохлайсиз?
6. Сизнингча, ўтмишда шоир ва ёзувчилар қандай ўқув, ёзув куролларидан фойдаланишган?
7. Сиз Алишер Навоийнинг замондоши бўлсангиз, қандай илмларни, қандай соҳани танлаган бўлар эдингиз?
8. Ўтмишда сиз тенги ўқувчиларнинг ўқув дарсхоналарини, кийим-кечакларини, дарсликларини, ўқув куролларини қандай тасавур қиласиз?

Тахминан мазкур мазмундаги топшириқлардан ўқувчилар фикрлаш доирасини, орзу-ўйларини, кишини таажжублантирадиган фикрларининг гувоҳи бўласиз. Улар ўз фикрларини янги ёки қачондир эшитган, аммо амалда қўлламаган сўзларини қўллай бошлайди. Шунингдек, ғайриоддий, ҳаёлпарастликларга ундайди. Энг муҳими, улар ўз кўнгилларига ёқадиган истиқболни орзу қилади ва кашфиётчилик туйғуси шаклланади. Воқеа-ҳодисаларнинг фақат ташқи кўринишини ўрганишга ҳаракат қилади ва ўз нутқида имконқадар ёритишга интилади.

Чунки, бу мустақил фикрлар унинг шахсий сўзи орқали баён этилади. Машғулотдаги айтилган фикр, китоб фикри, ўқитувчи фикрининг оддий такроридир. Яъни шаблон сўзлар атрофида айланган болаларнинг оғзаки нутқи жуда оддий бўлиб, сўз бойлиги камчиликни ташкил этади.

Мазкур тилга олинган камчиликларни бартараф этиш, талабаларнинг кўнгли, унинг руҳиятини ва маънавиятини камолга етказишда фаолият кўрсатадиган тил ва адабиёт машғулотларининг савиясини кўтариш билан эришиш мумкин.



## ХУЛОСА

Юртимиз тарихининг асрий пойдевори саналган мадрасалар таълимини ўрганар эканмиз, уларнинг бугунги кунда ҳам қўллаш мумкин бўлган ижобий анъаналарга эга эканлигига амин бўлдик. Катта эзгу ниятлар билан мадрасалар барпо этган, юртимиз шон-шуҳратини илм-маърифат орқали кўтаришга интиланг авлодларимизнинг беминнат хизматларини юракдан ҳис этдик. Илмга бўлган интилиш халқимизнинг асрий орзуси бўлган. Ана шу интилиш мадрасалар таълимида ўз ифодасини топган ва бой, бетакрор тажрибаларнинг умумлашишига сабаб бўлган.

Муҳими, мадрасалар таълимининг бош ғояси бу ахлоқ илмини ўргатиш, гўзал имонли фазилатларга эга бўлиш каби ахлоқий-таълимий масалаларни бош мезон қилиб белгилаган.

Зеро, юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек: «Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданиятини ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади».

Ана шу нуқтаи назардан олганда маънавият сарчашмаси саналган мадрасалар таълими тарихи, унда қўлланилган ўқитиш усуллари тарихи жуда бойдир, уни ўрганиш ва тушуниш муҳим масалалардан бири эканлигини инобатга олиб қисман бўлса-да ўрганишга ҳаракат қилдик.

Хусусан, мадрасалар таълимида ўқитиш усуллари тарихи ва хиллари, турларини аниқлашга ҳаракат қилдик. Айрим муқобил шакллари ислоҳ қилган ҳолда, илмий-назарий жиҳатларини белгилаб олдик ва тажриба-синов шаклида амалиётда фойдаланишга ҳаракат қилдик.

Маълумки, таълим тизимидаги жорий талабларга кўра, олий ўқув юртларида, хусусан, филология факультетларининг ҳар бир босқичида ўзбек адабиёти тарихига қайта-қайта мурожаат этилади. Фаннинг бу соҳасини ўрганишнинг турли усуллари ва воситалари амалиётида қўлланилади. Айниқса, ўқув дастурида махсус танланма фанларнинг киритилиши ўзбек адабиёти тарихи фанини янада чуқурроқ ўрганиш имконини бермоқда. Бу ўринда Самарқанд Давлат университети, филология факультети қошидаги ўзбек мумтоз адабиёти тарихи кафедраси профессор-ўқитувчиларининг саъйи-ҳаракатлари алоҳида

диққатга сазовордир. Кафедра ўқитувчилари деярли ҳар машғулотда мумтоз шеърят сир асрорларининг назарий асосларини талабаларга етказишга интиломоқдалар. Айниқса бакалавр таълими гуруҳларида ўтиладиган маърузаларда тасаввуф таълимоти ҳақида берилган маълумотлар амалий машғулотларда ўз самарасини бериб келмоқда. Намуна сифатида филология факультети IV босқич бакалавр гуруҳида олиб борилган амалий машғулот натижасини илова қилишни лозим топдик. Машғулот танланма фан бўлиб, унинг мақсади «Мумтоз шеърят матнларининг бадиий таҳлили» масаласига қаратилган мадрасаларда қўлланилган ўқитиш усулларини ислоҳ қилган ҳолда амалиётда қўллашдан иборат бўлди.

Дастлаб машғулотда иштирок этаётган 40 дан ортиқ талабаларни II гуруҳга ажратдик. Биринчи гуруҳ талабаларига мадрасаларда қўлланилган айрим усуллар асосида машғулот олиб борилди ва тажриба синов ўтказилди. Иккинчи гуруҳда эса одатий машғулотлар олиб борилди.

Машғулот мавзусини «Сиз севган ғазал таҳлили» деб номладик. Ғазал танлаш ҳуқуқи талабаларга берилди, улар ўзаро келишиб Бобораҳим Машрабнинг «Ўртар» ғазалини таҳлил этишни лозим топдилар. Чунки уларнинг аксарияти ғазални ёддан билишар экан. Дастлаб бир талаба томонидан ғазал ифодали ўқилди. Шундан сўнг Ўзбекистон халқ ҳофизи Муроджон Аҳмедов томонидан куйланган мазкур ғазал матни асосидаги қўшиқ магнитофон орқали тингланди. Машғулотнинг кириш қисмини бу тарзда бошлашдан асосий мақсад, талабаларни ғазал матнига яқинлаштириш, бажарилиши лозим бўлган ташриққа руҳан тайёрлашдан иборат эди.

Шундан сўнг, ўқитувчи томонидан Машраб лирикаси, унинг мавзу доираси хусусида сўз юритилди:

Маълумки, Машраб шеърятини ўзининг бадиий юксаклиги, ҳис-туйғуларни жўшқин ифодалаши билан алоҳида ажралиб туради. Шунингдек, унинг ғазалларининг гўзал фазили асосан икки нуктада кўзга ташланади: бир томондан, маъно ва мазмун баркамоллиги фаровонлиги, иккинчи томондан ифода мушаккабчилиги тоғ жилғалари каби шарқироқ оқимида ўзлигини кўрсатиб туради.

Шоир ҳар мисрада нозик нуқтапардозлиги, халқ ижодига хос бўлган маъно ва манзараларига бойлиги, жозибали самимияти билан минг қиррали олмосдай товланиб ўз мухлисини сеҳрлайди. Унинг ғазалларида исёнкорлик руҳи кўзга ташланиб туради. Унинг шеърларидаги тафаккур дурдоналари, одам ва олам ҳақидаги мушоҳадалари, ҳаётий хулосалари ўзига хосдир.

Талабалар томонидан танланган «Ўртар» радифли ғазал ҳам шоир қалбини, изтиробларини, ёрқин маҳоратини тўла намоён этадиган ғазаллардан биридир. Шу боис ушбу ғазал асрлар давомида ўз мухлисларини ром этиб келмоқда. Ҳозирги кунда ҳам шоирнинг бу ғазали умумтаълим мактаблари, академик лицей, коллеж ва олий ўқув юртларининг ўқув дастурларига киритилган. Мазкур ғазал матни асосида хонандалар ва бастакорлар томонидан қўшиқ ижро этилиб келинмоқда.

Машғулотнинг қисқа кириш қисмидан сўнг, ҳар икки талабага бир байтдан ғазал матни тарқатилди. Маълумки, адабий ўқитиш билан боғлиқ машғулотларда талабаларнинг оғзаки нутқ маданияти муҳим аҳамиятга эгадир. Бу соҳага бўлган эътибор мадрасалар таълимида ҳам алоҳида инobatга олинган ва бу илми фасоҳат ёки балоҳат фани сифатида алоҳида ўрганилган.

Шу боис, тажриба синов машғулоти жараёнида, талабаларнинг оғзаки нутқ маданиятини, фикрни изчил, равон, ғазал матнидаги сўзлар воситасида ифодалаш жиҳатларига алоҳида эътибор берилди. Юқорида қайд этилган мулоҳазаларни ўзбек филологияси факультетининг 4-босқич гуруҳида тажриба синови ўтказилди. Махсус ажратилган тажриба-синов гуруҳидан 2 та иқтидорли талаба танлаб олинди. Улардан бирига талабалар қўллаган сўзлар сонининг умумий миқдорини аниқлаш топширилди. Иккинчисига эса талабаларнинг мавзуга дахлсиз тузилган мазмунини бузадиган, паразит (зарақунанда) сўзларнинг миқдорини аниқлаш вазифаси топширилди. Машғулотнинг кейинги босқичида талабалар матн, ҳар бир байт устида ишлаб қуйидаги топшириқни бажаришга киришдилар. (Назорат натижалари 4-жадвалда келтирилган).

1. Ғазалнинг тузилиш тартиби ҳақида маълумот беринг.
2. Ғазал радифини аниқланг ва изоҳланг.
3. Ғазалдаги ички ва ташқи қофиядош сўзларни аниқланг.

4. Ғазал арузнинг қайси баҳр вазнида ёзилган. Чизмада изоҳлаб беринг.
5. Тушунилиши қийин сўзлар луғатини тузинг ва шарҳлаб беринг.
6. Ғазалда қўлланилган бадий санъат турларини аниқланг ва изоҳлаб беринг.
7. Ғазалнинг шоҳ байтини аниқланг ва изоҳлаб беринг.
8. Ғазалдаги бошқа тиллардан олинган сўзларни ўзбек тилига таржима қилинг.
9. Ғазалдаги шоир шахсиятига ишора берилган сўз, ибора, байтни аниқланг.
10. Сизнингча, ғазалда бир ўзакдан ясалган сўзлар (иштиқоқ) борми?
11. Ғазалда иборага, мақолга, ҳикматли сўзларга дуч келдингизми?
12. Ғазалдаги лирик қаҳрамонни аниқланг (ошиқ, маъшуқа, Оллоҳ, аниқ бир шахс, шоир ва ҳ. к.) ва изоҳлаб беринг.
13. Ғазал матнини таҳлил қилинг. Насрий баёнини беринг.
14. Маъшуқа тимсоли қайси байтларда тасвирланган?
15. Шоирнинг адабий таҳаллуси ҳақидаги фикрингизни изоҳланг.
16. Ғазал ҳақида якуний хулосангизни беринг.

Тажриба-синовнинг биринчи босқичида талабалар саволларга дастлаб ёзма тарзда жавоб қайтардилар. Иккинчи босқичида эса, гуруҳ билан биргаликда оғзаки тарзда таҳлил қилинди ва мунозара ўтказилиб борилди.

1. Ғазал «Ўртар» радибли бўлиб, унда жами 139 та сўз қўлланилган бўлиб, 9 байтдан иборатдир.
2. Ғазалдаги қофиядош сўзлар аниқланди: жаҳон, хонумон, гирён, чунон, фиғон, забон, ниҳон, осмон, баён, устихон, жовидон ...
3. Ғазалдаги ички қофия: хонумон, чунон, фиғон, забон, ниҳон, осмон, баён, устихон, жовидон, ташқи қофия эса «ўртар» сўзларидан иборатдир.
4. Ғазал арузнинг ҳазаж баҳрининг (ҳазажи мусаммани солим) баҳрида ёзилган. Чизмада қуйидагича изоҳланди:  
А-/гар/о-/шиқ/-ли/-/ғим/айт/сам, ку/юб жо/ну жа/ҳон ўр/тар  
Бу/ишқ сир/рин ба/ён эт/сам, та/қи ул хо/ну/мон ўр/тар.

5. Тушунилиши қийин бўлган ва бошқа тиллардан олинган сўзлар изоҳи:

- 1) тақи – тағин, яна.
- 2) хонумон – уй-жой, бехонумон – уй-жойсиз (форс-тожикча).
- 3) гирён – йиғловчи, йиғлаб турувчи, йиғичи.
- 4) сўнгак – суяк.
- 5) забон – тил (форс-тожикча).
- 6) жовидин – адабий, доимий, мангу.
- 7) ниҳон – яширин (форс-тожикча).
- 8) биҳишт – жаннат.
- 9) устихон – суяк (форс-тожикча).
- 10) машҳар – қиёматда қайта тириладиган жой.

6. Ғазалда қўлланилган бадий санъат намуналари:

*На қаттиг кун экан, дилбар, висолингдин жудо бўлмоқ,  
Менинг оҳим ўтига бул замини осмон ўртар.*

Шоир бу байтда муболаға санъатини маҳорат билан қўллайди. Яъни лирик қаҳрамон оҳу-фигонларининг ўтидан еру-осмон ўртанишини бўрттириб тасвирлайди. Бу ҳол бадий қаҳрамоннинг ички изтиробларини яққолроқ намоён этишда муҳим восита вазифасини бажарган.

Машраб яна бир неча ўринда ғазалнинг ташқи радифи билан биргаликда жаҳон ўртар, хонумон ўртар, сўнгакларни ниҳон ўртар, осмон ўртар, устихон ўртар каби бирикмаларни ҳам келтиради. Шоир «ўртанмоқ» сўзини инсонга хос хусусият сифатида қўлласа-да, аммо маънони кучайтириш мақсадида, жонсиз нарсаларга (жаҳон, хонумон, сўнгак, осмон, устихон) инсон хусусиятларини кўчириб ташхис санъатини қўллайди. Яъни, нарсаларни шахслантиради, одамга айлантиради. Ғазалнинг 6-байтида эса, тазод санъатини қўллайди: замини осмон сўзи қарама-қарши маънони ифодалайди.

7. Аслида ғазал шоҳ байт билан бошланган бўлиб, шоир ишқ мавзусини очиб беришга интилади. Қолган байтларда эса мазкур мавзуни янада ёрқинроқ, теранроқ ёритишга интилади.

8. Ғазалда шоир шахсияти яъни «мен»и биринчи байтдаёқ ўқувчи кўзи олдида намоён бўлади.

Чунки, ғазалдаги ошиқ, шоирнинг ўзидир. У ўз ошиқлигини баён этиш билан ғазални бошлайди. Ошиқликнинг сабабларини,

окибатларини бошқаларга ҳам тушунтиради. Бу ҳол иккинчи байтда жуда чиройли ифодаланган. Шоирнинг шахсияти мазкур бирикмаларда: (мен) нечук тоқат қилай - (менинг) ғамим, (менинг) юрагимни, (мени) бехонумон, (мен) «Нигора!» отинг айтсам, (мен) баён айлай, (менинг) тилим лол, кўзим гирён, (менинг) оҳим, (менда) қолмади тоқат, (мен) бу дард ила хароб бўлдим, (менинг) унум чиқса, (мен) оҳ урсам, яққол намоён бўлади.

9. Ғазалда маъшуқа тимсоли қуйидаги бирикмалар орқали намоён бўлади: (сенинг) - фироқингда, (сенинг) шавқингдин, (сен) эй жоно, сенинг васфинг баён айлай, (сен) дилбар, (сенинг) висолингдин жудо бўлмоқ), (сен) келиб ҳолимни сўрмассан. Ғазалда маъшуқа тимсоли, шоирнинг ишқий изтиробларини ёрқин намоён этади. Шу ўринда Машраб таржима ҳолида қайд қилинган Офоқ Хожа канизаги билан бўлиб ўтган ишқий можароларга ишораларни юқоридаги бирикмалардан англаб олиш мумкин.

10. Иштиқоқ санъати («сўздан сўзни ажратмоқ») деган маънони ифодалайди. Яъни шеър байтларида ўзакдош сўзларни қўллаш Машрабнинг «Ўртар» ғазалида ҳам учрайди:

Масалан, ошиқ – ишқ, ғам – алам, дард – фироқ – жудо каби сўзларни олишимиз мумкин.

11. Шоир таҳаллуси унинг характер хусусияти, тақдири, майли, рухий ҳолати, кайфияти ҳисобга олинган ҳолда танланган.

Машраб – араб тилидан олинган сўз бўлиб, табиат, характер, одат, хулқ, равиш, баҳра, насиба, ғоя, маслак, сув ичиш, сув олиш жойи, сув, шароб, шароб ичиш жойи каби маъноларини англатади. Айрим ўринларда шоирнинг тасаввуфий ғазаллари мазмунидан келиб чиқиб «илоҳий шаробга етишмоқ» каби маънога ҳам нисбат берилган. Бундан ташқари, у Риндий, Умам, Маҳдий, Зинда каби таҳаллуслари билан шеърлар ёзган. Шоир «Машраб» таҳаллусини қўллаганлигини қуйидагича изоҳлайди: «Ҳар киши манга рафиқ бўлса, ман анга рафоқат қилурман. Ҳар қозонга тушсам қайнайдурман, анинг учун отим Машраб кўйдум». «Қиссаи Машраб» (32-бет).

Ғазал матнидаги асосий изоҳталаб сўзлар, адабий-илмий иштибоҳлар аниқлангандан сўнг ғазалнинг насрий баёнини изоҳлашга киришилади.

Машраб ғазалининг шоҳ байтида ўз ошиқлиғининг сабаларини ифодалашни мақсад қилган. Унинг ишқ дарди ниҳоятда изтиробли, азоблиси, уни тинглаганнинг жону-жаҳони ўртаниб кетади. Чунки, унинг ишқи шу қадар сир-асрорга тўлаки, унинг хонумонини, борлиғини, вужудини ўртайди. Шоир ишқни оловга, оташга қиёслайди. Агар оташ ишқнинг кичик бир зарраси киши қалбига етса, у ўзини кўярга жой топмай, ҳар томонга ўзини уради, яъни гирён бўлади. Бесабр-бетоқат бўлиб, унинг юрак бағри азобда қолиб ўртанади. Бу оғир дардга қандай тоқат қилишга бардоши етмаётганлигини дўстларига баён қилади. Шоир кейинги мисрада ғамни алоҳида аламни алоҳида таърифлар экан, фиғон чекмоқ, фарёд чекмоқ энг азоб эканлигини алоҳида таъкидлайди. Ғазалнинг кейинги байти янада изтиробли бўлиб, ўзининг ёлғизлигини, уй-жойсиз қаландар эканлигини, бу ҳам етмагандай айрилиқ азоби уни қийнаётганлигини баён этади. Шоир маъшуқасининг номини «Нигоро» дея айтса, шу сўзнинг оташи тилини ўртайди, нидо чекади.

Кейинги байтда шоир ўз маъшуқасидан илтижо қилиб, қайси тил билан сенинг висолинг васфини (таърифини) баён қилишни сўрайди. Чунки, ошиқнинг баён қилувчи тили лол, кўзи намли, вужудида сирли азоб яширин. Лирик қаҳрамон учун маъшуқасидан айрилган кун, оғир кун саналади. У фиғон қилса, оҳ урса унинг тутунига еру-осмон ларзага келади. Ошиқнинг дарди, ғами шу даражада қатма-қатки, натижада сабр-тоқати қолмайди. Шу ўринда лирик қаҳрамон ўз маъшуқасидан гина қилади, бу ишқ дарди уни хароб қилаётганини, унинг аҳволидан хабар олмаганлиги туфайли ўртанаётганлигини илтижоли тарзда баён этади.

Ғазалнинг сўнгги байтида шоир Оллоҳга мурожаат қилиб, унинг қалбидаги дардни ҳеч кимнинг бошига солмаслигини илтижо қилади. Ошиқ қиёматда, қайта тириладиган жойда оҳ урса, жаннат ҳам абадий ўртанади дея ғазал тугалланади.

Ғазалнинг насрий баёнини яратиш жараёнида талабалар Машрабнинг руҳий манзараларининг энг юксак чўққиси ифодаланганлигини англадилар. У тасаввур ғояларини тарғиб қилувчи етук мутафаккир, мутасаввуф шоир бўлиши билан бирга, оддий инсоний кечинмалар куйчиси сифатида ҳам намоён бўлади. У ўз маъшуқаси олдида изтиробланиш каби

кечинмаларни маҳорат билан самимий ифодалай олган ғазалдаги бадиий тасвир воситалари ҳам ўзига хосдир. Унда кутилмаган халқона ифодалар кўзга ташланади. Шоир ўз бадиий маҳорати билан мухлиси олдида қалб сирларини ошкор этади ва унинг яқин суҳбатдошига айланади.

Бир сўз билан айтганда, Машрабнинг «Ўртар» радифли ғазалининг бадиий таҳлили талабаларга шоир шахсини, дунёқарашини, фалсафасини, шеърининг моҳиятини қисман бўлса-да очиқ беришга асос бўлди.

Байтма-байт қилинган ғазал таҳлилидан сўнг талабалар умумий хулосаларини қуйидагича ифодаладилар.

- 1) Бобораҳим Машрабнинг «Ўртар» ғазали тасаввуфий йўналишида бўлиб, бунда Оллоҳга бўлган ишқ куйланган.
- 2) Ошиқ ишқи наинки жон, балки жаҳонни ўртайдиган даражада кучлидир.
- 3) Агар Оллоҳ ишқидан лоақал бир заррасигина инсон кўнглига тушса, шу заррарнинг ўзиёқ оллоҳга етишмоқ йўлида уни бесабр, бетоқат қилиб қўяди.
- 4) Лирик қаҳрамон яъни шоирнинг ўртанаётганлиги сабаби, унинг юрагига жо бўлган ниҳон-яширин куч-қудратдан ибратдир. Бу куч ва қудрат эса Оллоҳ ишқидир.

Ғазал таҳлили жараёнида ғазалнинг бирор байтида ҳам тасаввуфий сўзлар учрамаганлиги сабабли шоир ошиқнинг маъшуқага айтилган дунёвий муҳаббати мадҳ этиляпти, деган мулоҳазаларни ҳам билдирадилар. Ёки ошиқ йигитнинг маъшуқа қизга бўлган севгиси ҳақидаги ғазал дея баҳолаган талабалар ҳам бўлди. Муҳими, ғазал матни асосида олиб борилган машғулотда қизгин муҳокама ва мунозаралардан сўнг, талабалар Машрабнинг йирик санъаткор, истеъдодли шоир эканлигини ҳис қилдилар. «Ўртар» ғазали мисолида шоир маънавиятидан, мақсадидан, маҳоратидан хабардор бўлдилар. Аслида тасаввуф назарияси ва тарихи масаласи, хусусан, истиқлол давридан бошлаб эътиборга олинмоқда. Бу улкан руҳий, фалсафий ва адабий жараён Машраб ижоди мисолида тўлиқ акс эттирилган деб бўлмайди. Умуман, бадиий ижоднинг мураккаб соҳаси бўлмиш тасаввуф масаласини талабалардан талаб этиш учун махсус манбалар нашр эттириш, луғатлар тузиш, услубий қўлланмалар яратиш лозим эканлиги кўзга ташланади. Тасаввуф таълимоти ҳақида берилган



маълумотлар қисман бўлса-да ғазал таҳлили жараёнида ўз натижасини берганлигининг гувоҳи бўлдик. Талабаларнинг шоир меросига бўлган муносабатини аниқлаштиради, унинг ғазалларини жиддий ўрганиш лозимлигини англадилар. Лекин Машрабнинг ўтли сатрларини бугунги кун талабаларига тушунтириш, унинг руҳий оламига олиб кириш жуда қийинчилик билан амалга оширилди. (Тажриба натижалари 5-жадвалда илова қилинади).

Чунки, мумтоз адабий меросимизни ўрганиш учун турли ўқитиш усулларига эҳтиёж сезилди. Айниқса, матн таҳлили устида ишлаш жараёнида, машғулотнинг ҳар бир босқичида ўзига хос ўқитиш усулини қўллаш керак бўлди.

Мураккаб матндаги асарларни ўрганишга мўлжаллаб кашф қилинган ўқитиш усуллари мадрасаларда кенг қўлланилган. Бу ўқитиш усуллари, хусусан, тажрибали мударрислар томонидан ихтиро қилинган бўлиб, улар талабаларнинг ўзлаштиришларини енгиллаштириш, машғулотда кўзланган мақсадга эришиш назарда тутилган.

Ана шу ўлмас, умри боқий услубий тажрибалар тикланса, бугунги ёшларимиз ҳам бобокалонлари сингари ахлоқий фазилатларга эга бўладилар. Улар комил инсон бўлиб вояга етишишларида авлодларимизнинг бой тажрибалари муҳим манба бўлиб хизмат қилишига амин бўламиз.

**Мадрасаларда мураккаб матнларни ўрганиш учун қўлланилган  
асосий усуллар**

| <b>№</b> | <b>Усулларнинг номи</b>      | <b>Изоҳлари</b>                                      | <b>Усулларга боғлиқ бўлинмалари</b>   |
|----------|------------------------------|------------------------------------------------------|---------------------------------------|
| 1        | Илми шарҳ                    | Очиш, баён қилиш, ошкор қилиш, чексиз маънога эгадир | Тафсир, таъвил                        |
| 2        | Илми таҳлил                  | Матн мазмунини таҳлил этиш                           |                                       |
| 3        | Усули ҳижоия                 | Сўзларни бўғинга бўлиб ўқиш ва вазнини аниқлаш       | Усули савтия                          |
| 4        | Илми мунозара                | Баҳс, муҳокама, мунозара ўтказиш усули               |                                       |
| 5        | Илми қироат                  | Оҳанг ва сўз талаффузи асосида матнни ўқиш           |                                       |
| 6        | Илми фасоҳат ёки фасоҳадисор | Чиройли, ўринли қоидага мувофиқ бўлган оғзаки нутқ   | Нотик, сухандон, зевари, ойини        |
| 7        | Илми баён                    | Сўзидаги нозик маъноларни баён қилиш                 | Риторика                              |
| 8        | Илми ғариба ғайб, ғариб      | Кам сўз билан катта, кенг маъноларни акс эттириш     | Ал-ибора, шарех, зурафо, урафо, дабир |
| 9        | Илми маоний                  | Нарса ёки ҳодисанинг туб моҳиятини очиб бериш        |                                       |
| 10       | Илми иншо                    | Ёзма иш услуби, мактуб, ёзув саводхонлиги            |                                       |

## 2-жадвал

Мадрасани хатм қилган толиби илмларга дарс ўқиши, яъни мударрислик қилиш мумкинлигини билдирувчи ижозатнома – диплом берилган.



## 3-жадвал

Талабаларда мумтоз шеърят таҳлили малакасини шакиллантириш усуллари қуйидаги жадвал орқали таснифлаш мумкин

| СамДУ<br>ўзбек<br>филологияс<br>и<br>факультети<br>IY босқич | Талабаларнинг<br>I гуруҳдаги<br>сони | Тажриба –синов<br>гуруҳи |      |                      |      | Талабалар<br>нинг II<br>гуруҳдаги<br>сони | Оддий<br>гуруҳ |          |
|--------------------------------------------------------------|--------------------------------------|--------------------------|------|----------------------|------|-------------------------------------------|----------------|----------|
|                                                              |                                      | Тажрибада<br>н олдин     |      | Тажрибада<br>н кейин |      |                                           | Сон<br>и       | Фои<br>з |
|                                                              |                                      | сони                     | фоиз | Сон<br>и             | фоиз |                                           |                |          |
| 2004-2005<br>ўқув йили                                       | 18                                   | 4                        |      | 28                   |      | 18                                        |                |          |
| 2005-2006<br>ўқув йили                                       | 19                                   | 6                        |      | 30                   |      | 19                                        |                |          |
| 2006-2007<br>ўқув йили                                       | 20                                   | 7                        |      | 32                   |      | 20                                        |                |          |

**4-жадвал**

**Талабалар қўллаган сўзлар миқдори таснифи**

| <b>№</b> | <b>Филология факультети</b> | <b>Талабалар сони</b> | <b>I жуфтликда қўлланилган сўзлар миқдори</b> | <b>Мавзуга доир сўзлар миқдори</b> | <b>Мавзуга дахлсиз сўзлар миқдори</b> |
|----------|-----------------------------|-----------------------|-----------------------------------------------|------------------------------------|---------------------------------------|
| 1        | IV босқич                   | 48                    | 70426                                         | 50264                              | 20262                                 |

**5-жадвал**

**Бобрахим Машрабнинг «Ўртар» радибли ғазалининг бадиий таҳлилига доир дарс усуллари қўллаш натижаларини тавсифлаш жадвали**

| <b>№</b> | <b>Филология факультети</b>                        | <b>Оддий гуруҳдаги талабалар сони</b> | <b>Тажриба гуруҳдаги талабалар сони</b> | <b>Қўлланилган таҳлил усуллари</b>                                                                                                                          | <b>Натижалар</b>                                                     |                                                                          |
|----------|----------------------------------------------------|---------------------------------------|-----------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------|
|          |                                                    |                                       |                                         |                                                                                                                                                             | <b>Оддий гуруҳ</b>                                                   | <b>Тажриба гуруҳ</b>                                                     |
| 1        | IV босқич талабалари<br>Жами: талабалар сони 48 та | 24                                    | 24                                      | Илмий шарҳ<br>матн таҳлили<br>.Илми мунозара<br>оғзаки Нутқ маданияти<br>Суҳбат<br>Якуний хулоса<br>Матнни аруз вазни<br>талабалари асосида<br>ифодали ўқиш | 27,4<br>фоиз<br>25 фоиз<br>23 фоиз<br>20 фоиз<br>22,7фоиз<br>12 фоиз | 74,8<br>фоиз<br>79,6<br>фоиз<br>71 фоиз<br>65 фоиз<br>77 фоиз<br>73 фоиз |

## М У Н Д А Р И Ж А

|                                                  |    |
|--------------------------------------------------|----|
| 1. БИРИНЧИ ФАСЛ. КИРИШ. XIX аср охири XX аср     |    |
| бошларида мадрасалар тарихи .....                | 3  |
| 2. ИККИНЧИ ФАСЛ. Мадрасалар таълимида            |    |
| ўқитиш усуллари тарихи .....                     | 17 |
| 3. УЧИНЧИ ФАСЛ. Мадрасаларда шарҳлаб             |    |
| ўқиш усули тарихи .....                          | 47 |
| 4. ТЎРТИНЧИ ФАСЛ. Илми таҳлил, илми мунозара     |    |
| усули тарихи .....                               | 72 |
| 5. БЕШИНЧИ ФАСЛ. Илми балоға ва илми фасоҳатнинг |    |
| қўлланилиш тарихи .....                          | 85 |
| 6. Хулоса .....                                  | 97 |

**МАҲКАМОЙ ТУРСУНОВА**

**МАДРАСАЛАР ТАЪЛИМИДА  
АДАБИЁТ САБОҒИ**

**МОНОГРАФИЯ**

**Мухаррир**

**М. Абдуллаева**

**Мусаххих**

**М. Рўзибоев**

**Тех.муҳаррир**

**О.Арнст**

*2010-йил 24-сентябрда оригинал-макетдан босишга  
рухсат этилди. Бичими 60x84/ 1,16. “Times New Roman”  
гарнитураси. Офсет қоғози. Офсет босма усулида босилди.  
Шартли босма табағи 7,0 . Нашириёт ҳисоб табағи 4,8.  
Адади 100 нусха. 048-буюртма.*

---

**СамДУ босмахонасида чоп этилди.  
140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15.**